

Ноябрь 11 1988

ISSN 0235-1277



# Ёш Куч





В. И. ЛЕНИН

Рассом Ҳайдар САНАЕВ асари.

## ЛЕНИН. ИНҚИЛОБ. ВАТАН

Абдулла ОРИПОВ,  
Ҳамза номидаги УэССР Давлат мукофотининг лауреати.

Кўпдир мамлакатда эллар, элатлар,  
Қадим ва ноқадим халқлар, миллатлар.  
Ҳар бири ўз тили, ўз эли билан,  
Эл ичра ҳар бири ўз феъли билан,  
Ранг-баранг суратли одамлар яшар,  
Ишлашар, куйлашар ҳамда курашар.  
Мана шу турфа хил эллар барини,  
Улфатни, йиғинни, ёшни, қарини  
Бирлаштириб турар битта ном лекин,  
У замон дарғаси — барҳаёт Ленин!

Кўпдир мамлакатда кентлар, овуллар,  
Кўчалар, шаҳарлар, бекатлар, йўллар.  
Ўзича ҳар бири ўзга маъводир,  
Ўзича ҳар бири ажиб дунёдир.  
Ҳар бири гўёки ўз сири билан,  
Алоқаси йўқдай бир-бири билан.  
Аммо шу турфа хил, рангдор тупроқни,  
Кентлар ва овуллар, шаҳру қишлоқни  
Туташтириб турар яхлит бир хитоб,  
Ун еттинчи йилги Улуғ Инқилоб!



Меҳнатдан келса бойлик...

## ЕР ДЕҲҚОННИКИ БЎЛДИ

**О**ктябрь инқилобининг дастлабки кунларидаёқ доҳиймиз В. И. Ленин «Ер деҳқонники» деб эълон қилган эди. Аслида буюк инқилобнинг бош мақсадларидан бири ҳам шу эди, яъни ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларини ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларига ҳада этиш, завод, фабрикалару дастгоҳлар — ишчиларгаю, еру омоч бўйинтириқлар деҳқонга — инқилобнинг дастлабки йилларида худди шун-

дай бўлган эди. Шахсга сиғиниш даврида ер аста-секин деҳқоннинг ихтиёридан чиқиб, бюрократ усулда (яъни буйруқбозлик усулида) бошқарувчи раҳбарият измига ўта бошлади, ҳатто турғунлик даврида аҳвол шу даражага бориб етдики, қайси ерга нима экиш, қачон экиш кераклигини «юқори»дан буйруқ орқали бошқаришарди. Ер хусусиятини, шароитини умрида кўрмаганлар қайси ерга қовун-тарвуз, қайси ерга пахта экиш ҳақида кўрсатма беришарди, деҳқончилик кўр-кўрона буйруқбозлик асосига қурилган эди. Бора-бора

ҳосилдорликнинг пасайиши, ерларнинг талон-тарож бўлиши, дарёларнинг қуриб қолиши, заҳарли химикатларнинг кўпайиб кетиши, эгаси кўчиб кетиб, бутун-бутун қишлоқларнинг вайроналикка айланишининг бош сабаби шунда эди.

Партиямизнинг XXVII съезди ва XIX конференцияси яна доҳиёна шиорни тиклаб «Ер деҳқонники» деб эълон қилди. Ҳа, ер яна деҳқонники бўлиб қолди, ерни соғинган, мустақилликни қўмсаган, деҳқончилик санъатини бировнинг аралашувисиз намоён эта оладиган азамат деҳқонлар яна далаларга чиқдилар, гектарчилар, ижарачилар, пудратчилар қақраб ётган минг-минг гектар ерларни гуллатиб-яшнатиб юбордилар. Чиндан ҳам ер деҳқонни, деҳқон ерни соғиниб қолган экан. Тошкентимиз бозорларида шу йилнинг ёзида қовун тарвузларнинг, помидору бақлажонларнинг, борингки меваю резаворнинг мўл-кўл бўлишининг сабаби — мана шу ерни соғинган фидойи ижрочилару пудратчиларнинг меҳнатлари туфайлидир.

Тошкентлик эру хотин. пенсионерлар Файзимат ака билан Ханнонча хола Хайитовлар шаҳарнинг шундоққина биқинидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхозидан 3 гектар ер олиб деҳқончилик қилишди. Ҳосил унумдорлиги машаққатли меҳнатга боғлиқ. Унумдорлик фидойи меҳнат демакдир. Ҳимматли бу пенсионерлар 80 тонна маҳсулот топшириб, яъни ҳар бир киши ўрта ҳисобда 100 кг дан резавор истеъмол қиладиган бўлса — 800 кишини маҳсулотнинг шу тури билан таъминлаб, яна пландан ортганини ўзлари пуллаб ҳам олишди.

Меҳнатдан келса бойлик,

Турмуш бўлар чиройлик,

деб халқимиз бежиз айтмаган. Ҳар икки пенсионернинг турмуши эл фаровонлиги йўлида меҳнат қилганлари учун маънавий жиҳатдан ҳам гўзал ва чиройлидир. Эл дастурхонига нозу-неъмат тўккан кишининг юзи ёруғу, қалби гўзал бўлади, шундай эмасми?

Х. ТҮХТАБОВЕВ.



А. Кудряшов фотолари



# ОКТЯБРНОМА

Чўлпоннинг «Октябрь» шеъри ёзилган пайтда адабиётимизда инқилобий мавзуни ёритишда маълум анъаналар шаклланиб улгурган эди. Ҳамзанинг «Яша, Шўро!», Авлонийнинг «Қизил байроқ», «Октябрь байрами» шеърларидан кейин Сўфизода, Сиддиқий-Ажзий, Фақирий, Ҳислат, Мискинлар бир талай эсда қоладиган асарлар яратдилар. Бу мавзуга қалам урмаган ижодкор кам қолган эди. Уларнинг деярли ҳаммасида Ҳамза ва Авлоний бошлаб берган Октябрнинг умумбашарий аҳамияти, биринчи навбатда меҳнат аҳли тақдирдаги буюк ўзгаришлар ўз ифодасини топди. Бу муҳим эди, албатта. Лекин масалага ёндашишдаги, тасвирдаги бир хиллик, қайтариқ мавзунинг қадрига путур етказиши мумкин эди. Чўлпоннинг шеъри шундай шароитда мавзуни янги, ҳеч ким кўрмаган, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган жиҳатларини ёритиши билан октябрнома ни юқори босқичга кўтарган асарлардан бўлди.

Шеър икки қисмдан иборат. Биринчи қисм баланд пардали оҳанг билан бошланади. Шоир ғоят муҳим бир ҳодисани хабар қилмоқчи. Шу сабабли дастлабки сатр хитобий: «Эй, бу кун, эй бу кун». Такрор унинг салмоғи ва таъсирини кучайтириб турибди. Сўнг муаллиф ҳодисани қиёслаш учун мазмунига кўра энг катта, аҳамиятига кўра энг қадрли, оҳангига кўра энг жангдор сўз излайди. Бу сўз — «дунё». Инқилоб — дунё. Энди «инқилоб»нинг содир бўлганини «дунё» билан боғлаб кўрсатадиган сўз керак. Бу «сарсилмоқ» (остин-устун бўлиб кетмоқ):

*Эй, бу кун, эй бу кун,  
Дунёлар сарсилди.*

Дастлабки сатрларданоқ шеър сизни ўзига ром қилиб олади. Муқояси кейинги сатрларда конкретлашиб, оҳанг кучайиб боради. Қисмнинг сўнгги банди:

*Эй, бу кун дўл келиб  
Оламни йиққан кун!  
Эй, бу кун куррамиз  
Меҳвардан чиққан кун! —*

деган энг баланд парда билан яқунланади. Ўқувчида кўлами ва аҳамиятига кўра фавқулодда улуг бир ҳодиса таассуроти пайдо бўлади. Лекин иборалар салмоқли, ифодалар қуюқ бўлгани учун таассурот кучли бўлмасин, мавҳум. Шоир учун

ўқувчининг худди шундай ҳолати зарур. Негаки, биринчи қисмнинг мақсади ўқувчини зарур бир гапга тайёрламоқ. У гап иккинчи қисмда айтилиши керак.

Иккинчи қисмда романтик бўёқ бирдан йўқолади. Унинг ўрнини конкрет ҳаётий тасвир эгаллайди. Ўқувчи хушёр тортади. Шоир икки қисмдаги икки хил тасвирни бир-бирига улайди. Ўқувчини хаёл-мавҳумот дунёсидан ерга олиб тушади:

*Йўқ, дўстим, ҳовлиқма,  
Хаёлга берилма.  
Ортиқча ҳашамга  
Берилиб  
Сўз дема.  
Ҳеч нарса бўлмади:  
На тўфон, на вулқон.  
Фақат ҳақ йўлларда  
Оқди қон, оқди қон.*

Тўғри, тасвир ҳали ҳам умумий. Шоирга абстракт мавҳумотдан конкрет манзарага ўтиши учун кўприк керак. Иккинчидан, оҳанг ҳам ўзгарди. Энг паст пардага қайтди. Муаллиф ҳодисанинг салмоғи ҳақида ўқувчида маълум таассурот ҳосил қилгач, уни конкрет жонли манзарада кўрсатишга ўтади. Бу эса ўз навбатида босиқ, осойишта оҳангни талаб қилади:

*Елғиз бир ҳаракат,  
Қимирлаш кўрилди.  
Чайладан чиқилиб  
Ўрдага юрилди.  
Осилди «йўқ» «бор»га —  
Йўқсиллар бойларга.*

Шу тариқа биринчи қисмдаги мавҳумот, абстракт тасвир энгил баҳс воситасида конкретлаштириб борилади. Ва дастлабки муаллақ, лекин улугвор ҳодиса аниқ мазмун, образ эса жонли қиёфа касб эта бошлайди:

*Ҳеч нарса бўлмади  
Кун, булут ойларга.  
Табиат жим қолди:  
На иссиқ, на совуқ  
Октябрь ойида,  
Куз кетган, қиш ёвуқ.*

Романтик бўёқ ва реалистик тасвир ҳодисани шунчаки тасаввур қилиш эмас, яқиндан ҳис этишга ёрдам беради. Аслида сизга бу ҳодиса маълум. Ўрни, тафси-

лотлари, қахрамонлари билан. Лекин шеърни ўқишда тўхтамайсиз. Чунки унда сизни толиқтирувчи таъриф-тавсиф йўқ. Аксинча шундай оламшумул ҳодиса шу қадар содда, жонли ҳикоя қилиб берилаётгани, сиз олдин бундай ҳолга дуч келмаган эдингиз. У кўз билан кўриш, қўл билан ушлаш мумкин бўлган даражада яқин кўриниб кетади.

Шоир асосий воқеага кўчади. Диққатни инқилобнинг марказий қахрамонига қаратади. Қисқа-ихчам тафсиллардан унинг қатъият ва шиддати намоён бўлади:

*Қўзғолди оч қолган,  
Энтиккан бир йиғин.  
Улимнинг кўзига  
Кўз тиккан бир йиғин.*

Сиддиқий Хондайлиқийнинг «Русия инқилоби» асарида шундай бир жой бор. Шоир инқилобнинг давом этаётганлигини, асосий гаплар ҳали олдинда эканини алоҳида таъкидлаб, меҳнаткаш оммани кураши давом этиришга чақиради:

*Буюк мақсад узра жанг урмоқ керак,  
Тилаб матлаб эмди югурмоқ керак.*

Шоир бунга асос сифатида «Етушти ҳамият элин навбати» деган фикрни айтади. Ҳамият — инсоний шаън, номус. Чўлпоннинг юқоридаги «Октябрь» шеърида ҳамият «оч қолган, энтиккан йиғин»ни «яланғоч ҳамият»ни олға бошловчи муайян тимсол даражасига кўтарилади:

*Қўзғолди бечора  
Яланғоч ҳамият.  
Кўжсида ёнарди  
Лекин бир ҳамият.  
Улимдан ўзгани  
Кўрмаган ҳамият.  
Ҳамият ё ғазаб,  
Е шиддат... Варибир!  
Елғиз у дунёнинг  
Фотиҳи, оламгир!*

Сокич ва равон бошланган иккинчи қисмда шу тариқа маълум драматизм пайдо бўлади ва унга мутаносиб равишда оҳанг ҳам кучайиб авж пардасига ўтади. Иккинчи томондан, Октябрнинг бош қахрамони меҳнат қилиб роҳатини кўролмаган мазлум халқ эди, уни инқилобга етаклаган нарса инсоний шаъни, ор-номуси бўлди,



бинобарин, бу ҳодиса бениҳоя қонуний ва мантиқийдир деган энг муҳим, энг асосий фикр бетакрор бир тарзда ифодаланмоқда.

Шеърни кузатишда давом этайлик. Шоир воқеани ҳикоя қилиб берапти. Урни билан айрим тафсилларга кенгроқ тўхталяпти. «Ҳамият» шундайлардан бўлди. Лекин ҳикоя усулининг ўз қоидалари бор. Воқеа яқунланиши, инқилобнинг нима билан тугаганлиги айтилиши керак. Муаллиф шеърнинг иккинчи қисмини маълум даражада ҳикоя-эртас асосига қурган эди. Хулоса ҳам шунга мутаносиб бўлиши керак. Уқиймиз:

Ана шул ҳамият  
Ана шул жамият,  
Ана шул ирода,  
Ана шул ҳақ ният  
Золимнинг қўлидан  
Қудратни олди-да,  
Ўзининг маҳсули  
Зиндонга солди-да  
Ўзича яшашнинг  
Йўлини қаради.  
Ўзига бир олам  
Қурмоққа яради.

Шоир биринчи қисмдаги «дўл келиб оламини йиққан, курамиз меҳвардан чиққан кун» ташбиҳига қайтади. Уни инкор қилади. Ундай нарса бўлмаганини айтади. Ниҳоят шеърнинг яқун қисми келади. Муаллиф энди иккинчи қисм яқунини рад этади. Фалсафадаги инкорни инкор қонуни эсингизга тушади. Сўнгги инкор ҳодисанинг маъно ва аҳамияти ҳақидаги энг муҳим хусусиятларни ўзида синтез қилганини пайқайсиз:

У куннинг куйи ҳам,  
Шеъри ҳам кўп содда,  
Лекин у соддалик,  
Равонлик олдида  
Дўлларнинг оламини  
Йиқиши ҳечдир.  
Курранинг меҳвардан  
Чиқиши ҳечдир.

Бу ҳам аслида таъриф. Лекин унинг бундай ифодасига илгари дуч келмагансиз. Инқилоб ҳақида шеърлар кўп ёзилди. Октябрноманинг катта қизиқиш билан ўқиладиган саҳифалари анча-мунча. Ҳар бирининг ўз қадри, ўз ўрни бор. Чўлпоннинг мазкур шеърининг ўрнини ҳам иккинчи ҳеч бири боса олмайди.

Инқилоб ҳақида ҳали кўп ёзилади. Ҳар бир авлод уни ўз ақли, ўз шуури, ўз ҳаёт тажрибаси билан қайта идрок этади. Лекин мазкур шеър 20-йиллардаги авлоднинг буюк Октябрга бўлган қизғин ва ҳаяжонли меҳрини самимий ва бетакрор ифодалаган бир асар сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолади.



Д. МУҲСАЛИМОВ расми

## ЖУРНАЛХОНЛАР ИЖОДИДАН

Қайипназар МАТРАЗОВ

### Комсомол

Ешлик ғайратларинг  
жўш бериб халққа,  
Ер бўлиб турибсан  
бугун атоққа,  
Партия чорласа қай вақт,  
қай ёққа,  
Доим тайёр турган  
шонли Комсомол!  
Корчагин — сен,  
қучоқ очиб тилакка,  
Олдга чиққан  
кучлар йиғиб билакка,  
Ватан даъватини  
жойлаб юракка,  
Сафар отин сурган  
шонли Комсомол!  
Қўриқлар очган — сен,  
эл ғамин йўлаб,  
Темир йўл солган — сен,  
Сибирни бўйлаб,  
Кўкни бўйсундирдинг  
Гагарин бўлиб,  
Халқнинг олқишларин  
олган Комсомол!  
Коммунистнинг содиқ  
йўлдоши бўлиб,  
Энг оғир жабҳада  
қўлдоши бўлиб,  
Маҳкам тутиб Ленин  
байрогин, йўлин,  
Ҳамиша қадам бос  
олға, Комсомол!

### Уруш ветеранлари ҳақида шеърлар

Ветеранлар ҳақда ҳар замон  
Уй сураман дилдан ўкиниб:  
Ахир улар кўтарар ҳамон  
Бу ҳаётнинг энг чўнг юкини...

\* \* \*

Озайиб бормоқда сонлари,  
Кун-кундан ташвишда жонлари.  
Ветеран оталар, боболар —  
Тарихнинг муқаддас шамлари.

\* \* \*

Меҳнатга бахшида умрлар,  
Утирмас бир жойда тиниқиб.  
Пўлатдай — қай заҳмат дуч келса,  
Куч топар қайтадан чиниқиб.

\* \* \*

Кўтарган юкиндан бўшайсан  
Бир кун,  
Бу ҳаётда мангу яшамас  
Инсон.  
Дуч келсанг уларга,  
Бош эг,  
Таъзим қил —  
Улар сени кўриб қувонсин,  
Ўғлон!



### Улуғ дўстлик ҳақида қўшиқ

Ақлу тафаккуринг, қўлдаги кучинг  
Доим сарф айласанг шу дўстлик учун.  
Ўтаган бўласан энг буюк бурчинг —  
Мудом ярашади шу улкан дўстлик!

Яшна, яшна, Дўстлик —  
Дил сенга ошиқ!  
Буткул жаҳонни,  
Барча инсонни  
Чорла, эй қўшиқ!

Уруш ўти сўнар дўстлик туфайли,  
Ойга одам қўнар дўстлик туфайли,  
Чўлда гуллар унар дўстлик туфайли,  
Яшнатади мудом шу улкан дўстлик!

Яшна, яшна, Дўстлик —  
Дил сенга ошиқ!  
Буткул жаҳонни,  
Барча инсонни  
Қамра, эй қўшиқ!

### Муҳаббат ҳақида

1

Баҳор келса, гуллар териб  
Чиқдим сенинг йўлингга.  
Сен кетдингми кўнгил узиб —  
Олмадинг-ку қўлингга!

2

Тун шамоли юзларимни  
Силаб-силаб елади.  
Чўлпон юлдуз кўзларингни  
Эслатади — кулади.

3

Юрагимда бир савол бор  
Наҳот жавоб айтмасанг:  
Мен нур бўлиб таралайми,  
Сен тонг бўлиб отмасанг?!

### Менинг Ватаним

Кўк билан ўпишган тоғлари бордир,  
Қанд-шарбат етишган боғлари бордир.  
Кўрган одам кўйлар қўшиқ, дoston бу,  
Қорақалпоғистон бу!

Юрт манзаралари — гўзал, чиройлик,  
Ҳар қарич тупроғи — хазина, бойлик.  
Ватан — кўксимдаги ғурур ва шон бу,  
Қорақалпоғистон бу!

Дўстликка содиқ, мард одамлари бор.  
Кўл, чўл, тўқай — сеҳрли одамлари бор.  
Ўрдак-у ғозларга тўлган осмон бу,  
Қорақалпоғистон бу!

Шаҳар-қишлоқлари фаровон, обод,  
У ерда яшайди инсон ҳур, озод.  
Она бу, ота бу, ботир ўғлон бу,  
Қорақалпоғистон бу!

Қорақалпоқчадан Музаффар Аҳмедов  
таржималари

...Тун чекинди.  
Уфқ лов этиб ёнди.  
Қуёш ётоғидан кўзғолди...  
Тонг...

Нурсухнинг тонги ўзгача. Икки тоғ тизмаси орасидаги бу қишлоққа қуёш уззу-кун ўзининг заррин нурларини сочади. Шунинг учунми, ерлари ҳосилдор, мевалари тотли. Нурсух узумларининг, ўрикларининг донғи етти иқлимга кетган.

Қишлоқнинг номига эътибор бердингизми? Нурсух! «нурсурх, яъни қизил нур», деб изоҳ берди кексалар. Нур... қизил нур... Чиройли, нима дедингиз?

Қишлоқ уйғонди. Орадан кўп ўтмай катталар ишга, кичиклар эса ўқишга йўл олдилар. Қишлоқ кўчалари гавжум бўлиб кетди.

Шунда...

Гавжум кўчадан кетаётган пиёда, машинали йўловчи ҳам кўча ёқасидаги мактаб биносига бошқача ҳурмат, бошқача меҳр билан боқиб қўяётганлигини сездик. Аслида, бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Бу масканда ҳарф таниганлар учун бу ер болаликлари, ёшликлари билан чамбарчас боғлиқ. Аммо... Қизик, мактаб барпо бўлгандан буён неча нурсухликка зиё бахш этдийкин? Улар кимлар бўлиб етишдийкин?

## Тарих саҳифаларидан:

Нурсухда мактаб (синф) дастлаб Оталиқ маҳаллалик Абдуҳалил Яминов ташаббуси билан очилган. Болалар пахта пунктидаги хоналардан бирида ўқитилган. Шарт-шароит бўлмаганидан ёпилган. Сўнгра 1924 йилда бешариқлик Насриддин Эшботиров мактаб (синф) очади. Бу синф ҳам узоқ яшамай ёпилади. 1927 йилда бошланғич мактаб учун пойдевор олинади. У 1928 йилда ишга тушади. Мактаб кейинчалик етти йилликка айлантирилди. Биринчи марта 1935 йил етти йиллик гувоҳнома билан ўқувчилар битириб чиқди. Битирувчилар орасида Абдуназтоҳ Ҳалилов, Алибой Нурматов, Абдуқаҳҳор Отабоев, Муротали Пўлатов, Незматжон Ҳалилов, Собиржон Қаҳҳоров, Иброҳим Сатторов, Шаҳобиддин Содиков, Баратбой Ҳамрокулов ва бошқалар бўлган. Кейинчалик мактабда Қўчқор Бойқўзиев, Ғофиржон Баратов, Шаҳобиддин Қорабоев, Аъзамжоч Ҳасанов, Тожиҳон Аскарвалар ўқиганлар.

Ҳа, улар ўша давр тили билан айтганда қишлоқнинг илк ўқимишли, саводхон ёшлари эдилар.

## Профессор Бойқўзиев...

Тўғриси айтсам, профессор билан суҳбатлашиш анча қийин бўлса керак деб ўйлаган эдим. Чунки унинг қандай лавозимларда ишлагани ҳақида орқаворотдан эшитган эдим. Фарғона педагогика институтида декан, проректор, Қўқон пединститутининг ректори... Лавозим кишида ўзига яраша «муҳр» қолдирадими, у самимий суҳбатлашишга гоҳо жиддий халақит беради.

Мен ўрта бўй, сочлари кумушдек оппоқ, истараси иссиқ профессор билан дастлаб танишган пайтдаёқ адашганлигимни тушундим ва адашганлигим учун хурсанд бўлдим.

Қўчқор ака ўйга чўмди. Уларнинг юз ифодаларидаги тез-тез алмашиб турган ўзгаришларга эътибор берар эканман, хотиралар уни болалик йилларига олиб кетганлигини пайқадим.

Унинг болалик, ўсмирлик йиллари оғир уруш йилларига тўғри келган. Тенгдошлари билан кексалару аёллар қаторида далага чиқиб, меҳнат қилди... 1945 йили 2-мактабнинг саккизинчи синфини битирган Қўчқор Яйпандаги 1-ўрта мактабда ўқишини давом эттирди. 1947 йили ўрта мактабни битиргач, ўзининг қадрдон мактабида уч йил ўқитувчи бўлиб ишлади... математикага ихлос қўйгани учун Фарғона педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кирди. Ўқишни битиргач, институтда ўқитувчи бўлиб ишга қолди. Сўнг аспирантура... Шундан буён унинг олий ўқув юрларидаги педагогик ва илмий фаолияти бошланди...

Қўчқор аканинг номи бугун фан аҳлига яхши таниш. Шогирдлари ҳам кўп...

Тажрибали педагог билан суҳбатимиз беихтиёр мактаб, таълим-тарбиянинг бугунги муаммоларига бориб тақалди. Тақалди-ю, унинг кўп йиллик кузатишлари, юрагидаги армонлари юзага қалқиб чиқди. Бу фикр-мулоҳазалар таълим-тарбия ишмизга асқотиб қолишини ҳисобга олиб, у ҳақда батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

— Ҳозир мактабларда шароит яхши, лекин шу шароитдан яхши фойдалана олмаймиз.

— Бунинг сабаби нимада?

— Турғунлик даври мактаблардаги ўқув-тарбия ишларимизга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Илдан йилга яхши ўқувчи ҳам, ёмон ўқувчи ҳам синфдан синфга кўчирилаверди. Иккичилар, ўзлаштирмовчилар борлигини кўра билатуриб юз фоиз ўзлаштирилди, деб рапорт беришга зўр берилди...

Қўчқор ака таассуф билан бош чайқади, маънос тортиди.

— Афсуски, бу иллат, биргина мактаб доирасида чекланиб қолмади, олий таълимга ҳам юқди. Биринчи курсга эллик нафар студент қабул қилинган бўлса, келгусида шу эллик нафарнинг ҳаммасига диплом

Улар турғунлик даврида ҳам виждонан ишладилар. Боланинг билимига яраша баҳо қўйиб келдилар. Натижа чакки эмас, ҳар йили йигирма, йигирма беш битирувчи турли олий ўқув юрларига ўқишга киради. Бу ҳам ўзига яраша ўқувчилар ва ўқитувчилар меҳнатига қўйилган баҳо...

Бугун халқ таълими катта ўзгаришлар палласида турибди. Демак, республика халқ таълими министрлигининг мутасадди кишилари тажрибали педагогларнинг, шу жумладан профессор Қ. Бойқўзиевнинг фикрларини ҳам эътиборга олсалар чакки бўлмайди. Зеро, уларнинг замирида катта ҳаётий кузатишлар ётибди.

## Тарих саҳифаларидан

Мактабнинг юздан зиёд собиқ ўқувчилари Улуғ Ватан уруши йилларида қўлга қурол олиб жанг қилдилар. Улар сафида Эргашвой Орифжонов, Ҳамрокул Ҳасанов, Муротали Пўлатов, Абдуқаҳҳор Отабоев, Назиржон Тусматов, Тошмат Ҳайитматов, Қобилжон Мелибоев, Саидкул Рустамов, Оллоберган Баракаев, Бекмурод Мингбоев, Худойберди Йўлдошевлар ва бошқалар бор эди... Бугун Совет Армияси ва Ҳарбий-деңиз флотиди уларнинг ўғиллари ва набиралари хизмат қилмоқда.

# НУРСУХНИНГ ИККИ ҚУЁШИ

бериш талаб қилинди. У шу дипломга лойиқми йўқми, деган савол ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади. Хаёлига келса ҳам жавобсиз қолди. Бунинг оқибатида педагогика институтларини бу ишга ўқуви йўқ, билими саёз студентлар ҳам битириб кетишди. Улар мактабларда ишлашяпти, дарс беришяпти... Ўзида чуқур билим бўлмаган ўқитувчи ўқувчига чуқур билим бера оладими? Йўқ. Кўп жойларда мактаб ишларининг дадил илгари юрмаётганлигига мана шулар тўғаноқ бўляпти.

Қўчқор ака бир оз тин олди. Вазиятнинг ўзи «нима қилиш керак?» деган саволни қўйган ва бу саволга Қўчқор аканинг ўзидан жавоб талаб қилаётган эди.

— 1-мактабга борганимизда ўн саккиз нафар эдик. Аммо мактабни атиги олти-тамиз битирдик, холос. Қолганлар битира олмади.

— Тўққизинчи синфдан кетиб қолдимиз?

— Кўплари ўрта мактаб программасини ўзлаштира олишларига кўзлари етишмагач, ўзлари кетишди. Тўғри, баъзилари ўқишни давом эттиришди. Бироқ программани ўзлаштира олмагани учун, улар барибир давлат имтиҳонларига қўйилмади. Лекин шуни айтиш керакки, гарчи ўша синфдошларимиз аттестат ололмагани билан ҳаммалари ҳаётдан ўз ўринларини топиб олишди... Модомики шундай экан, мактабда аввало болага яхши билим бериш, билимига яраша баҳо қўйиш ва ниҳоят аттестат бериш керак. Ана шунда таълим-тарбия яхши самара беришига умид боғласа бўлади.

— 2-мактабдаги ўқув тарбия жараёнига қандай баҳо берасиз?

— Бу мактабда ўзим ўқиганман, ишлаганман. Шунинг учун фикрларим мақтовдай туюлиши мумкин. Мактабда тажрибали, ишнинг кўзини билган ўқитувчилар кўп.

## Ота-ўғил жангчилар

Худойберди Йўлдошев... Ҳазил-мутойибага ўч, дилкаш отахонлардан. Шунинг учунми, анча ёш кўринади. Фақат кўксидидаги медаллар, қўлидаги ва бўйнидаги чандиқларгина унинг уруш азобларини кўп торганлигини «айтиб» турибди. Суҳбатимиз мавзуси ўз-ўзидан уруш йилларига бориб тақалди...

Бундан роппа-роса 49 йил муқаддам, яъни 1939 йили ҳарбий хизматга чақирилганда у 21 ёшда бўлиб, ўзи ўқиган 2-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси эди. Кун кетидан кун ўтиб уйга, қадрдон Нурсухга қайтишга тараддуд қилиб юрганида Улуғ Ватан уруши бошланди-ю, унинг, биргина унинг эмас, миллионлаб совет кишиларининг бутун режалари бузилиб, остин-устун бўлиб кетди. Уларнинг қисмлари тиш-тирноғигача қуролланиб, мўр-малахдай бостириб келаётган



гитлерчиларни тўхтатиш учун Полтава шаҳри яқинида жангга кирдилар. Шиддатли ва беомон жангларнинг бирида душман снаряднинг осколкиси уни бирданга уч жойидан оғир яралади. Уч ой мобайнида Ворошиловград, сўнг Тошкент госпиталларида даволанди. Ҳали тамоман ўзига келмагани учун уни фронт орқасига — Фарғонадаги ҳарбий қисмларга юбордилар. Бир неча ой ҳарбий хизматдан бўшамаган ҳолда ўз мактабида ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб ишлади...

Улуғ Ватан уруши ветеранининг оловли йиллар ҳақидаги хотираларини бир ёш йигит — ўғли Саъдулла Йўлдошев ҳам зўр эътибор билан тинглади.

У ўқувчилик йилларида отасидан уруш хотиралари ҳақида гапириб беришни кўп сўрарди. Ушанда, балки, бир кун келиб мен ҳам душман билан юзма-юз келаман, деб сира хаёлига келтирмаган бўлса керак. Мана энди Саъдулланинг ўзи ҳам уруш ветерани. Афғонистонда интернационал бурчини ўтаётганда жуда кўп жанговар топшириқларни бажарган. Ким билади, ҳозир отасининг хотираларини тинглаётганда унинг хаёлида ҳам жанговар эпизодлар жонланган бўлиши мумкин.

— Мен Афғонистонда 1984-86 йиллар хизмат қилдим, — деди Саъдулла. — Қисмииз Қобулдан 200 километр нарида жойлашган эди. Автомобилчи бўлганим учун Афғонистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларига, масалан, Шиндод, Жалолобод, Баграм, Ғазна, Барака ва бошқа жойларга озиқ-овқат яна турли нарсалар олиб борар эдик. Душманлар колоннаизмининг белгиланган жойга боришига йўл қўймаслик учун жон-жаҳдлари билан уринишарди. Қолоннамизга ҳужум қилар, йўлларини миналаштирарди. Сафарларнинг бирида душманлар колоннамизга ҳужум қилиб менинг машинамни ёндириб юборишди... Қуролдош дўстларимдан баъзилари жанговар топшириқни бажариш пайтида ҳалок бўлишди. Улар орасида ҳамқишлоқ, мактабдош дўстларим Алишер Жўрабоев, Зиёдбек Қорабоевлар ҳам бор.

Алишер мен сингари шофер эди, армияга чақирилгунга қадар ДОСААФ мактабида шоферликка бирга ўқиган эдик. Афғонистон йўлларида ҳам тез-тез учрашиб қолардик. Бир куни колонна билан юк олиш учун биз турган жойга келди, суҳбатлашдик, уйдан хат-хабар олган-олмаганлигимиз ҳақида гаплашдик. Улар юк олиб қайтиб кетишаётганларида унинг машинаси минага учраб портлаб кетибди. Алишер ўлимидан сўнг «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди.

Ҳозир мактабдаги иккита пионер отряди Алишер Жўрабоев ва Зиёдбек Қорабоевлар номи билан юритилади. Бу отрядларнинг пионерлари уларнинг номига муносиб бўлиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Интернационал-жангчи Саъдулла Йўлдошев шу кунларда Фарғона педагогика институтининг студенти. У келгусида бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлади. Ёдингиздами, унинг отаси Худойберди Йўлдошев ҳам бир пайтлар ҳарбий таълимдан дарс берганлигини айтган эдик. Оталар ишини болалар давом эттираяпти. Демак, Ватанимиз тинчлигини қўриқлаш иши ишончли қўлларда.

## Яна тарих саҳифаларидан

Мактаб ўрта маълумотли кадрлар етказиб бера бошлаган даврдан то ҳозирги кунгача (35 йил ичида) 3100 нафар ўқувчи мактабни битириб чиқди. Буларнинг 730 дан зиёдроғи турли мутахассисликлар бўйича олий маълумотли, 600 дан ортиқроғи ўрта махсус маълумотли кадрлардир. Биргина педагогика институтларини 450 га яқин, политехника институтларини 110 дан зиёд, медицина институтларини 50 дан зиёд, қишлоқ хўжалик институтларини 70 га яқин, бошқа олий ўқув юртларини 35 га

яқин ўқувчилар битириб чиқиб халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишламоқдалар. Мактабнинг собиқ ўқувчиларидан иккита профессор, ўндан зиёд фан кандидати, кўплаб партия ва совет ходимлари етишиб чиқди.



Мактабнинг медалли ўқувчилари: Манзура Мамадалиева (чапда), Феруза Раҳмонова, Насимбек Мамадалиев.

## Бунинг сири нимада?

Бу факт ва рақамлар билан танишган ҳар бир киши «Хўш, бунинг сири нимада? деб савол бериши табиий.

Бизнингча, бунинг сирини ўқувчиларнинг тиришқоқлиги-ю, ўқитувчиларнинг омилкорлигидан кидириш лозим. Мана, сизга кичик бир мисол.

...Машҳуранинг боши қотиб қолди. У «Информатика асослари ва ҳисоблаш машиналари» фани бўйича уйга берилган вазифани тайёрлашга тиши ўтмади. Ўтилган дарсни назарий жиҳатдан яхши ўрганиб олди-ю, уни компьютерда кўрсатиб беришни шунча уринмасин хаёлига келтира олмади. Эртага ўқитувчи сўраб қолса-ю, у мум тишлаб ўтирса, ўртоқлари олдида уялиб қолмайдими? Бунинг устига кундалигига шу пайтгача битта ҳам паст баҳо тушмаган.

Аслида, дарсни яхши ўзлаштира олмагани учун Машҳурада айб ҳам йўқ. Нимага десангиз, мактабга компьютер яқиндагина келтирилган. Уни яхши ўрганиб олиш осон эмас. Аммо гап шундаки, компьютер кабинетига кириш қийин, сабаби у ерда узлуксиз бўлмаса-да кўп вақт дарс бўлади. Бу ерга бошқа мактаблардан ҳам ўқувчилар келади-да. Машҳура эса ўтилган дарсни яна бир марта такрорлаб олса бўлди. Эсидан чиқармайди.

Машҳура ўйлаб-ўйлаб мактабга боришга, ўқитувчининг вақти қанча тигиз бўлмасин амалий машғулотни яхшилаб ўрганиб олишга қарор қилди...

— Ўтилган дарс бўйича ким жавоб беради? — сўради ўқитувчи эртасига экран қаршида ўтирган болаларга қараб. Қўл кўтарганлар орасида Машҳура ҳам бор эди.

Машҳура Мамадалиева 9-синфда ўқийди Комсомол комитети секретарининг ўринбосари. Мен Машҳура билан суҳбатлашар эканман унинг бир сўзли, шу билан бирга билимдон, дунёқараши, фикр юритиши кенг ўқувчи эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Ҳадемай, юқорида келтирилган олий ўқув юртига ўқишга кирган ўқувчилар сони яна биттага кўпайишига ҳам ишондим.

— Машҳура аълочилар оиласидан, — деди мактаб илмий бўлим мудирини Ғофиржон ака Баратов, — унинг опаси Манзура ҳам биринчи синфдан тортиб то ўнинчи синфга қадар нуқул беш баҳо олиб ўқиган. Мактабни олтин медал билан битирди. Ҳозир Фарғона педагогика институтида ҳам аъло баҳолар билан ўқимоқда. Акаси Насимбек ҳам аълочи ўқувчиларимиздан эди, мана мактабни кумуш медал билан битириб институтга ўқишга кирди. Дарвоқе, мактабда Машҳурага ўхшаб аъло баҳоларга ўқийдиган ўқувчилар кўп экан. Ғайрат Мамат-

кулов, Моҳия Мўйдинова, Тўлқин Худойбердиев, Ерқин Мелибоев, Шоҳиста Раҳмонбердиева, Ғайрат Марасулов, Инобат Сатторова, Дилмурод Мадумаров, Адиба Қўчқорова, Гулсанам Холиқбердиева...

— Мен ўқишни битиргач қишлоқ хў-

жалик институтига ўқишга кираман! — деди Моҳия Мўйдинова. Моҳиянинг бундай дейишида жон бор. Нега десангиз, у бир неча йилдан буён мактаб ўқувчилар бригадасида ишлайди. Деҳқончиликда кўзи пишиб борапти. Унинг ва унинг дўстларининг орзулари ушалади, албатта. Мактабда олган билимлари эса орзулари ушалишининг гаровидир.

Бугун мактабда 1200 дан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. Гап ўқувчилар ҳақида борар экан, мактабнинг тажрибали ўқитувчиларининг номларини ҳам тилга олиш жоиз. Дадажон Отажонов, Ғофиржон Баратов, Мамадали Акбаралиев, Аъзамжон Мамадалиев, Рустамбек Мамадалиев, Нуъмонжон Раҳмонов, Ҳанифахон Эргашева, Хадичахон Мажидова, Мансуржон Йўлдошев каби кўплаб ўқитувчилар бор билим ва тажрибаларини ёшлар тарбиясига бермоқдалар.

\* \* \*

Нурсух қишлоғига оқшом чўкди; Қуёш уфққа ёнбошлади. Лекин назаримизда қуёш ботмагандек туюлди бизга. Нурсухни биргина кўкдаги қуёш нури эмас, мактаб нури мунаввар қилаётган эди. Зеро, у Нурсухнинг иккинчи қуёши...

Шоҳруҳ АКБАРОВ.



Ўқувчилар бригадаси аъзолари тушликда. О. ҚОРАБОЕВ фотолари



## Менинг фикрим

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бу мактубни йиглаб ёзганман. Визда ҳамма меҳнат билан одам ўлмайди дейишади. Менимча бу гапга ҳаддан ташқари эрк бериб юбордик. Ҳозир қишлоқда кексалар ҳам, ёшлар ҳам касал. Яқинда қишлоғимизда иккита болани олиб кетишди. Иситмаси баланд, ҳеч бир врач тўғри диагноз қўёлмади. Бояқишларнинг буйраги, жигари шишиб кетган. Врачларнинг бири «сарик» деса, бири «терлама», бири «қаттиқ шамоллаган» дея у ёқдан бу ёққа жўнатишади. Менимча, булар оғир меҳнатнинг салбий самарасидир. Визда имтиҳонлар тугагач, 16 кун далада ишлаб бериш керак. Бу — меҳнат практикаси, яъни ёшларни меҳнатга ўргатиш эмиш. Ахир болаларилгари ҳам ўша практикада ишлагандан беш баттар меҳнат қиладик у ёзги каникулда. Биласизми, ёзда болалар, ўқувчиларнинг қўлларига қаролмайсиз. Чунонам ёрилиб кетадики улар — яғана, чопиқ, ўтоқ, чеканка туфайли.

Каникулга чиқдим, бас, даладан бери келишмайди. Ёзнинг бошларида бригадамизда бўлсангиз, эндигина 1-синфга бораётган ўқувчидан тортиб ўсмирларгача чопиқ қилади. Оилада 4—5 киши ишлаб, 60—75 сўмдан пул олади. Ахир қишлоқ боласининг жони ердан сунуриб олинмаганку. 9-синфда ўқийдиган ўқувчилар ҳатто Навоийга боришмаган. Саёҳатга, экскурсияга чиқишга, лагерда дам олишга йўл бўлсин.

Бадавлат кишилар болалари учун пўтёв-калар олиб, саёҳатларга юборади. Лекин колхозчининг фарзандлари-чи? Уларнинг ҳаёти билан ким қизиқиши керак?.. 1 сентябрда болалар жисмонан, ақлан куч йиғиб эмас, балки чарчоқ, касал ҳолда ўқишга боришганида улар фанларни «аъло» даражада ўзлаштири оладими?!

ЎзЛКСМ Марказий Комитети экскурсия ташкил қилибди. Бу яхши. Шунда ҳам далада ўз дардини кетмонга айтиб заҳмат чекаётган бизга ўхшаган ўқувчилар эмас, колхозчи ёшлар эмас, балки қайси бир лавозимда ишлаётган раҳбарнинг шаҳарма-шаҳар кезиб юрадиган фарзанди тавсия этилади. Бу муболага эмас.

Буни жазирама иссиқда кетмон чопаетган оғир меҳнат, жазирама касали таъсирида далаларда йиқилиб қолаётган ёш қизалоқларнинг мунгли кўзлари айтиб турибди.

Ҳамма жойда «Комсомоллар ташаббускор бўлиши керак» дейишади. Ҳеч қандай рағбат бўлмагандан кейин, ташаббус кўтариб чиқайликми?

Рўй-рост айтиш керак. Виз меҳнатдан безиб қолдик. Айбимиз нима?! Қишлоқликми? Мактубни эълон қилиш-қилмаслик ихтиёрларингга ҳавола.

Салом билан навоийлик мактаб ўқувчиси, 14 ёшли қиз Саодат.

## Нега шундай?

Бола тарбияси ҳақида айтмоқчи бўлган фикрларим балки бир оз саёзроқдир. Лекин мен бу гапларни ошкоралик ва қайта қуриш даврида айтмасдан ичимда сақлаб туролмадим. Ҳозирги давр болалари ҳақиқатан ақлан, онгли бўлиб тарбияланаяптими?

Ишдан қайтаётган эдим, анҳорда чўмилиб, қирғоқда тизилиб ўтирган бир гуруҳ боланинг ўзаро гаплари беихтиёр диққатимни тортиди. Улар бир-бири билан ҳазиллашиб гаплашаётган гапларни биз катталар ким биландир жиққамушт бўлиб турган пайтимизда ҳам айтишга истиҳола қиламиз. ХХI аср бўсағасидаги болалар — коммунизм қурувчилари шуларми. Албатта, мен бу билан ҳамма болалар шундай демоқчи эмасман. Лекин шундай тарбиясиз болалар кўпайиб бораётганлиги рост.

Бола тарбиясида қаттиққўллик етишмаяпти. Улар гап кўтармас, тегманозий бўлиб ўсишяпти. Сабаби улар ҳеч кимдан ҳайиқишмайди. Мушугани ништ дейдиган киши йўқ. Мабодо ўқитувчи қаттиқ гапирса ўқувчи ота-онасини бошлаб келади. Ота-она бориб директорга ўқитувчининг устидан шикоят қилади. Уқитувчи эса педсоветда ҳайфсан олади. Ана шунда ўқувчи «мени кўрдингми» деб бурнини яна ҳам баландроқ кўтаради. Мен бу ўринда бир воқеани эслатиб ўтмоқчиман. 8-синфда ўқиб юрганимизда синфдош болалар барчамиз сигарет чека бошладик. Тамаки заҳари ҳақида қанча ўқитувчилар насиҳат қилишди. Визга бу гаплар умуман таъсир қилгани йўқ. Сўнгроқ бир ўқитувчидан яхшилаб 3—4 тадан шاپалоқ егач ҳаммамиз чекишни ташлаб юбордик. Ҳозиргача кўпчилигимиз сигарет чекмаймиз ва ўша ўқитувчини ҳурмат билан эслаймиз. Сигарет чекишни ташлашимизга панд-насиҳатлардан кўра еган тарсакиларимиз кўпроқ сабабчи бўлди. Доно халқимиз бекорга «Чўнтакка бевақт тушган пулдан қулоқнинг тагига ўз вақтида тушган шاپалоқ афзал» деб бежиз айтмаган. Ҳолбуки ўқитувчилар тарсаки уриш у ёқда турсин, қаттиқроқ гапирса баалога қоляпти.

Болалардаги ўзидан катталарни ҳурмат қилмаслик, бағритошлик, манманлик тарбияда қаттиққўллик йўқолганлигининг оқибатидир.

Яна бир масала. Катталар ҳақида. Биз болалар тарбиясига баҳо беришдан аввал ўзимизга қараб олишимиз керак. Одамлар нега бунчалик лоқайд, бепарво, қўрқоқ бўлиб кетишган? Турғунлик даври таъсирими бу ёки бошқа жиддийроқ сабаблари борми? Мен шу ўринда иккита воқеани айтиб ўтмоқчиман. Зероким, бунга ўхшаш воқеаларни ҳаётимизда кўп учратганмиз.

Яқинда бир курсдошимиз фожиали ҳалок бўлди. Биз — курсдошлари, ўн чоғли йигит-қиз автобусда таъзияга жўнадик. Бекатда тушганимизда маълум бўлдики, курсдош қизларимиздан бирининг ҳамёнини ўғирлаб кетишибди. Ажабланирликми шундаки, қизлардан бири дўгонасининг ҳамёнини олаётганини кўриб туриб айтмаган. Нимага бизга айтмадингиз десам, ўлдириб кетишларидан қўрқдим, деб жавоб берди.

...Яна бир воқеа. Ишдан чиқиб кечки пайт дарсга кетаётган эдим. Автобус тирбанд. Аксарияти кечки бўлим студентлари. Бекатда тўхтаган автобусга тўртта 18—20 ёшлар атрофида, қўлларига остюмини олиб олган йигитлар намоийшкорона чиқишди. Бир-бирларига зимдан қараб олгач, одамлар ора-



сизга суқилиб олдинга, орқага тарқалишди. Улардан бири олдинги эшикка яқинлашиб атрофга аланглади-да, бир қизнинг сумкасини аста оча бошлади. Қиз сезиб қолиб сумкасини ўзига тортеа, бояги йигит сурбетларча тиржайиб ишида давом этаверди. Қиз қўрқиб атрофга аланглайди, лекин овоз чиқаролмайди. Ҳайҳот, автобус тўла одам қизга битта нажоткор йўқ! Мен одамлар орасидан сурилиб йигитга яқинлашдим ва «сурбет», «ўғри» деб тумшугига мушт туширдим. Менинг бақирган товушимни эшитган одамлар чўнтакларидан нарсалар турганлигига ишонч ҳосил қилишгач, четроқ туришининг пайдидан бўлишди холос. Уғри билан ҳеч кимнинг иши йўқ! Бекатга келиб бурни қонанган ўғри тушиб қолди. Сўнгра иккинчиси ерга сакради. Учинчиси рўпарамга келганда қорнимга бир мушт уриб, шериги билан бекатда тушиб қолди. Ана шунда бир нарсага қатъий ишонч ҳосил қилдимки, агар ўғри меҳнага пичоқ урган тақдирда ҳам бу воқеанинг қандай бўлганини изоҳлаб беришчи, шу воқеанинг, менинг айбисизлигимнинг тирик гувоҳи лик тўла автобусда бирорта ҳам топилмас эди. ХХI аср бўсағасидаги космос асрининг одамлари ўзини қайта қура олармикин?.. Мана шу безорилик ва ўғриликларнинг кўпайиб бораётганлиги бола тарбияси издан чиққанлигининг оқибати деб ўйлайман. Мен азиз халқимга қараб «кўзингизни очинг, одамлар», деб ҳайқиргим келади.

Ҳамдам АБЛАМОВ,  
ТошДУ студенти.

## Ҳурматли редакция!

Мен ҳам «Ёш куч» журналининг 1-сонидан босилган «Ҳақиқат излаб» мақоласи ва 5-сонидан журналхонлар муҳокамасини ўқигач, ўз фикрларимни баён қилиш истаги туғилди. Чунки мен ҳам Самарқанд область, Булунгур район 18-ўрта мактабни 1986 йили



битирдим ва ўқитувчи бўлиш ниятида ҳужжатларимни СамДПИ ўзбек тили ва адабиёти бўлимига топширдим. Институтга, ҳужжат топширганимни эшитган таниш-билишлару қариндош-уруғлар мени койишар эди. Гўё мен баланд дорга осилган эмишман. Дадамлароддий ўқитувчи, оиламиз катта, яъни ўн икки нафар фарзандимиз. Онамлар биз фарзандлар тарбияси ва турли юмушлар билан банд бўлганликларни сабабли ҳеч қаерда ишлай олмаганлар. Илига бир-икки тўй қиламиз. Буни яхши билган танишлар мени масҳара қилгандай сўрашар ва «ҳозир «танка» бўлмаса бекор овора бўлганинг қолади ҳалиям кеч эмас, бирон билим юртига бориб қўя қол-да», дея маслаҳат беришарди. Бундай насиҳатларни эшитгач, умуман бешавқат ҳаётдан нолир эдим, «нега менинг дадамлар ҳам бирон мўмайроқ жойда ишламас эканлар», дея ич-ичимдан ўксинар эдим. Аксинча дадамлар «қизим, менинг бойлигим ҳам, бахту саодатим ҳам фақат сизлар. Менга бундан ортиқ давлатнинг ҳожати йўқ. Сенинг ўқишингга келсак «ҳақиқат бор», лекин у ҳақиқатни рўёбга чиқариш сен ва



сенинг тенгдошларинг қўлида. Сен ўқи, қийналган саволларингни мендан сўра, ўзингга пухта бўл, билимингга ишон, гарчи у ҳозир жуда оз бўлсада, излан, ўрган, кўзлаган мақсадингга чин дилдан интил, ўшанда ҳақиқат сенга ўзи пешвоз чиқади» деган эдилар. Мен шу гаплардан кейин бутунлай ўзгардим. Иштихонларга пухта тайёргарлик кўра бошладим, шу орада «суҳбат» бўлди ва факультет декани мени мақтай-мақтай «2» балл билан баҳолади. Бу мен учун жуда катта мукофот бўлди. Уқишга шунчалик қизиқиб кетдимки, гўё китобларнинг сарлавҳасини кўрсам бас, қолганини ёд биладигандай. Иштихонлар бошланди. Тенгдошларимга қараб ҳайрон бўламан, бири отасини бошлаб келган, яна бири тоғасини... Сўзларининг мазмунини деярли бир хил, «қанча бердинг?», «нечта сўради». Мен эса бутунлай бошқа фикр, «ишқилиб довдираб қолмай, аниқ ва қисқа жавоб беришга ҳаракат қилайда», дедим. Шу йўсинда иштихонлардан муваффақиятли ўтдим. «Ҳеч қандай суянчиқсиз, олий таълим талабаси бўлдим» дея қувониб сўзлаганимда дадамлар, «йўқ қизим, сен билимга суяндинг, билим эса ҳеч қачон кишиларни алдаган эмас», дедилар.

Қарангки ўз кучингиз билан ўқишга кирсангиз, давом эттириб кетишингиз ҳам осон бўлар экан. Мен қишки ва ёзги синовларни «аъло»га топшириб, тайёрлов курсига кўчдим. Мана тақдир тақозоси билан ўқишни Наманган Давлат Педагогика институтида давом эттирмақдаман. Бу ерда ҳам ўқишларим яхши. Аммо, ҳеч қачон СамДПИни ва у ердаги ажойиб устозларимни унутмайман.

Сабоатхон, сизга ҳам ва умуман 1989 йили билим даргоҳларига қадам қўяётган абитуриентларга қарата шундай дегим келади:

Эй, азиз билимга чанқоқ ёшлар! Сизлар ҳеч қачон ўзгаларнинг миш-мишларига ишониб, қадрли вақтингизни беҳудага сарфламанг. Сизлар барчангиз мустақил шахсизлар, негак қўлингизда алвон рангдаги совет паспорти жилоланиб турибди. Энди ўз ҳаёт йўлингизни ўзингиз топинг. Билимларингизни мустаҳкамланг, сўнгра кўрқмасдан орзуларингиз сари одимлайверинг. Қоқилишдан қўчманг, токи сизнинг қўлингизга ҳасса-ю, йўлингизга нурафшон чироқ бўлгучи билимларингиз сизни суяйди. Виз совет ёшларимиз. Келинлар, биргаллашиб ўз билимларимиз билан «ҳақиқат» борлигини исбот қилайлик. Токи, ҳақиқатни сотиб олмақчи бўлганларнинг юзи шувут бўлсин.

Азиза МҲМИНОВА,  
НДПИ ўзбек тили ва адабиёти факультети  
II курс талабаси



## Ёрдамнингиз керак!

Ҳурматли «Ёш куч!»! Виз ҳозир 8-синфни битириш арафасида турибмиз. Мақсадимиз — 8-синфни битириб Термиз медицина билим юртида ўқиш. Бироқ мактабимизнинг ўқитувчилари бунга қаршилик кўрсатишмоқда. Ҳолбуки ҳамшира бўлишни биз 4-синфдан орзу қилиб келаётгандик. Энди ҳамма орзуларимиз пучга чиқмоқда. «9-синфда ўқийсан» деб туриб олишган. «8-синфни битириб ўқишга бориш мумкин эмас, барибир ҳужжатларингни бермаймиз» дейишяпти. Ахир 8-синфни битириб билим юртларига ўқишга бориш мумкин бўлмаса, нима учун давлатимиз 8-синфни битирганларга билим юртлари очиб қўйибди?! «Ёш куч», бизга ёрдам бер! Умидларимиз пучга чиқмасин!

Мухаббат КҲЗИБОВА,  
Сурхондарё область, Денов район  
Хазорбоғ совхозидagi 27-мактаб ўқувчиси.

\* \* \*

Ҳурматли «Ёш куч!»

Йил бошида Ўзбекистон телевидениесининг «Хат ва ҳаёт» кўрсатувига қишлоғимиздаги аҳвол, камчиликлар тўғрисида шикоят юборган эдим. Унда, қишлоғимизда на ҳаммом, на спорт майдончаси, на клуб, на болалар боғчаси, уруш ва меҳнат ветеранлари учун бирон чойхона йўқлигини гапириб, ёрдам беришларини сўрагандим. Лекин

телевидениедан «Хатингни областга юбордик, жавобни областдан оласан» деган жавоб олдим. Мана, орадан бир неча ой ўтди, ҳамон жавоб йўқ. Бу кутиш қачонгача давом этади, билмадим. «Ёш куч», бизларга ўзинг ёрдам бер.

Қашқадарё область, Ульянов районидаги  
А. П. Чехов номли 20-ўрта мактабнинг  
ўқувчилари номидан Қахрамон САТТОРОВ,  
9-синф ўқувчиси.

## ХАТЛАР ВА УЙЛАР

### Қалин тоши эзмайди

Ўзига умр йўлдоши танлашдан кўра мушкулроқ муаммолар ҳам кўп, лекин бундай муаммо ҳаётда бир марта бошга тушади. Ундай муаммога қайта рўпара келмаслик учун ёки танлаган жуфти ҳалолнингиз билан ҳасратда ўтмаслик учун беҳад кўп саволларга жуда тўғри ва холис жавоблар топмоғингиз керак бўлади.

Бир кемада фазога йўл олаётган космонавтлар феъл-атвори бир-бирига қанчалик мос келиши мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганилади. Космонавтлар бир неча ой, нари борса бирон йил биргаликда парвоз этадилар. Виз эса бир умр ҳамнафас яшамоғи лозим бўлган бўлажак эр-хотин феъл-атворини бу қадар чуқур ўрганмаймиз. Аксинча, уч кунлик тўйни асасан дабдаба билан ўтказиш, сонсиз-саноксиз саруполаб йиғиш устида кўпроқ бош қотирамиз. Тўй харажатлари, келин-куёвга бир уй, бир айвон тиклаш ташвишлари етмагандай қалин пулини жамғарамиз.

Халқимиз қалин пулини «сут ҳаққи» дейди, кўп жойларда у расман сақланиб қолган ва ирими учунгина бажарилади, холос. Лекин қалин пули шафқатсиз талабга, у оила қуришининг бош шартига айланиб бораётган жойлар ҳам оз эмас экан.

«Ёш куч»нинг 5-сонида эълон қилинган журналхон С. Бобоевнинг «Қалин тоши эзмайди» деб номланган мақоласига келган мактублар ҳали бу муаммо кун тартибидан тушмаганлигини кўрсатмоқда.

«Виз тарафларда тўй ўтказиш жуда машаққат, — деб ёздаи Фарғона область Олтиариқ районидан СИДДИҚОВА. — Бир тўй учун 8—10 йиллаб емай-ичмай пул-буюм йиғиш керак».

Сурхондарёлик Г. ИСМОИЛОВА ҳам бундай аҳволдан куюниб ёзган: «Уч акамнинг ҳар бирига 5000—6000 сўмдан сарфлаб уйлантиришди. Энди кексайиб қолган ота она кенжа акамни уйлантириш учун пенсия пулларини тежаб-тергаб жамғаришяпти. Уларнинг аҳволини кўриб ачинаман. Кимдир, масалан, мен билан оила қуриш учун шунақа қийналаётган бўлса-я!.. Мен бунга истамайман!»

Гурланлик мактаб ўқувчиси НИГОРА К. кўпчилик мактуб эгалари кўнглидаги дардни ифода этган: «Қишлоқ шароитида тўй 10 минг сўмга ўтмайди. Колхозчи бунча пулни қаердан олади?.. Ўзбек халқи қачон қалин балосидан қутулади?!»

Г. МҲРАТОВА (Сурдарё), О. ТҲРСУНОВА (Наманган), Д. МАДРАИМОВА (Хоразм), М. СОЛИЕВА, Ф. ҚҲНДУЗОВА, М. ҚОДИРОВА (Фарғона), Д. СОДИҚОВА, Н. ЙҲЛДОШЕВА, М. НАСРИДДИНОВА (Тошкент) сингарии аксари мактуб эгалари қалин беришининг оғир оқибатларидан, бу зарарли урфнинг йўқолмаётганидан нолиб ёзишади. Урганчлик К. АҲМЕДОВА, «С. Бобоев Хоразмда қалин пули 7000 сўм деб ёзибди, мен унинг гапига қўшилмайман. Визнинг шаҳарда жуда ошириб юборишса 1500 сўм беришади, бу қалин пули ҳам қизнинг ўзига, яъни

унинг кўёвнигига олиб борадиган буюмлари учун сарфланади», деб эътироз билдиради. Мазкур мактубдаги бир гап ёқди. «Хўш, Собирнинг ота-онаси-чи? Улар қизларини турмушга берганда қудаларидан қалин пули олишмаганмикан?»

Дарвоқе, мактуб эгалари кўплаб мисоллар келтиришади, фикр-мулоҳазаларини баён этишади, бироқ ҳеч ким бевосита ўз оиласидаги тажрибани ҳикоя қилмайди. Масалан «мен қизим учун қалин олманман» ёки «мен қалин тўламай келин олганман» қабиллидаги хатлар йўқ. Зоминлик И. Юнусов уйланиш тарихини ёзиб, келин томон катта қалин сўраганини, лекин бўлажак келинга аҳволни тушунтиргач, қалин миқдори анча ихчамлашганини баён этган.

Шундан кўринадики, чуқур илдиз отган иллатга ҳам аста-секин барҳам бериш мумкин. «Қалин ман этилади!» қабиллидаги буйруқвозлик билан иш битмайди. Балки, район газеталарида, район ва қишлоқ аҳолиси ўртасида шу каби муаммолар хусусида фикр алмашилса, оила қуришининг замонга яраша мақбул йўллари изланса бундай тадбирлар самараси кўринади албатта.

Хатлар орасида «қалин оилани мустаҳкамлайди» (Сурдарёлик МАЛОҲАТ) мазмунда ёзилганлари ҳам бор. Таллимаржон шаҳрида яшовчи Ш. БЕКНАЗАРОВ эса, «қалин тўлаган оилалар қалин олиб қиз ҳам узатади-ку» деб мулоҳаза билдирган. Айримлар бўлса, қалинни эскилик сарқити сифатида қоралайди.

Бу гапларда жон бордек туюлади. Аммо қуда томонларни иқтисодий мутеликка солиб қўйиш ҳисобига оила мустаҳкамлигини таъминлаш тўғрими? Ёки бўлмаса «келинимга сарфлаган қалинимни қизим баҳонасида ундириб оламан» қабиллида иш кўри ... кечирасизу, қизларимиз қадрини улуғлаш эмас, уларни камситиш эмасми?..

«Қалин — эскилик сарқити» деган гапга ҳам қўшилиб бўлмайди. Мўйсафид ота-оналаримиздан сўраб кўрайликчи, қадимда қайси фуқар қайлик учун қанча қалин тўлаган экан? Маҳалла-кўй олдига амаллаб ярим қозон ош торган тўй эгаси қалинга нима бера олган? Умуман, қалин юракка сизганми оғир пайтларда?..

Демак, қалин турмуш фаровонлиги, тўғрироғи, сохта обрў-иззатгалаб йилларда газак олган, маълум маънода янги иллат. Асрлар мобайнида қон-қонга сингиб кетган баъзи иллатлар олдига бундай иллатнинг илдизини қуриштиш имкониятларини топиш мумкин. Бунинг бирдан бир чораси кишилар тарбиясига, ахлоқ-одоб, имон-эътиқод тарбиясига бориб тақалади. Маънавий тарбияси мустаҳкам халқ ўз-ўзини қалин тошидан эзилишига йўл қўймайди.

Суҳбатдош



Область комсомол комитетининг биринчи секретари Бахтиёр Тўрақулов фестивални очмоқда.



Қурилиш отряди бунёдкорлари.

## ЕШЛИК БАЙРАМИ

Фарғона область комсомол комитети ёшлар активлигини ошириш, улар орасида оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга катта эътибор бериб келмоқда. Айниқса область комсомол-ёшларига тиниб-тинчимас, сергайрат, тадбиркор Бахтиёр Тўрақулов бошчилик қилгандан буён бу борадаги ишлар янада жонланиб кетди.

1988 йил 27—30 август кунлари Шоҳмардон халқининг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса керак. Тоғлар оралигидаги Ҳамзаобод посёлкаси ёз фасли доим гавжум бўларди. Лекин кунига юз мингдан ортиқ меҳмон — ёшлар фестивалига ташриф буюриши — бунақаси биринчи марта эди.

Область комсомол комитети бу фестивалга узоқ тайёргарлик кўрди. Шу йил май ойидан бошлаб «Ленин комсомолининг шонли йўли» деб номланган эстафета фестивалини бошлаб юборди.

Тўрт ой давомида барча шаҳар ва районларда фестиваль шиори остида Ленин комсомоли босиб ўтган шонли йўлни, шон-шўхрати ва жасоратини шарафловчи оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказилди. Эстафета фестивалининг яқунловчи қисми эса Ҳамзаободда бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган бу ёшлик байрамида комсомол-ёшлар, ветеранлар, қардош республика, қўшни Андижон, Наманган, Ўш, Ленинобод, Сирдарё областлари вакиллари иштирок этишди. Марказий сахнада фестивалнинг очилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Область комсомол комитетининг биринчи секретари Бахтиёр Тўрақулов фестивални очиқ деб эълон қилар экан, байрам қатнашчиларини Фарғона комсомоллари номидан самимий табриклади.

Фестиваль программаси ранг-баранг бўлиб, махсус тайёрланган иккита сахнада республика ва областимиздаги қатор ижодий коллективларнинг чиқишлари бўлди. Дастлаб Фарғона районидаги «Водил чашмаси» халқ ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари концерт номерлари кўрсатдилар. Сўнгра М. Горький номидаги область ўзбек музыкали драма театри актёрлари ижросида «Комсомол — менинг тақдиримда» номли композиция (режиссёри Олимжон Салимов) намойиш этилди.

Айниқса, фестиваль меҳмонлари И. Охунбоев номидаги ёш томошабинлар театрининг актёрлари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Воҳид Қодиров, артистлар Тоҳир Мир-

алиев, Ҳайитали Низомиддинов ҳамда Абдусамад Жўрабоевларнинг чиқишлари томошабинларга завқ-шавқ бағишлади. Расулжон Норимов бошчилигидаги Олтиариқ район «Зилола» ашула ва рақс халқ ансамблининг чиқишлари томошабинларга ниҳоятда манзур бўлди. «Қувноқлар ва зукколар» конкурсига Қува районининг «Тинчлик» ва Тошлоқ районининг «Авангард» командалари ўзаро беллашиб, унда қувалик комсомоллар голиб чиқишди.

Республикаимизнинг етук санъат даргоҳларидан бири — «Ёш гвардия» театри коллективи фестивалга Шукр Холмирзаевнинг «Қора камар» спектаклини олиб келди. Бу спектакль ўлкаимизнинг жасур комсомоли, инқилоб қаҳрамони Абдулла Набиев ҳақида бўлиб, унинг Сурхондарё босмачиларига қарши мардона кураши тасвирланган. Томошабинлар А. Набиев ролини ўйнаган Ҳошим Арслонов, Хуррамбек ролини ижро этган Фарҳод Аминовларнинг актёрлик маҳоратига таҳсинлар ўқидилар. Театрнинг ижодий коллективи фестиваль давомида меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказди.

Фарғона область полвонлари, дорбозлари ҳам фестивалга янги программа тайёрлаб, санъат ва спорт ишқибозлари хизматида бўлишди. Полвон Турсун Али Муҳаммад бошчилигидаги халқ эстрада цирк группасининг томошалари шуқуҳли ва тантанали бўлди. Шу ернинг ўзида шоир Мирза Кенжабоев фестиваль қатнашчиларига ўз шеърларидан ўқиб берди.

«Иқбол», «Фарғона гўзали» кўрик-конкурси, хайрия аукциони ҳам фестивалнинг энг қизиқарли тадбирларидан бўлди. Хайрия аукционига энгил машиналар ким ошди савдоси йўли билан сотилди ва ундан тушган маблағ — 50 минг сўмга яқин пул Бутунитифоқ Болалар фондига ўтказилди.

Фестивалда актив иштирок этган, конкурсларда голиб чиққан ёшлар комсомол комитетларининг, бадиий ҳаваскорлик коллективлари эса область комсомол комитетининг савгалари билан тақдирландилар.

Область ёшларининг ВЛКСМ 70 йиллигига бағишланган эстафета фестивали ёш авлоднинг Ленин партияси ишига, оталар анъаналарига садоқатини яна бир марта намойиш қилди.



«Комсомол — менинг тақдиримда» адабий композициясидан бир кўриниш.



«Ёш гвардия» театри ижодий коллективи фестивалда «Қора камар» спектакли (Ш. Холмирзаев асари) билан иштирок этди.

Э. БОТИРОВ фотолари

Дилором МАЪМУРОВА

Нина ДЕМАЗИ

Гўзал бир қиз чет эл адабиёти бўйича имтиҳондан хуноб бўлиб чиқди.

«Алвасти! Аллақандай шкафнинг номини суриштирди-я...»

Холбуки ўқитувчи ундан Сервантес ҳақида сўраган экан. Қиз даҳонинг исми-шарифини шкафнинг бир тури билан адаштириб юборибди.

— Ҳа, инсониятга даҳолар керак. Инсоният инсоният бўлиб қолиши учун ҳам унга даҳолар керак.

Даҳо, доҳий сўзини одатда жуда эҳтиёткорлик билан ишлатамиз. Негаки, кўпинча даҳо сўзи билан инсоният ҳаётдан кўз юмган фарзандларини тақдирлаб келган. (Тўғри, «барча давр ва барча халқларнинг доҳийси — Сталин» тириклигидаёқ шундай олқишларга муяссар этилганди, лекин бугун ҳаётдан кўз юмганига 35 йил бўлгач, бу «даҳо»нинг қилмишлари элга ошкор бўлиб қолди.)

Инсониятга даҳо керак! Даҳо деганда нимани тушуномок лозим? Пушкин «Моцарт ва Сальери» асарида доҳийлик ва ёвузлик бир-бирини инкор қиладиган икки хил хусусият эканини шеърини ифодалаб берган эди.

«Даҳо» сўзининг семантик маъносига келсак, қадимги греклардаги кичкина, ярим худо саналмиш бу илоҳа қалб қўриқчиси вазифасини бажарган. Даҳо инсонга туғилганидан то дафи этилганича йўлдош бўлиб, ундаги ақл-идрок, имон, яхшиликнинг устивор бўлишига сабаб бўлган. Демак, даҳо ва қалб сўзлари орасига тенглик белгиси қўйиш мумкин.

Тарих — исбот талаб қилмайдиган фалсафа, дейишади. У бизга шуни ўқтирадики, деярли ҳар қандай система бир кун бориб эскиради-да, тараққиёт тўсиғига айланади. «Ақл-идрок ҳоқими» бўлишдан тўхтаб, ўз ҳокимлигини қўлида курол билангина тутиб турадиган ожиз нарасага, яна ҳам тўғрироғи зулм манбаига айланади.

Илк христианликнинг инсонпарвар гоёларидан, айтийлик ярим Европани чулғаган инквизиция гулханига қадар йўлни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўз баҳосини йўқотган қарашларни инкор қилишга кимнинг ҳақди сигади. Даҳонинг! Ана шундай пайтларда тарих саҳнасида ДАҲО пайдо бўлади. Ва у дунёни бошқача, янгича кўз билан кўришга, қабул қилишга қодир бўлади.

Лекин ўтмишнинг бебаҳо тажрибасини даҳо инкор қилиши мумкинми? Ахир, «ўтмишга ким тўп-понча билан ўқ уса, келажак уни тўп билан йўқотиб юборажаги» маълумку! Нафсиларини айтганда қадимгиларнинг содда космогоник назарияларига жиддийроқ ёндошилса, ўзига жуда ишонган новатор ҳам унга юксак баҳо беришини кўраимиз. Аждодларимизнинг метафорик онги ҳайратангиз даражада ғаройиб бўлган! Метафора — кундалик ҳаёт моҳиятини чуқурроқ англашга бир восита, яна ҳам лўндароғи метафора — асл ҳақиқатдир.

Йўқ, йўқ, мен дунёни ҳўкиз, ҳўкизни учта кит тутиб туради, деган қарашлардан йироқман. Бироқ, бугунги фандаги хулосалар эрта бир кун келиб ибтидий кўриниб, авлодларнинг кулгисига қолмаслигига ким нафолат беради?..

«...Биз долғали даврда яшаймиз» — бу иборани кўп ишлатамиз. Долғали давримизни октябрь зиёси бошлаб, ёритиб берган эди. Инқилоб — бу, та-

# ИНСОНИЯТГА ДАҲО КЕРАК



С. СПИРИХИН расми.

бийки, фақат бошқа иқтисодий ва сиёсий формацияга ўтиш, деганигина эмас. Бу одамлар онгини тубдан ўзгартириш демакдир.

Революциядан кейинги поэзия, Маяковскийнинг янгича услуби билан боғлиқ ўзгаришлар шеърятда ҳам ўзига хос инқилоб юз берганини исботлайди. Лекин ҳовлиқма санъатшуносларнинг «Пушкин ва Толстойнинг бизга кераги йўқ, уларни замонамизнинг тезювар кемасидан итқитиб юбориш керак!» деган хитоблари албатта тағзаминсиз, ҳавоий гаплар эди.

Лекин барибир Пушкин билан Лев Толстойдан воз кечгандаймиз. Бунинг исботи учун узоққа бормай мактаб дарсликларини варақлаб кўринг-а!

Усмирлар классиклар ижодини ўрганишмаепти, фақат «ўтишяпти» холос.

«Ўтган дарсада нимани ўтгандик?» — савол беради адабиёт ўқитувчиси.

«Пушкинни ёхуд Ғафур Ғулумни» деб жавоб беради ўқувчи.

Шоирларнинг ижодини юзаки ўрганиб улар устидан бир кулганимиз етмагандек, эндиликда кулишнинг яна бир усулини топиб олдик...

...Тошкентнинг Фарҳод бозоридаги шинамгина кооператив магазинчада кўйлак, иштон, ҳар хил

тақинчоқлар қаторида турли шоирларнинг ҳайкалчагарини ҳам сотишади.

Шоирларнинг юзлари бир хил — сип-силлик. Гўё уларда ҳаёт ўз изини қолдирмагандек.

Бу кооператорчининг ҳаменига барака тилаб, уни ижодкор деб атамасликка рухсат беришларингизни сўрайман. Улар ҳунарни касбга айлантириб олган бир бандалардир.

Одам санъаткор бўла олмаса буни ўзи ҳам яхши хис қилади. Лекин зўр бериб бошқача «ижод» йўлига ўтади. Ўзидан қобилиятлироқ, истеъдодлироқ ёшларнинг йўлига тўғаноқ бўлади. Бунинг учун энг қабиҳ ишлардан ҳам қайтмайди.

...«Халқ гўзали» деб таърифланган Волга дарёси тасаввур этиб бўлмайдиган даражада ифлосланиб кетди. Байкал, Орол денгизи таназзулга юз тутиш арафасида. Ота-боболаримиз бизларга мерос қолдирган ажойиб осори-атиқаларимиз йўқолиб кетмоқда. Тўғри, унут бўлаётган ажойиб инсонларимизнинг номини тиклай бошладик. Мандельштам, Чўлпон, Фитрат, Вавилов, Гумилёв ва бошқалар... Орол ва Байкални асраб қолишга ҳам жиддий ҳаракатлар бошланди.

Уйлаймизки, инсоният ўз бешиги Она ерга тош отмайди ва ҳаёт дарёси мавжланиб оқаверади!...

## ХАТЛАР, ХАТЛАР...

Хурматли редакция!

Авал ўзимизни таништирайлик. Биз 1986 йили комсомол йўлланмаси билан Ғарбий Сибирни ўзлаштиришга бел боғлаб келган ёшлармиз. Бу ерда биз ҳормай-толмай меҳнат қиляпмиз. Бўйи вақтларимизда эса ота-боболаримиздан бизга мерос қолган қадимий қўлёзма китобларни ўқишни ўрганишга аҳд қилганмиз. Шу маънода «Еш куч» журналида эски ўзбек тили бериб борилаётганлигидан хурсандмиз. Фақат сизлардан бир илтимос. Алифбо ёнида унинг замонавий тилдаги шарҳини ҳам берсаларинг.

Салом билан,

Уйғун ХОНОВ, Акмал МИРАҲМЕДОВ,  
Пўлатжон МУРОДОВ ва бошқалар.

Тюмень область, Нягань шаҳри,  
«Ўзбектюменжилстрой» ишчилари



Мустақиллик ҳақида мақола эълон қилибсиз. Сизлар қишлоқ ёшлари билан бир суҳбатлашиб кўринг-а. Уларнинг умрлари меҳнатда ўтишини билмайсиз-да. Айрим қишлоқларда кинотеатр тугул ҳатто оддий бир водопровод, газ, магазин йўқ. Хўш, уларнинг аҳволи шундай экан, қишлоқ ёшлари қандай қилиб мустақилликка эришсин.

Колхоз-совхоздаги ёшларнинг асосий қисми колхоз, совхозда ишлашади. Колхоз, совхозларда эса аҳвол бир хил. Пахтакорлар учун шароит яратилмаган. Нега ишчига яратилган шароит пахтакорга яратилмайди? Нима учун? Шунинг учун қишлоқ ёшлари шаҳарда яшаш мазали, деб шаҳарга кетмоқдалар. Агарда қишлоқ ёшларига ҳам шароит яратиб берилганда эди, улар ҳам ўз мустақилликларига эришган бўлар эдилар.

Шоҳсанам ОРИПОВА,  
Фарғона область, Ленинград район,  
Ленин колхозини.

# Бедадазорда

Ҳикоя

Қишлоқ томонидан енгил машина чироқларининг ўткир нури тун пардасини ёриб кела бошлади. Яйдоқ жойда сўппайиб турган яккатутдан бу ёғи ўнқир-чўнқир йўл. Шу ерга етганда машинанинг тезлиги сусайиб, зулмат қаъридаги тарам-тарам нур титрай бошлади. Беда ўғрилари дув этиб ўзларини пана-панага уришган, хилват ёққа қочаётган аравалар ортидан ёғ кўрмаган гилдиракларнинг «ғичир-ғичир»и эшитиларди. Бедапояни кесиб ўтган қум тўла ўқариққа яширинган Баҳодир ярим боғ пичанин қўлтиқлаганча жуфтани ростлади. Бўлиқ жойга етгач, пусиб ўтирди.

Яримта патирдек ой қоп-қора осмон уфқида илиниб турар, сон-саноксиз юлдузлар шуъласи заминни ёритишга ожизлик қилар, янчилган хўл беданинг димокни қитиқловчи ҳиди фалакка етарди.

Машина кундузи ўрим тўхтаган жойга келиб бурилаётганида гўё чегарачи прожекторини айлантираётгандек бўлиқ бедазор бир сидра ёришди. Сўнг борлиқни яна зулмат қоплаб, машина эшиги «қарс» этиб ёпилди.

Машинада келганлар ҳаммага отнинг қашқасидек таниш колхоз бош агрономи — Жалолов. Лақаби — Беда. Қайси картадаги бедага ўроқ тушса у кечаю-кундуз ўша ерда. Кимсан — хўжалик раҳбарларидан бири — текширувчи! Унинг қораси кўринди дегунча бедазорда эшак минган қоровулдан бўлак тирик жон қолмайди. Аслида катта ўғри — унинг ўзи. Қахратон қишда у колхоз фермасига пуллаган икки ярим минг боғ беда худди шу даладан ўмариб кетилганини ҳамма билади. Билади-ю, ўйнашмагин арбоб билан, деганларидек... Қолаверса, қишлоқда колхознинг бедасидан қуруқ қоладиган одам йўқ.

Ҳозир ҳам агроном икки укасини бошлаб келган. Унинг ўзи «текширув» ўтказгунча укалари қоровул чол билан учовлашиб тинмай беда ўришади. Кўп ўтмай Жалоловнинг оғзи қийшиқ тракторчи укаси прицеп судраб келади. Улар ўз улушларини олиб кетгач, тала-тала бошланади.

Баҳодир машина тарафдаги говурговурга бўйинини чўзиб кулоқ солаётган эди, сўл томон қаттиқ шитирлаб, кимдир бедапоя орасига қоқилиб йиқилди, сўнг қадини ростлаб-ростламай ўнга қараб бостириб келаверди. Ниҳоят, ўқариққа чиқиб, тўхтади: киз бола!

— Меҳри!..

— Вой ўлай, Баҳо, сенмисан?! Юрагимни ёрвординг-ку. — Меҳринисо ярим кучоқ бедани қум устига ташлаб, ёқасига туфлади.

— Ўтир.

— Кетсаммикин, — деди киз дамбада қоровул билан суҳбатлашаётганлар томонга қараб қўяркан.

— Ҳозир жўнашин, беда ўриб оламиз, — деди Баҳодир шивирлаб. Учрашув Баҳодирнинг тушига ҳам кирмаганидан вужудига титроқ турди. Бир зум тили қалимага келмай ўнғайсизланди.

У Меҳринисони қачон, қандай қилиб яхши кўриб қолганини эслай олмайди. Саккизинчи синфни битириш кезларида ўғил болаларни хунартехника билим юртига юбориш учун мактаб директори Равшанов мажбурлаб ўзларига ариза ёздирганда Баҳодир юрагини илк бор ўт бўлиб ёнаётган дардини Меҳринисонинг ўзига айта олмай, дугонаси Зулфизарга бил-

дирган, у бу сирни эгасига бир тўда киз ичида етказган эди. Эртаси куни Меҳринисо мактаб ҳовлисида Баҳодирга «уятсиз» деб кетди-ю, иккови бир ярим йил гаплашмади.

Баҳодирнинг отаси арз қилиб область Ижроя комитетига икки марта борди, шундан сўнг билим юрти унинг ўғлига ҳужжатларини кайтариб берди. Ушанда Баҳодир кадрдон синфдошлари ёнига кайтган, фақат Меҳринисо билан бир партада ўтириш nasib этмаган эди.

Меҳринисо ўз уйида асрандидан баттар. Беш яшарлигида онадан етим қолган, отаси Ният ака ярим йил ўтмай, даштга ғалла етиштиргани бориб, ўша ерлик Турдигул исмли қа-

лага, «сен билан фахрланамиз», деб медалъ топширди-я!.. — Баҳодир ясама илжайди.

Меҳринисо чуқур ух тортди-да: — Энди биз Равшановнинг пахта-сини ўтоқдан чиқармасак аттестатларимизни бермасмиш, — деди.

Буни Баҳодир ҳаммадан илгари билган. Отаси бошлиқ бригада пахта майдонидан ўн гектарини Равшанов раисдан сўраб олган. Уша жой энди мактаб директорининг «оилавий пудрати»га тегишли. Юқори синф ўқувчиларининг умри шу ерда, гўзалар орасида ўтади.

— Институтга ҳужжат топширишга улгурсак бўлди-да, — деди йигит қоронғиликка кўнкан кўзларини



Х. Зиёнонов расми

риқизга уйланиб кайтган. Орадан олти-етти йил ўтмай Меҳринисо беш ука-сингилли бўлди.

Отаси сувчи, куну тун далада. Укалари улғайгани сари Меҳринисонинг бегоналиги сезилаверди.

Ҳозир шўрлик қизнинг қўлига ўроқ тутқазиб ўғирликка юборган ҳам ўғай онаси. Тўғри, бедага ўроқ тушди дегунча қишлоқ аҳли тун уйқуси нималигини билмайди, лекин фақат, уйида эркаги бўлмаганларгина далага қизларини жўнатишади...

— Аттестатни қачон беришаркин-а? — Баҳодир ноқулай жимликка барҳам бериш ниётида гап бошлади.

— Суннатилла олибди-ку!

— У — медалист.

— Медали бошшида қолсин!.. Ҳаммаси минг сўмнинг кучи... Бўлмаса, сен ҳам, Тоҳир, Бегмурод ва Зулайҳолар ҳам ундан юз чандон аълочи эдинглар, шундай эмасми?

— Кечагина, «латтасан, сендан ҳеч ким қиқмайди» деб юрган Равшановнинг ўзи линейкада Суннатил-

Меҳринисонинг қорачадан келган ҳорғин чехрасига тикиб. — Сен ўқишга бормайсанми?

— ....

— Бир марта очикроқ гаплашайлик, Меҳри, — у бирдан қизнинг қўлини маҳкам ушлади, — уй... уйлари...

— Қўй, қўйвор, — киз жон ҳолатда юлқиниб, ўрнидан турди, — жиннимисан, қўлимдан тутмай гапиравермайсанми?!

— Уйларида совчилар келаётган эмиш-а? — Баҳодир ўзини орқага лоҳас ташлаганча икки қўлини ерга тираб ўтирди.

Худди шу совчилар келиб юраганида Меҳринисо ҳозир Баҳодирнинг бу қилмиши учун бошлаб адабини берар, кейин минбаъд гаплашмасди.

Қиш кунларининг бирида даштлик қишлоқдан — Турдигулнинг қариндошларидан Меҳринисога совчилар келиб кетганини шу оиладан бўлак ҳеч ким билмайди. Отаси, мактабини битирсин, кейин кенгашар-

миз, деган. Совчилар эса, ими-жими-да нон синдириб қўяйлик, сўнг июлгача индамаймиз, деб оёқ тирашган, бу таклифга фақат Турдигул қўшилган эди. Ният ака жаҳл билан «Қизим мактабини битирган куни, ўзи рози бўлса, бир йўла келин қилиб олиб кетаверинглр» деб чўрт кесганди ўшанда. Душанба куни Меҳринисо мактабга кела солиб, доскадаги ёзув кўринмаяпти, деб олдинги партага ўтириб олишининг сабаби шунда эди. Уша куни улар «ярашиб» ҳам олишган, бироқ энди севгидан гўё нишон йўқдек эди...

Янчилган беданинг ёқимли ҳидига сал нарида ўсиб ётган сассиқ алафнинг бадбўйиси аралашиб димокни ачиштирар, чамаси, тинмай чириллаётган қора чигиртка ҳам ўша алаф баргида ўтириб олганди. Бир ярим қақирим наридаги қишлоқдан итларнинг воуллаши эшитилади, хилват-хилватда пусиб ётган беда ўғрилари ҳозиргина ажойиб сокинликни бузиб келган прицепли трактор ва ҳалиги енгил машинанинг кетишини сабр-сизланиб кутишарди.

Қоронғида дўппайиб кўринаётган бедапоя ичида кимдир уларни поилаётган, таъқиб қилаётгандек туюлди қизга. У атрофга ҳадиксираб қаради, хув нарида прицепга беда ортаётганларнинг кўланкасидан бошқа нарсани кўзи илғамди. Баҳодир ўзини ўнглаб ўтираркан, «қизишиб кетдим», деб қўйди узрли оҳангда.

— Барибир сен ўйлагандек бўлмайди-ку, — деди киз бирдан жонланиб, чўкка тушаркан.

— Нега энди? — деди Баҳодир овози титраб.

— Уйланмаган икки аканг бор, иннайкейин, сени армияга қақиради. — Меҳринисо хомуш тортди. — Ихтиёрим ўзимда бўлса нима қилишни билардим-а, отам билан хотинининг ниётлари... ух...

Оқила қизнинг мушоҳадаларини Баҳодир аллақачон тарозига солиб кўрган, ҳамма нарсага ақли етиб турган бўлса-да, тақдирнинг бундай ўйинларига таслим бўлолмасди.

— Барибир севаман, ниётимга ҳам етаман. Фақат, фақат сен йўқ демасанг бас, — деди у ва қўли беихтиёр киз томон чўзилаётганини сезмади.

Шу он икки чети бўлиқ бедапоя бўлган ўқариқдан улар томон йўрғалаб келаётган катта оқ эшак дунёни бошига кўтариб ханграб юборди. Талвасага тушган Баҳодир ўзини бўлиқ бедазорга урди, киз чўчиганидан ва кўнглида кечаётган ҳислар туғенидан довдираганча йиғлаб юборди. Жаббор бобо жаҳл билан эшагининг бошига қамчи солиб унни ўчирди. Пусиб ётган Баҳодирнинг тўғрисида етганда, «Қўрқма қизим, Ниятти қизимсан — отанг сени излаб юрувди-ку...» — деди.

Бу пайт енгил машина қишлоққа кираверишдаги саф бўлиб ўсган теракларга ўткир нурини сочиб борар, орқасидан прицепли трактор ҳам хира ёғду таратганча изма-из борарди. Пана-панада ётган одамлар ёпасига бедага ёпирилди, чор атрофдан беданинг «ширт-ширт» ўрилиши, говур-говур, эшақларнинг бири-бирига интилиб узук-юлуқ ханграши-ю, онда-сонда сўкинишлар, айниқса қоровул чолнинг, «Ҳой, «кир»-дек бир чизиқ қилиб ўринглр», бир оздан сўнг эса «Ичкарига ораламанглр, бас, энди кетинглр!» деб шангиллашлари эшитилиб турди. Анча вақтдан кейин қоровул чол асабийлашди, «Инсоф борми, кетинглр ахир, уят эмасми Рухсора опа, нафени тийинглр-да, энди!» деб захрини сочди.

Ният ака қизи ўрган беда боғини елкасига ташлаб йўлга тушди. Улардан ҳийла орқада Баҳодир ҳам ўрган бедасини орқалаб келаверди. Уч-тўрт боғдан беда йиғиб олганлар катта ташвишдан қутулгандек мамнуи, хангамани қиздириб қайтишар, дамини ичига ютиб келаётган Баҳодирнинг эса ташвиши янгиланган эди...



Қардош туркман элининг буюк фарзанди Маҳтумқули неча асрларким ўзбек халқининг ҳам суюқ фарзандидир. Унинг дардли ва ғазабли сатрларини эшитмаган, ўқимаган китобхон ўзбек юртида топилмаса керак. Хоразмнинг шўр босган даласига сув таратиб юрган деҳқон, Самарқандда Нодир девонбеги мадрасасини тиклаётган меъмор, Тошкентда ярим тунда қорғоз қоралаб ўтирган ёш шоир, Қўқонда китоб дўкони сотувчиси, Бойсундаги чўпон Маҳтумқулининг қўшиққа айланган сатрларини гоҳ ичида пинҳона, гоҳ баралла овозини қўйиб айтиб юрибди.

Туркман ўғли Маҳтумқули озар фарзанди Фузулий сингари ўзбек халқининг кўнглига яқин ижодкор. Бу фақат бир онанинг фарзандлари эканлигидан эмас. Шунингдек дилимиздаги орзу умидлар, йўлимиздаги тўсиқу говлар, кўнглимиздаги қувончу шодликлар, бошимиздаги мусибату изтироблар неча асрларким муштарак эканлигидандир.

Мамлакатимизда фаол кечаётган қайта қуриш, ошкораликнинг шамоллари биз жуда яхши биламиз деб билган шоирлар ижодининг янги саҳифаларини очиб бермоқда.

Ушбу 100 сатр ҳам Маҳтумқулининг биз учун узоқ вақт пинҳон бўлган томонларини кўрсатади деб ўйлаймиз.



Маҳтумқули бошга боғлаб саллалар,  
Оч бўридай йўртиб неча муллалар,  
Ҳалолдан, харомнан йиғнаб ғаллалар,  
Ҳар на топса тинмай тиқа бошлади.

# Маҳтумқули

## Кўрилсин энди

Қўрқа-қўрқа тубан аҳвола тушдик,  
Тақдирда не бўлса кўрилсин энди.  
Фикр қозонида қайнадик, пишдик,  
Тегманг, ул жўш уриб йўрилсин энди.

Азал бошда жаббор бор этди йўқдан,  
Нечани нуруннан, кўпни тупроқдан,  
Хабар келди, дўстлар яқин-йироқдан,  
Душмона курд йўни қурилсин энди.

Ўтирмасин кампир, ёшлар тул бўлиб,  
Туркманлар қолмасин чўри, қул бўлиб,  
Мусулмон дегани ҳам яқдил бўлиб,  
Ғаним Сўнгги тоққа сурилсин энди.

Кўз билан кўрдингиз, кўплар гадоқир,  
Нечалар азобда, неча фидодир.  
Эй ёронлар, қувват берар худодир,  
Али зулфиқори тирилсин энди.

Ноҳақ тўқилмасин қизил қонимиз,  
Еғийга қолмасин бутун нонимиз,  
Едга олинг, омонатдир жонимиз,  
Ҳаққа зарур бўлса берилсин энди.

Устимиздан душман ҳукм сургандир,  
Мўмин бари жабру жафо кўргандир,  
Ўғил-қизин хар ўрнина бергандир,  
Ҳамма ул томоннан сирилсин энди.

Фироғий юз тутар туркман элина,  
Рақиб қўл урмасин қизил гулина,  
Дўстлар, бизни охиратнинг селина  
Ғарқ этмасдан ёвлар қирилсин энди.

## Қолди, найлайн

Бозорим соврилди, харидим қолди  
Дўконим эгасиз қолди, найлайн?  
Виносин тарқатди, қароқчи тўлди,  
Барча молим талаб олди, найлайн?

Мардлар номард бўлди, номард мард бўлди,  
Қуртлар пашша бўлди, пашша қурт бўлди,  
Юртлар вайрон бўлди, зиндон юрт бўлди,  
Шум фалак лашкарин солди, найлайн?

Ошиқлардан ортди ишқнинг ҳаваси,  
Тортилди, ёзилди дўзах пардаси,  
Тоғдан ошиб кофирларнинг ўрдаси,  
Гўзал элим вайрон қилди, найлайн?

Ер-ёрдан аюрди, мардни элиннан,  
Дарёни қувратди, тоғни селиннан,  
Боғлар сарвисиннан, булбул гулиннан,  
Қон йиғлаюб жудо бўлди, найлайн?

Маҳрум қилди гўзал кўркинг ҳунарин,  
Ота-онанг олди кўнгли қарорин,  
Ҳар кўни очди қул-қирноқ бозорин,  
Номусим бозорга солди, найлайн?

Маҳтумқули қўли боғлиқ, паришон,  
Ажаб, дostonимнан қўймади нишон,  
Пирларимиз банди этилди, ишон,  
Аюрди карвоннан йўлди, найлайн?

## Тўка бошлади

Кўмилди дарёлар, йиқилди тоғлар,  
Етимлар кўзёшин тўка бошлади.  
Ҳаромидан бўлган ҳаромхўр беклар  
Юртни бир ёниннан йиқа бошлади.

Жамоатсиз азон бир қуруқ сасдир,  
Неча мулланг айтган илми абасдир.  
Қозиларнинг кори чой билан носдир,  
Бир бузук нишона тута бошлади.

Эшонлари ҳар қопида топилар,  
Муллаларга йўқ ижобат ёпилар,  
Авлиёман деюб нодон сўфилар  
Қийқириб осмона боқа бошлади.

Чиқар биёбона қизи, келини,  
Оқ юзина ёпар қора теллини,  
Томоғиннан сиқиб йиққан пулини  
Безаниб ўзина тақа бошлади.

Дунёда судхўрнинг пул йиғмоқ дарди,  
Бойларнинг моллари безакот эрди,  
Товба этинг, кўзим бир ёмон кўрди,  
Бегуноҳ бир бирин ёқа бошлади.

## Эҳсон қайси билинмас

Дардим кўпдир диёримнан, давримнан,  
Хайр қайси, эҳсон қайси, билинмас.  
Золимларнинг жафосиннан, жабриннан,  
Ислоҳ қайси, иймон қайси, билинмас.

Сухбатинда ҳақ каломин сўйлар йўқ,  
Майлисинда бир насиҳат айлар йўқ,  
Ҳалол қайси, ҳаром қайси, сайлар йўқ,  
Суд қайсидир, зиён қайси, билинмас.

Халойиқда бир ором йўқ, кўрим йўқ,  
Бойларинда саховат йўқ, берим йўқ,  
Хотинларда ҳаё, қизда шарм йўқ,  
Одоб қайси, икром қайси, билинмас.

Кишининг молина кўзин олдирад,  
Таъсиб этиб кўнглин кина тўлдирар,  
Бир бирини ҳақми ноҳақ ўлдирар,  
Нурбат қайси, омон қайси, билинмас.

Маҳтумқули, жон меҳмондир, тўкма ёш,  
Беҳга дўст кўп, ёмон бўлсанг йўқ қардош,  
Бу айёмда бош оёқдир, оёқ — бош,  
Яхши қайси, ёмон қайси, билинмас.

Туркман тилидан Яҳё ТОҒА  
Ўзбекчалаштирган.

Раҳм, шафқат.



Т. Саъдуллаев расми.



Собир УНАР

# ОЛИШЎ

Ҳикоя

Бобошер Ҳанифага хат ёзганмиш. Бу — Бобошернинг элчиси Нурмат тўрткўздан чиққан гап. Абдимурод Бобошернинг рақиби. У элчининг бекорга бундай жаврамаётганини сезади. Элчи Абдимурод бу «янгилик»дан сўнг энди қай аҳволга тушаркин, деб кузатади. Абди эса ўзини қўлга олиб, совуқдонлик билан чидайди, тишини тишига босади.

Нурматга ўхшаган элчилар ҳар бир синфда бўлади. Масалан, VIII «Б»нинг сардори (шефи) Бобошер. Бобошернинг ўзи киму у дарга бўлган синфда элчи ким бўларди, Нурмат-да. Абдимурод VIII «А»нинг шефи. Элчиси — Жума тентак. Нурмат тўрткўз Бобошерни, Жума тентак Абдимуродни ҳозирги VIII синф ақлини танигандан бери бир-бирига гиж-гижлаб келади. Аммо ҳали-ҳануз бу икки «пахлавон» бирор марта яқмама-яқма чикиб уришмаган, «марду майдон ичра» олишмаган. Синфдошлари Абдимуроднинг бўйига қараб фол очишади. Яна нима деб: «Бобошернинг бизнинг Абди қўлига бир бог бедадай қўстириб, момосиникига олиб бориб келади». Бобошернинг синфдошлари унинг тошбақаникига ўхшаш қалта ва йўғон қўлига қараб бичиб-тўқишади: «Шу қўллар бир чирпаниб Абдимуроднинг белига ёпишса борми, э, худо кўрсатмасин, қорнига зўр келиб...»

Бир ҳакам келиб, иккала полвонни олиштириб, икки томондан бирининг популдиригини пасайтириб қўймади. Натижанда, «Абдимурод ўнинчидаги Тўхлиевни оёғини осмондан келтириб урибди», «Бобошер турникка йигирма беш марта ияк етказиб тортинибди», деган узун-қулоқ хабарлар мактаб болалари ўртасида куюндай пайдо бўлиб, шамолдай тез тарқаларди. Бу куни қарасанг, нариги ботир узунликка олти метрга сакрайди, униси етти метрга. Саккиз, ўн метрларгама сакрашади... Кейин синфдошлардан биларгонроғи жаҳон рекордидаам бундай юккорди натижа қайд этилмаганини уқтиргач, бу баҳс «баландликка сакрашда Бобошер ўтиб кетарди», «Йўғ-э, Абдимурод!» деган бақир-чақирли тортишувларга айланади.

Рақиблар гўё бир-бирларига «агент» қўйиб, шулар орқали зимдан — мафқуравий курашардилар. — Абдимуроднинг жони йўққа ўхшади, — дейди бир куни Сайдаз.

— Ҳа, нимага?  
— Эрталаб Шер коридорда эшикка суяниб турувди, Абдимурод, яхшимсиз, деб ўзи кўришиб кетди.

Абдимурод дув қизариб, энди озис жуфтлаётганда, қаерданир Тўрткўз пайдо бўлади.  
— Минг қилсаям шеп шеп-да. Бекорга тарбиялаётганимиз йўқ. «А»дан кўрқсак, нима деган одаммиз.

Абдимурод зўрлаб кулмоқчи бўлади. Бироқ у ўзини босолмай аламзадалик билан сўкиб юборади. Элчиниям сўқади ва қочади. Эшикда қора булутдай бўлиб Шер кўрилади. Бургут бургутнинг кўзини чўқимади. Алдамчи қуш, чақимчи қуш, зағчаларнинг овози ҳар тарафни тутиб кетади...

Бошида айтганимиздай, бугун тўрткўз нариги синфдаги Ҳанифа тўғрисига гап топиб келди. Аввал айтиб ўтайлик: тўрткўз учун, агар у билан кеча уришган бўлсангиз унча аҳамияти йўқ; бугун бемалол очилиб-сочишиб гапираверди сизга — худди ҳеч гап бўлмагандай.

Бир марта, бешинчи синфдалигимиди-ей, Абдимурод коридорда кетаётса, элчи қўлини унинг устидан дарвоза қилиб қолган. Кейин: «Ва-а-а, бўйинг ўсмайди энди!» деб калака қилган. Абдимуроднинг қаттиқ жаҳли чиққан. Аслида-ку, бу тентакча қўлини дарвоза қилгани билан бировнинг бўйи калтариб ё ўсмай қолмайди, бу — бўлмаган гап. Лекин Нурматнинг калакаси унинг жинни кўзитди, шартта ёқасидан олди. Расм муаллими Эшбек ака кўриб қолиб, улар энди жиққа-мушт бўлай деганида икковининг ҳам қулоғидан тортиб ўқитувчилар хонасига олиб кириб кетди. Жанжал сабабини суриштириб билгач, элчини синфига етаклаб кириб, қолоқ Холида билан бирга ўтказиб қўйди. Мактабда агар бирор номақбул иш қилиб қўйсанг ўқитувчилар қиз бола билан ўтказиб қўямиз, деб кўрқитишарди. Ҳатто қизлар томондаги партага ўтирсанг ҳам калакаю надоматдан қутулолмайсан: болалар қийқиравериб ёнингидан қизни нақ сенинг севгилингга айлантириб

қўйишади. Агар қиз бола бирор қилиқ қилса унинг ҳам қолига вой: қолоқ бир ўғил боланинг партадоши бўлади, то йиғлагунча. Ушанда расм дарси тугагунга қадар Нурмат Холида билан ўтирган. Кейин доскаларда «Нурмат + Холида = севги!» деган ёзувлар пайдо бўлган. Нурмат танаффусда йиғламансираб, алам қилиб жўраларини сўккан эди. Жўралари эса баттар авжга чиқишганди. Ҳа, қишлоқ ўқувчиси учун бундан иззалирогой йўқ!

Нурмат ўзи шу калакаларга лойиқ эди; қачон қарасанг пешонасидан ғурра аримади, эҳтимол, у «тўрткўз» деган лақабини шунинг учун кўтариб юрган чикар. Бекордан бекорга Ҳанифани гапирмади у. Бир ойлар бурун «Б» синфдаги Ҳанифа Абдимуродга хотира дафтарини берган. Унда одатдагидай бош қисмида табрик учун саҳифа, сўнгра «Орзу», «Она», «Дўстлик» деб сарлавҳа қўйилган саҳифалар бор эди. Айтишларича, Абдимурод шу «конун»ни ўзича бузган эмиш. Ҳанифага севги изҳор қилган жойлариям бор эмиш. Нурмат уни ўқиб «Ҳанифа, нима учундир доим ўйчан, маъюссиз» деган жойларини ёдлаб олибди. Ушандан бери Абдимуродни кўриб қолган жойда ўзича мингирлаб: «Ҳанифа, нима учундир доим ўйчан, маъюссиз» деб ўтиб кетади. Олдида ўзининг яқин жўралари бўлса, хоҳолоб кулишади — Абдимуродга ўша сўзларни ёзгани учун минг пушаймон қилдиради. Агар Абдимурод, нега одамни масхаралайсан, деб унинг ёқасидан олса, у: «Мен сенга нима қилдим, бор, ишингни қил», дейди. Яна қўшимча қилиб: «Нима, кўчада гапирганиям қўймайсанми энди зўрман деб, биламиз, зўрсан, фақат Шердан камқучсан», дейди. Абдимурод эса нимагадир унга сира гап топиб беролмайди. Нега деганда, Нурматимиз шунақа-да — ўзига сув юктирмайдиган хилидан.

Узунқулоқ гапларга қараганда шу кунларда Абдимурод: «Энди нима қилайин, Ҳанифа, ахир, сени Бобошер севаркан-ку?» деб шеърлар ёзаётганмиш. Бу овозанинг мубошири ҳам Нурмат. Кун кеча у катта танаффусда, болалар мактаб ҳовлисидаги ҳовуз теварағида қалдирғочлардай тизилишиб ўтирганда: «Ҳанифаси тушмагур Бобошериимизни севиб қоптими-ей, бугун икковимиз қолмайлик дарсдан сўнг, деганимишми-ей» деди. Ҳовузанинг нариги қирғоғида ўтирган Абдимурод балалла айтилган бу гапни эшитмай қолмасди. Болалар қикирлаб кулишарди. «Йўғ-э, йўғ-э» дейишди баъзилар. Қисқаси, Нурмат шу гапни айтди. Сўнг, гўё ниятига етгандай Сайдазни етаклаб буфет томон чошиб кетди.

«А» синфдаги Жума тентак Нурматга ўхшаб айёрлик, ҳийла деган нарсаларни билмайди. У ўз синфининг «Б» синф олдида кам кетишини хоҳламоқчи — Бобошернинг олдида синфдошини мактаб гапиради. Уни «Б»нинг шefdан устун қўяди. Қайси фандан «беш» олдию муаллим уни нима деб мактади — барини ёдлаб олиб айтиб юради. Ҳатто Абдимуроднинг жавоб бераётганда ўзини қандай тутганини ҳавас билан сўзлайди. Лекин унинг тентак деган номиям бор: Жума баъзан, кўнглига ўтирмаса ўртоғини ҳам аямай қолади: сўкиб ҳам, жарга итариб ҳам кетаверади. Жини тутмасин унинг. Абдимурод ҳали унинг пишагини пишт дегани йўқ. Шунинг ва ўртоғига боғи ихлосининг эвазига нариги синфдаги «дунё хабарлари»дан озис кўпиртириб етказиб келади. Бир куни дарсдан сўнг Абдимуродга ёрилиб, худди унинг ҳолини тушунаётгандай:

— Ҳанифа барибир уни яхши кўрмайди, — деди.

Абдимурод уни жеркиб ташламоқчи бўлди-ю, тагин... «Нима, бу менга лайчами Бобошернинг лайчасига ўхшаб», деб ўйлади. Кўзларига тикилиб туриб, бирдан юмшади — ҳурматининг белгиси бу деган қарорга келди ўзича.

— Абдимурод, сен ёзган йўқдирсан анави хотирадагини?

Абдимурод индамади. Жума дарҳол хулоса қилди: «Севаркан!»

— Яхши кўрсанг, бориб ўзига айтмайсанми, бунча гап бўлгандан кўра...

Жума бу гапни ташида айтди, ичиди айтди — ўзи ҳам билмай қолди. Йўқ, ичиди айтган экан — Абдимуроддан садо чиқмади.

Уша куни... Ҳа, Абдимуродга севги, Бобошерга ғаразли рашк аралаш тўполон туйгулар ато қилган ўша кунларнинг бирида бу майдонсиз беллашувлару турли шубҳаларга бирдан — биратўласи-

га барҳам бериладиган бўлиб қолди. Тўсатдан, томдан тараша тушган янглиг келиб қолди бу фурсат. Мактаб спорт майдончасининг чеккасида — Саврон бобонинг чорбоғи ичидаги тиззага урадиган ўт устида икки пахлавон бел олишадиган бўлди. Энди барча киноларга, «ким зўр?» деган жавобсиз гумонларга ўрин қолмайди. Кутилмаганда, адабиёт муаллими Қуддус ака эшакдан йиқилиб келмай қолган, жисмоний тарбия ўқитувчиси Саъдулла ака мажбур бўлиб икки синфни бирга қўшиб ўтадиган соатда. Уша, ёғочлари чириб, тикан симлари осилиб ётган Саврон бобонинг чорбоғида.

«Давра кенгроқ бўлсин!» деб жўраларини орқа томонга суриб-итариб юрган Исмоил бақалоқ деганимиз кайвониликда отасидан қолишмай, ўқитувчилар билан гўё қирқ яшар одам бўлиб гаплашади. Гапининг сўнггида катталардай «оллога шукур» деб қўйишнинг унутмайди. Ҳозир ҳам Саъдулла акасидан тап тортмади. Синфдошлари Исмоил тушмагурнинг нафақат кайвони, ҳам шоир эканлигини бугун билдилар. У чап қўлини белига тираб, ўнг қўлини ҳавога силтаб дoston ҳам ўқий кетди. Қурмагурнинг ота-бобоси шоир-да, бир сўзларни қўшиб-чатиб тўқий кетди:


Муниси Алломиш,  
Алпларнинг бери.  
Муниси Қўқалдош,  
Тўғсоннинг зўри.

Алпомиш деб Абдимуродни, Қўқалдош деб Бобошерни кўрсатди.

Ойбарчинхон бугун талаш бўлади,  
Бугун бир зўр олиш — кураш бўлади.

Эй, ҳалойиқ, иккига бўлинайлик. Қаёғинг қалмоқ, қаёғинг ўзбек?

- Бизлар ўзбек, — чувиллади «А».
- Йўқ, бизлар ўзбек, — кичқиришди «Б».
- Келишиб олайлик, бу ёғинг ўзбек. Нега деганда Алпомиш ўзбек. Бу ёғинг қалмоқ — Қўқалдош қалмоқ, — у «Б»ни кўрсатди.
- Бошланади бир зўр кураш... — деб яна бахшилик қилди Исмоил.
- Ҳанифахон бунда талаш, — деди кимдир. Элчи (тўрткўз) болаларнинг орқасига яшириниб олган эди...
- Ким у? Бекмирзами? Тилингни кесиб олам ҳозир.
- Мен эмас, тўрткўз.
- Вўлди, тилларингни тийиб ўтиринглар.
- Кайвонича-ей...
- Кайвони кампир...
- Курашадиган бўлсанглар, бошланглар-да энди, — деди Саъдулла ака.
- Булар бир-бировидан кўрқапти.



# ИХТИЁРИМ

## СЕНДА,

Очерк

## ВАТАН

Йўлдош СУЛАЙМОН

Телевизорда кўрсатувларнинг бири тамом бўлгач, Адхам ака умр йўлдоши Озодахон аяга:

— Энди Тошкентга олинг, — деди, — мушоира бор!

Озодахон ая «ялт» этиб қаради, кўнглидан нима ўтганини сездирмаслик учун кўзларини дарров олиб қочди. Уша мушоирага Адхам ака ҳам таклиф қилганини, аммо врач сафарга рухсат бермаганини эслаган Озодахон ая «яқин-яқингача ҳам бир ерда узоқ ўтиришга сабри чидамасди, кун бўйи пиёда юриб ҳам, гапириб ҳам чарчамасди, — деб ўйлади, — умр дегани бунча ҳам оқин сувдай бўлмаса?! Ахир унга Тошкент-ку бу ёқда турсин, узоқ-узоқ жойларга бориб келиш ҳам бир қадамдай эди-ку! Боролмага-нига ўксиняптими!»

У ним табассум, меҳрли нигоҳ билан Адхам акага яна қараб, ўрнидан энгилгина турди. Телевизорни бураши билан экранда «Интернационал дўстлик мушоираси» деган ёзув кўринди.

— Ие, анови кўз ойнакли йўгон одамни кўринг, бу Матусовский-ку, фронтовой дўстим Михаил Матусовский-ку! — Адхам ака мушоира даврасидагилар кўрсатилётганда севинганидан ўрнидан туриб кетиб, қайта ўтирди. — Зўр шоирлар кўп-ку, нега мени уст-устига қақириб қолишди деб ўйлаган эдим. Энди билдим, у мени суриштирган...

Машҳур шоир Михаил Матусовский мушоира навбати келганда худди унинг гапини эшитгандай, худди унинг дилидан нямалар кечганини билиб тургандай сўзлади. У шезр ўқишдан олдин совет кишилари дўстлиги, унинг чуқур илдизлари ҳақида гапириб, ўзининг ўзбек дўстларидан бир неча кишиларнинг номини, уларнинг таъриф-таъсифини келтириб:

— Самолётда Тошкентга учиб келаётим, жанговар дўстим, шоир ва журналист, юморнинг беқиёс устаси Адхам Ҳамдамовни албатта кўраман деб умид қилган эдим. Уни ўйлаганимда лабларимга кулгу кўнган эди. Афсус, у Тошкентга келолмабди, — деди, — бир кўлида қурол, бир қўлида қалам билан ўлимларни хатлаб, оловлар ичидан ўтиб, бугунги кунга етиб келган биродарларимга бардам соғлиқ ва узоқ умр тиламан.

Адхам аканинг томоғига нимадир ширин-ширин урилгандай бўлди. Еқимли ютиниб қўйди. «Унутмабди. Шундай улуғ одам мени унутмабди, — бошидаги сархушлик таркалгандай, кўзлари равшан торгандай, оёқ-қўлларига қувват киргандай қаддини беихтиёр тиклади. — Мен ҳам Сизни, фронтдаги ҳамма-ҳамма дўстларимни ҳеч қачон унутганим йўқ».

Адхам аканинг хаёли аллақачон ўша оловли йиллар бағрида, Совет Иттифоқи маршали К. К. Рокоссовский кўмондонлик қилган 2-Белоруссия fronti ва унга қарашли 65-армиянинг генерал Батов кўмондонлигидаги шиддатли жанглари ичида кезарди.

... Уқчи рота командирини 95-дивизия кўмондони Голубев сўраётганини эшитган Адхам ака ўрнидан сапчиб туриб, апил-тапил кийиниб, штабга югурди. Тинчликмикин? Туни билан темир йўлни кўриқлаган рота бугун кундузи билан дам олиши керак эди.

— Кеча сизлар тутган «тилл» катта иш берадиган бўлди, — деди кўмондон. — Дивизия жангга кирди. Душманин Кривцевнинг ғарбий қисмидан ҳам қувиб чиқарамиз. Эрталаб ҳужумга ўтамиз. Сизнинг ротангиз шу ерда қолади. Бугун станцияга кийим-бошлар, ўқ-дорилар, озик-овқатлар ортилган эшелон келади. Юклар эгаларига топширилгунча эшелонни Сизнинг ротангиз кўриқлайди.

— Тушундим, ўртоқ генерал. — Адхам ака икки оёғини жуфтлаб, ўнг кўлини кўтариб, честь бериб, кетишга рухсат сўради. Унинг ротаси эшелонни те-

мир йўлнинг икки қирғоғида туриб кутиб олди. Олдинги вагондан йигирма чоғлиқ юқори унвоили ҳарбий бошлиқлар тушди. Уларнинг кўпчилиги генераллар эди. Фронт штаби экан. Адхам аканинг назарида, бўй-бастларини ҳисобга олинмаса, уларнинг бари бир-бирига ўхшаб кетарди.

Урта бўйли, тўладан келган генералнинг ёнидаги новча, йўгон, кўзойнакли, трубкасини тишлаган кишини кўриб Адхам аканинг юраги «жиш» этиб кетди. Узини сездирмай узоқдан у ёқ-бу ёққа ўтиб, ичида «танидим, — деди. — Шариф Булотов». Оммавий-сиёсий адабиётларнинг машҳур таржимони сифатида танилган Шариф Булотовнинг ўзбек зиялилари орасидаги обрўи баланд эди. 1938-1939 йиллари нашриётда редактор бўлиб ишлаган Адхам ака у билан кўп ҳамсухбат бўлган эди. У генералнинг яқинига бориб, қонда бўйича:

— Уртоқ генерал, майор билан гаплашишга рухсат сўрайман, — деди. Қандайдир хаёлга берилиб турган майор Шариф Булотов Адхам акани беҳос кўриб, шошилиб:

— Мана ўша мен ахтарган одам, — деб юборди. Қучоқлашиб кўришишди.

— Шу атрофда эканингни эшитган эдим, — деди яна Шариф Булотов. — Ҳозир нима қиляпсан? — Кўриқлапмиз! — деб Адхам ака эшелонни кўрсатди.

— Сени газетасига ишга олмоқчиман.

— Уруш-чи?

— Газета ҳам урушники, — деди у Адхам аканинг елкасидан ушлаб, — қани юр, генералга учраймиз.

Шариф Булотов ҳали ўзи гаплашиб турган генералга Адхам акани кўрсатиб, мақсадини айтди. Генерал 95-дивизия кўмондони генерал Голубовга хат ёзиб, ўқчи рота командири А. Ҳамдамовни 2-Белоруссия fronti бош штаби ихтиёрига юборишни топширди. Адхам аканинг ўзи хатни олдинги қисмга олиб борди. Дивизия кўмондонининг боши боғлиқ эди. Хатни ўқиб:

— Хурсандман, — нега ўзингни танитмадинг? Эҳ, билганимда сендан қандай фойдаланишни ўрнига кўярдим. Фронт газетасида ўз дивизиянг ҳақида кўп-кўп ёзарсан. Қандай жасур йигитларимиз бор!

— Улар ҳақида, албатта ёзаман, ўртоқ генерал! — кўмондоннинг хурматидан боши кўкка етган Адхам ака дадиллашиб кетди. У эртасига Кривцевдан ўтиб, ўрмон ичига кириб, 2-Белоруссия фронтининг «Фронт ҳақиқати» газетаси редакциясини топди. Газетанинг рус, ўзбек, қозоқ, татар, молдаван ва бошқа тиллардаги редакциялари бир жойда экан. Газетанинг ўзбекча нусхаси редактори Шариф Булотов Адхам акани бош редактор, ёзувчи, ўткир публицист, полковник Тимофей Васильевич Миронов, ҳарбий мухбирлар Алексей Избах, Сергей Михалков, Михаил Матусовский, газетанинг қозоқча нусхаси редактори Оқа Елишбеков, ҳарбий мухбири Жўбан Мўлдағалиев ва бошқа қаламкашлар билан таништирди.

— Шоир экансан, дўстим, жуда маъқул, — деди узун бўй, кенг елкали, нигоҳлари худди ёш болаларникидай беғубор, босиқ оҳанг билан сўзлайдиган шоир Михаил Матусовский. — Сергей Михалков билан менинг жангчиларга бағишланган шеърларим қозоқ газетасида тез-тез чиқаяпти. Энди сенинг ёрдамингда ўзбек жангчиларининг ҳам кўнглини овлаймиз. Ердам берасанми?

— Ҳаракат қиламан! — деди Адхам ака таниқли шоир билан ҳамкорлик қилишдек фоят назик ва юксак масъулиятни ҳис этиб, — газеталарда босилган кўп шеърларингиз кўкрак чўнтагинида турибди, —

— Номаъқулни айтибсан, Бобошеринг кўрқаяпти. Шалпайишини қара.

— Бўлди! — деб қичқирди Исmoil. — Бек Алпомиш ҳам, алп Кўкалдош ҳам бир-бирдан кўрқмаган. Қани энди, бўлинглар сизларам. Ноз-фироқларинг тугагандир?

Абдимурод костюмини еча бошлади. Кейин ботинкасини ечди. Бобошер ҳам шундай қилди.

Исmoil сайради. Оломон ҳайқирди:  
— Э-ҳей!  
— Ол-а!  
— Бор экансан-ку, бақалоқ!

Бошланди. Икковиям бир-бирига белини бермай энкайиб олишди. Одатда бундай бошланган курашлар узоқ давом этади. Ҳамманинг дами ичига тушган.

Яланг оёқлар ўтда пистоқни ранг олди. Пешоналар тер олди. Абди барзанги, шер — калтабақай. Абди оёғини бермайди. Шер — белини. Энкайишиб, бир-бирига оғирликларини ташлаб юраверишди. Кураш узоқ давом этди...

Абдимурод ўзини ўнглагунга қадар рақибни устидан босиб олди. У йиқилишига ишониб қолган, энди фақат елкасини ерга теккизмасликка ҳаракат қиларди. Бобошер эса уни салмоқ ташлаб босаверди, у гирромлик қилди — рақибининг юзига тирсагини тираб аямай ўзини ташлаб юборди. Абдимурод «воҳх» деб читиниб кўзини юмди. Ўзини қўйиб юборди.

— Оҳ-а, таслиммисан? — пишқирди Бобошер, — таслиммисан, таслиммисан? — У яна бутун гавдаси билан сапчиб тушиб босаверди.

— Бўлди, эй, гўрсўхта, — деб Бобошерни тортиб юборди муаллим. — Аҳмоқмисан, нима бало бўлди сенга?

Жуманиннг лаблари титраб кетди.  
— Хе, онангни... Нима кип қўйдинг бунинг бошини? — деб бақириб юборди.

Абдимуроднинг бошидан сизиб қон оқар, қўйлагидан сирғилиб орқасидан тушарди. Боши ўтлар орасидаги қиясига кесилган тол новдасига теккан, қулоғининг ортидан ярим қарич жойини тилиб юборган эди.

Шундай «Б» синфдаги Наби, Нурмат, Абдивалилар қувонганларидан чапак чалиб ирғишлай бошладилар. Бошқалар маъюс қолдилар. Қизлар «вой ўлдим-эй», дедилар. Бобошер эса жилмайиб ҳаммага қараркан:

— Олдинроқ йиқитишим керак эдику-я, просто... — деб пишқирди-да, сўнг Нурматнинг қўлидан камзулини олиб кийди. Саъдулла ака унга:

— Номард экансан-ку, шунақа курашадими одам? Бор, жўранга ёрдам бер, — деб пўписа қилди. Бу орада Жума тентак билан Нурмат жанжаллашиб қолдилар. Жума сўкиниб, дабдурустан Нурматнинг чаккасига шалапоқ қўйиб юборди.

Боя Абдимурод чўккалаб қолганида Нурмат оёғини тутиб қолган, чалиб юборган эмиш, Жума унга ёпишибди, сўкибди. Улар жанжаллашиб ётганларида, Саъдулла ака уларга андармон бўлганида бу аҳвол рўй берибди.

Саъдулла ака кабинетидан аптекадан бинт ва дори келтириб Абдимуроднинг бошини боғлади. Сўнг Абдимурод жўраларидан ажралиб сув бўйига бориб йиғлади. Йиғлаётганини билдирмаслик учун сой сувидан бетини ювиб турди. Танаффусга чиққан болалар унга ачиниб қарашди, у эса ожизларча, болаларча йиғларди. Жума унинг йиғлаётганини сезиб турар, гирдида Бобошеру унинг элчисини бўралатиб сўкиб айланишар, қон теккан қўйлагини ювишарди.

— Ҳаммаси Нурматдан бўлди, Нурматдан! Онангни... Ҳали кўрсатамиз уларга.

Абдимуроднинг қалбида алам чўғи баландроқ ўт олди. Энди у ўзини тўхтатиб тура олмасди. Барча аламлири тилига кўчмай иложи йўқ эди:

— Уларни бирма-бир ўлди...и!...

Ҳа, у шундай деди. Қизишди. Эрта бир кун бу сўзни бутунлай юрагидан чиқариб ташлаши мумкинди. Лекин ҳозир... Ҳозир у ўзини тўхтата олмасди. Шу ҳолатда синфга киришиниям истамасди. Аммо Жума қистайбергач, у синфга борди. Даредда қизарган кўзларини яшириб охириги партада ўтирди. Шу ҳолатда уч соат ўқиди. Танаффусларда ҳам ўрнидан жилмади. Уйига кетгиси келди. Аммо уйига бориб нима дейди? Бошини партага қўйиб олди. Сўнги соатда шу алпозда, бошини партага қўйиб ётганида Теша муаллим кириб келди. Абдимурод ҳам туриб салом берди. Муаллимнинг «Нега?», «Нима бўлди?» деган саволларига жавоб бергач, ўтираётиб партасининг устида бир китоб кўрди. Сирғига қозоқдан жидд қопланган китобни олиб ичيني очди: «Сўна». Фламастер билан қўйидагилар ёзилганда унга:

«Абдимурод, улар қанчалик майда бўлса, сен шунчалик улкансан! Шу китобни ол.

Қўлдошева Ҳ.

Абдимуроднинг кўз ўнгида ҳар доим эндигина тўйиб-тўйиб йиғлагандай бўлиб кўринувчи қизнинг сиймоси намоён бўлди. У ич-ичидан жўшиб, қувониб, ҳатто «Сўна»ни бағрига босиб қуйлагисини келди. Қуйласа, қуйлайверса. Қуйлаб туриб йиғласа...



деб Николай Тихонов, Анна Ахматова, Михаил Матусовский, Константин Симонов, Фафур Фулом, Хамид Олимжон, Уйғун, Самад Вурғун, Ольга Бергольц, Михаил Исаковский ва бошқа шоирларнинг шеърларини кўрсатди. Газеталардан қийиб олинган ана шу шеърларнинг энг кўпи Михаил Матусовскийга қарашли эди. Функи у Адхам ака жанг қилаётган 2-Белоруссия фронти газетаси редакциясида ишлаётгани учун шеърлари тез-тез чиқарди. Адхам ака унга:

— Шеърларингиз ҳамма жангчилар қатори менга ҳам куч-қувват ва жасорат бағишлайди, — деб бир-икки шеърини ёддан айтиб берди. — Аммо, — бу шеърларни ўзбек тилига таржима қилиш хаёлимга ҳам келмаган эди. Эплармикиман?

— Ўзбек жангчилари орасида рус тилини билмайдиган ё чала-чулпа англайдиганлар кўп, — деди, ўзининг шеърларини ўзбек жангчисининг кўкрак чўнтагида турганини кўриб, унинг ёддан ўқиганини эшитиб, беҳад севингани кўзларида акс этган Михаил Матусовский Адхам акага меҳрли тикилди. — Нимагаки севиб қўл урсанг, эплэйсан! Сўзларингдан, оҳанг билан ўқишингдан сен жуда топқир шоирга ўхшайсан!

Адхам ака ҳам мақтовдан хурсанд бўлиб кетди. Унинг ҳарбий мухбирлик фаолияти бошланди. Газетанинг ҳар бир сонига жангда марду майдонлик кўрсатаётган солдатлар, доворак ва ишбилармон разведкачилар ҳаётидан, жанг эпизодларидан ёзилган хабар, лавҳа, очерклари билан қатнашар, она-Ватанга меҳрини, душманга бўлган чек-чекгарасиз ғазаб-нафратини шеърларига сингдирар, бир редакцияда ишлаётган кадрдонлари Сергей Михалков, Михаил Матусовский, Жубан Мўлдағалиев шеърларини, Алексей Избахнинг шиддатли публицистикасини таржима қилиб, «Фронт ҳақиқати»да ёритарди. У ён дафтаридаги факт, рақам ва воқеаларни редакцияга ёзиб топшириши билан хоҳ кундузи, хоҳ тун бўлсин йўлга тушиб, ўзини жанг кетаётган олдинги қисмларга урарди. Ҳамма ҳарбий мухбирлар ҳам бомбалар гумбирлаётган, снарядлар тушаётган, танклар бир-бирининг устига бостириб бораётган, икки тарафда ҳам одамлар тутдай тўкилаётган «ура» садолари янграётган жанггоҳлар ичига кириб, блиндаж-ма-блиндаж қезиб келар ва кўрган-билганларини шошилич ёзишга тутинишарди. Адхам ака қайтганда эса, ҳамма редакцияларнинг ходимлари ўраб олиб, у топиб келган янги-янги ҳангомаларни тингласлар, мириқиб-мириқиб кулишар:

— Ҳамма қизиқ гаплар Сизга учрайди, — деб ҳайрон қолишарди. Адхам ака олдинги қисмлардан ҳеч қачон бирор кулгили ҳодисасиз келмас, кўпинча, ўзи тўқиб, уни айнан содир бўлган воқеа сифатида айттарди. У фақат редакцияларнинг ходимларигагина эмас, оқоплардан оқопларга ўтиб, қизиқ-қизиқ латифалар айтиб, жангчиларга ҳам ҳамиша хурсандчилик ва жанговарлик бағишларди. Адхам Ҳамдам ёзув столига ўтиришдан илгари дўстларини кулдириб:

— Разведкачиларимиздан бири итини йўқотиб қўйиб, мендан «Сиз ҳам суриштиринг!» деб илтимос қилди, — деди, — қайси жангга борсам, ўша итдан гап очдим.

— Уни кўрдик, — дейишди ўқчилар ротасидаги эски кадрдонларим кулиб, ғарб томонни кўрсатишди. Анови шаҳарда гестапо бошлигини отиб ўлдирибди.

— Улдирибган бўлса бошлашди, — дедим ҳайрон бўлиб, — мен Сизлардан итни сўрайман.

— Уша ит адашиб юрган экан. Ўзимизники деб ўйлаб, уни ҳалиги гестапочи ўрнига ишга қўйишди.

— Бекор гап, — дедим, — гапларинг ёлғон.

— Нега?

— Ҳали у ит қутиргани йўқ! — дедим. Қуролдошларим гапимни маъқуллашди. Уша итни қидириб, фашистлардан ҳозиргина озод қилинган Николаевка қишлоғидан ўтаётсам бир деҳқон чўчқасини кўрсатиб:

— Арзон-гаровга сотаман, олинг, — деб ялинди. — Нега арзон-гаровга бўлса ҳам сотмоқчи бўляпсиз?

— Буни деб бир ўлимдан қолдим, — деб гап бошлади деҳқон. — Уйдан қочиб чиққан эди. Уни анави клуб ёнидан ушлаб келаётсам рўпарамдан СС тамғали баччағарлар чиқиб қолди. Улардан кўриб, чўчқани қаттиқроқ судрадимми ё у ҳам чўчидими, чийиллаб юборди. Фашистлардан бири аччиқланиб, мени беодобликда айблаб, йигирма дарга урдирди. Бу чўчқанинг орасидан бир ҳафта касал бўлиб ётдим. Бу хосиятсиз чўчқани кўплашиб еб юборинглар. Майли, бекорга бўлса ҳам олинг!

— Қўйинг, — деб деҳқонни юпатдим, — уни сотманг. Ҳамма чўчқа ҳам чўчқани кўрганда чийиллайди.

Адхам ака «кўрган-билганларини» яна давом эттиради. Энг кейингиси — фронт эпизодларидан бири ҳам ўзи ҳақида эди. У материалларни ёзиб-ёзиб Шариф Булатовга топшириб, ташқарига қиқса одамлар деворий газета ёпиштириладиган доскани ўраб олиб, қиқир-қиқир кулишарди. Адхам ака ҳам улар орасига кириб, деворий газетадаги «Ҳамдамовнинг жасорати» номли мақолага кўзи тушиб, яна яқинроқ борди. Ҳали ўзи ичидан тўқиб, айтиб берган воқеани бошлаб ёзишди:

«Душман Бобруйскдан суриб чиқилган кун эрталабдан тўплар овози тиниб, Беларуссиянинг юмшоқ ва сокин кузи беҳос сезилиб қолди. Шаҳарнинг ғарб томонидаги ўрмон ичида танкчилар корпуси гвардиячилари ҳордиқ олиб, навбатдаги жангга куч тўплашарди. Беларуссиянинг ана шу қалин ўрмони худди тинчлик давридагидай жим-житлик қўйниди, — деб бошланади мазкур мақола, — взвод ва рота командирлари, ярадорлар, алоҳида солдатлар билан суҳбатлашиб, ён дафтари тўлдириб олган ҳарбий мухбир Адхам Ҳамдам редакцияга қайтиш олдин ўрмон ичинини шоирона хаёлар билан кезди. Воқеанинг давомини, яхшиси, унинг ўзидан эшитамиз:

— Солдатлардан бирининг ўрмон ичкаригидан малина териб чиқаётганини кўриб, шофер машинасини ростлагунча вақтим борлигини ўйлаб, редакциядагиларга малина териб олгим келиб, мен ҳам ўша тарафга юрдим, — деди Адхам Ҳамдам ўзининг тарихий жасорати ҳақида сўз бошлаб, — штабдан анча узоқлашиб, малиназордан чиқдим. Шошилиб-шошилиб тераётган эдим. Ён томонимдан шитир-шитир этган овоз келди. Қараб, қилт этмай қолдим. Бешолти қадам нарида малина тераётган фашист солдати ҳам худди қотиб қолгандай тикилиб турибди. Иккаламиз ҳам қуролсиз. Жансиз ҳайкалдай бир-биримизга қараш бир дақиқа давом этиб, худди команда бўлгандай бир вақтнинг ўзида иккаламиз ҳам икки тарафга йиқилиб-сурилиб қочдик. Штабга келиб, ичкарида фашистлар юрганини айтдим...

Мана, унинг ҳикоясини ҳам ўқидиларинг. Орамизда шундай жасоратли кишилар ҳам бор. Эссиз, малина!

**Ваҳобжон АШУРОВ,**  
«Фронт ҳақиқати» корректори».

Мақолани ўқиб, таъби тирриқ бўлиб, «буни кулдириб учун айтганимни наҳотки билишмас, — кўнглидан ўтказди. — Қўрқоқ деб ҳиринг-хиринг қилиш-

яптими?» Атрофидагилар ҳали ҳам кулишарди. У аччиқланиб, тўғри Тимофей Васильевич Миронов хузурига кирмоқчи бўлиб, одамлар орасидан чиқди. «Бош редактор» деб ёзилган хонага кўзи тушиб, тўхтади. «Мени билишадик, яйраб-ййраб кулишарди. Мақсадим ҳам шу эди-ку!» деб орқасига қайтган Адхам ака ҳамкасбларини бундан ҳам кўп кулдириб учун ўзи ҳақида яна икки-уч «бўлган воқеа» тўқиб қўйди. Кечқурун эса, кўлига яна дафтар-қалам олганда кўзларида соғинч ўти ёниб, ич-ичидан эзилиб чиққан чўкур-чўкур нафаси ўзига ҳам эшитилгандай бўлиб, узоқ Андижоннинг Қорасувига хат ёзишга киришди. «Ассалому алайкум, севимли Озодахон! Саломатлигингиз яхшими? Онамиз бардаммилар? Алишербек чулдираб, яна мени сўраётгандир. Сизни, уни, ҳаммаларингни жуда-жуда соғиндим. Синглим Лобархон, жиянларим Шаробиддин, Шахобиддин, Розиддинлар катта бўлиб, оила юмушларига қарашаётганини хатингиздан ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Уларнинг борлиги, онамининг борлиги бахтимиз, қийналиб қолишингизга йўл қўйишмайди. Тез-тез хат ёзаётганингиз учун раҳмат!

Биздан сўрасангиз, ғалабани яқинлаштириш учун ўлиб бўлсаям-тирилиб бўлсаям олға силжияпмиз. Беларуссия деярлик озод бўлиб қолди. Энди фашистларни ўша ўзи чиқиб келган уясигача қувиб бориб бутунлай мажақлаб ташлаймиз. Уруш фақат душманнинг ваҳшийлигини, ёвузлигини ёки ҳайвонлигини эмас, ўзимизнинг орамизда ҳам кимнинг кимлигини равшан кўрсатиб қўйди. Одамларнинг ички дунёси шундай оғир пайтларда жуда очик кўринар экан. Икки кун илгари Бобруйск шаҳри оқопларида ўқ ёмғири остида солдатлар орасида юрдим. Қайфиятлари баланд. Ҳаммалари севимли хотинларидан, маҳбубаларидан келган хатни кўрсатиб:

— Улар бизни интизорлик билан кутишарди, — деб ўлимдан кўрқмай, ёв устига даҳшат билан бостириб бориларди. Аммо бир йигитнинг кўзларидаги ёшни кўриб, ҳали ҳам ўзимга келолмай юрибман. Уни фронтга келганимдан буён танийман. Оқопда ўша бухорлик қуролдошим Самандар Ниёзовни ғамгин ҳолатда учратиб қолдим. Шундай хушчақчақ, бир гапириб ўн куладиган йигитнинг сўрашаётганда негадир хижолатдан юзига қаролмаётганини кўриб, кўлини қўйиб юбормай:

— Тинчликми? — деб сўрадим. У «тинчлик» деб туриб, кўзлари ёшга тўлиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. «Ёрдамим тегиб қолар» деган ўйда, кўнглини очмаганига қўймадим.

— Бувим қўшимизнинг қизчасига хат ёздирибди, — деди йўлдамсираб, — бир ўғил ва бир қизимиз бор. Хотиним уларни бувимга ташлаб, ўзи эрга тегиб кетибди. Бир пулдор аблаҳ йўлдан урибди. Биз урушда қон кечиб юрсагу аллақандай муттаҳамлар хотинларимиз қўйнига кирса?! Бир-биримизни севардик! Ҳеч чидолмайман!

— Қўйинг! — дедим, — шундай йигит ўша манжалани учун қайғуряпсизми?

— Яхши кўрардим.

— Сизнинг яхши кўришингиз тўғридир, — дедим, — аммо унда севиб йўқ. Бунинг устига енгилтак экан. Нима қиласиз уни ўйлаб?

Самандар индамади. Она-Ватан учун таҳликали бўлган ҳозирги вақтда маишатбозликни юраги кўтарганлар, бузуқчилик қилиб юрганлар билан ҳали ҳисоб-китоб ҳам қиламиз. Уни ҳам, ўзимизни ҳам шундай деб оувтириганим билан жаҳлимдан тушолмайман. Қандай юзсиз одамлар бор-а? Наҳотки улар ҳам совет кишиси бўлса?! Шундай пайтларда, жондай ардоқли Озодахон, ҳаётимнинг маъносини бўлган Озодахон, Сиз билан шундай фахрланаман, шундай гурурланаманки, яшашга иштиёқим яна ҳам ортади, ҳаёт яна ҳам беқийёс гўзал кўринади. Сизга, ўғлим Алишерга муҳаббатим, мени ҳаммаша жасоратга ундайди. Сиз — менинг ҳаётимсиз!

Юз кўришадиган бахтли онларимиз узоқ эмас. Қўшинларимиз Ватанимиз чегарасига яқинлашиб қолди. Мени фронтга кузатаётганда қандай ҳолатда бўлсангиз худди ўшундай ёшда, ўшундай кўринишда кутиб оласиз.

**Соғиниб-соғиниб Адхам.**  
20 октябрь 1944 йил».

Адхам ака хатни почтага ташлаб, ҳийла енгил тортгани билан барибир кўнгли ҳижил эди. Самандар Ниёзовнинг мунгли қиёфаси хаёлидан узоқ вақт кетмай юрди. У 37-гвардиячи дивизиянинг кўмондонини, яқиндагина генерал унвони олган Собир Раҳимов билан учрашиш мақсадида икки марта йўлга чиқиб, етиб боролмади. Адхам ака студентлик йилларида комсомол йўлланмаси билан ўқишдан кейин Самарқанддаги отлик аскарлар дивизиясида, шахсан Собир Раҳимов командирлик қилган ротада саводсиз ва чала савод солдатларга дарс берган эди. Кейинча эскадрон командирлигига кўтарилган Собир Раҳимов Адхам ака билан суҳбатлашишни ёқтирар, уни кадрларди. Ноябрнинг ўрталарида уни яна излаб бораётганда йўлда 1-гвардиячи танкичлар корпусига қарашли жангчилар орасида студентлик йилларида танишган кадрдони — ўша йиллари Самарқандда чиққан пионерлар газетасининг редакторини учратиб қолди.





Ж. УСМОНОВ расми.

— Назарматни танийсизми? — деб сўради бир-бирларининг ҳол-аҳволларини суриштириб бўлишгандан кейин.

— Уни кўрдигизми?

— Танкчилар корпуси газетасида редакторман, — деди у, — уни тез-тез кўриб тураман. Бизда ходимлар етарли, сизларга зарур бўлса, уни топинг.

— Ҳамма ишни ташлаб қидираман, — деди Адҳам ака. У шоир Назарматнинг аниқ адресини олиб, яна йўлни ўзгартирди. У аввал редакцияга бориб, Шариф Булотовга воқеани етказди.

— Уни танимайман, — деди Шариф Булотов, — солдатми ё офицерми?

— Гвардиячи лейтенант экан.

— Уни ололмаймиз, — деди Шариф Булотов, — унга фронт кўмондонидан ташқари ҳеч ким рухсат беролмайди.

— Сиз рози бўлсангиз, маршалдан рухсатни ўзим оламан.

Шариф Булотов «ихтиёр ўзингизда» дегандай боши билан маъқул ишорасини қилди. Уша куннинг эртасига 1-Белоруссия фронтидан яқинда 2-Белоруссия фронтга кўмондон бўлиб ўтган Совет Иттифоқи маршали, Совет Иттифоқи Қажрамони Константин Константинович Рокоссовскийни сўроқлаб, тушдан кейин бош штабдан топди. Унинг ҳузурига кираётганда оламга машҳур саркарда билан учрашиб масъулиятдан ҳушёр тортган Адҳам ака тиззалари ҳаяжондан қалтираётганини, вужуд-вужудини нимадир жимирлатаётганини сездди. Йўлда бу ҳақда ўйламаганига ҳайрон қолди. Узун бўй, кенг кўкракли, бўлиқ қоматлари тик, хиёл чўзинчоқдан келган юз-

ларидан нур томган маршал Адҳам акани илиқ кўтиб олди. Унинг ёқимли қарашларидан, сўзларидаги майинликдан ўзини эркин ҳис этиб, илтимосини тортинмай айтди.

— Розиман! Шоир ва ёзувчиларнинг қайси бири ҳақида хабар эшитсангиз, менга бемалол учрай бering, — деди Константин Константинович, — ҳозир ўша жангчи шоир Эгамназаров ҳусусида генерал Пановга менинг номимдан хат олиб борасиз.

Адҳам ака маршалнинг хатини кўтариб, икки юз эллик километр йўл босиб, 1-Гвардиячи танкчилар корпуси кўмондони генерал-майор М. Ф. Пановга учради. Гвардиячи генерал-майор шоирни жанг кетаётган жойдан кечаси олдириб келди. Шоир генералга ҳеч бериб, топшириққа биноан етиб келганини айтди.

— Ай-яй-яй, — деди генерал-майор, — нега ўзингизни шу чоққача танитмадингиз?

— Бу ерга ўзимни танитгани эмас, жанг қилгани келганман, ўртоқ генерал! — деди Назармат ҳамон жиддий ҳолатда.

— Уни бошқатдан кийинтиринглар, — деди тўғри окопдан олиб келинган Назарматнинг кирлиниб кетган кийим-бошига кўз югуртириб, — жангчиларимиз орасида шундай шоир бор эканини билмабмиз, — кейин шоирнинг ўзига кулиб қаради. — Гвардиячи қуролдошларингизни унутмасиз?

— Ҳеч қачон, ўртоқ генерал!

— Оқ йўл! — генерал-майор М. Ф. Панов илтифат кўрсатиб, хайрлашди.

Генерал Собир Раҳимовни кечки пайт Беларуссия-Польша чегарасида блиндаждан топди. У Адҳам акани кўриб:

— Бу ростдан ҳам сенми? Уша Адҳаммисан? — деб кучоқ очиб кўтиб олди, кўрган-кечирганларини суриштирди. Кечқурун штабга бошлаб олиб бориб:

— Ўзбекча ашула эшитасанми? — деб сўради.

— Лутфихонимни ўзим билан олиб юрибман, — деб патефон қўйди, Лутфихон Саримсоқованинг «олмача анорингдан» кўшиғи жаранглади. Ашуладан кейин Собир Раҳимов Усмон Юсупов чақирғи билан яқинда Ўзбекистонга бориб келганини гапирди:

— Уруш орқасидагиларга ниҳоятда қийин бўлибди, — қошларини чимириб, қандайдир хўрсиниб билан. — Тайинланган вақтдан бир рейс эрта учганим учун Тошкент аэропортида ҳеч кимни учратмадим. Пиёда юрдим. Одамларнинг очлиги, юпунлиги ҳар қадамда сезилади. Уйимиз эшигида катта кулф турибди. Чойхонага қикдим. Қари-қартанглар дарров таниб, «Собир-Собир» дейишиб, атрофимни ўрашди. Улар билан сўхбатлашиб ўтирганимизда икки-уч тиламчи кириб-чиқиб кетди. Ун ёшлар чамасидаги жулдир кийинган болага ўн сўм бердим. У кўздан ғойиб бўлиши билан қариялардан бири:

— Уни танимадингми? — деб сўради. Ҳайрон бўлиб, юрагим «жиғ» этди.

— Йўқ! — дедим.

— Акангнинг кичик ўғли-ку! — деди у, — хотини тўрттала боласини ҳам ташлаб, аллақайёқ эрга тегиб кетди. Катта ўғли укаларини бошқариб турибди. Ўғиллари аканга хат ёзган.

Бутун вужудимга оғриқ кириб кетди. Утиролмаё кўчага чиқдим. Яна уйга бордим. Менинг энг охири кийимларимни бозорга олиб чиққан хотиним энди келиб турган экан. Мени кўриб, ёпишиб, ўзини тутолмай хўнг-хўнг йиғлади. Уйнинг тепасидан чакки ўтпти. Утин-чўп йўқ. У ҳали тагимга кўрпача ташлашга ҳам улгурмаган эди. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг секретари Фотимахон Йўлдошбоева бир неча киши билан тапир-тупир кириб келишиб, аҳволни кўриб, дарров орқасига қайти. Бир пастдан кейин Усмон Юсупов билан бирга келди. Кучоқлашиб кўришиб, юзларимдан қайта-қайта ўпган Усмон Юсупов атрофга кўз югуртирди:

— Биз айбдор, — деди, — шахсан мен айбдор!

— Йўғ-е, ўртоқ Юсупов! — дедим бу улуг одамнинг камтарлигидан ва меҳру муҳаббатидан, шундай донишманд ва тадбирли раҳбарнинг худди ёш болалардай беғуборлигидан эриб, — ахир буларнинг бари уруш туфайли-ку!

Усмон Юсупов бизни, акамнинг болаларини Янгийўлга олиб бориб, ўзининг акаси яшаб турган ҳовлига жойлаштирди. Уч-тўрт кунлик ҳордиқни ўша ерда олдим. Халққа ҳам Усмон акага ҳам қийин бўлибди. Хотиним билан жияним ҳозир ҳам Янгийўлда! Уруш жуда ҳам қимматга тушди. Адҳам, жуда ҳам қимматга тушди. Урушдан кейин бутун шаҳар ва қишлоқларимизни, хўжалиқларимизни қайтадан тиклашимиз керак. Ҳали иш кўп!

— Иш кўп, — деди Адҳам ака ҳам. Генералнинг сўзлари унинг бошини хиёл эгиб қўйган эди. «Озодахон мени юпатиш учун «қийналганимиз йўқ» деб ёзиптимиким? — деди хаёли Ўзбекистонга учган Адҳам ака ичиди, — қани, уларни ўз кўзим билан кўрсам.»

— Қизик-қизик гапларга жуда уста эдинг. Ҳали ҳам борми? — деди Собир Раҳимов кулиб, — ё ташлаб юборганмисан?

— Бор, — деди Адҳам ака ҳам кулиб. У фронт хангомаларидан айтиб, генерални роса кулдирди, ўзининг ҳам дили ёришиб кетди. Шу-шу тез-тез учрашиб туришди. Декабрнинг бошларида 37-гвардия-

чи дивизия Беларуссия чегарасидан ўтган кунлари Адҳам акани ҳар доимгидан ҳам баланд кайфиятда кўтиб олган Собир Раҳимов:

— Она-Ватан душмандан тозаланди, — деди, — бостириб кираётгандаги дағдағаси қанақа эди. Ҳали ўша ҳароми Гитлер билан ўша Геббелсга, Гимлерга ўхшаган ҳамтовоқларининг қўлига ҳам, бўйнига ҳам кишан солиб, бутун дунёга кўрсатиб чиқазамиз.

— Оёғидан осиб қўйиш керак бу эшакни, — деди Адҳам ака.

— Бу қора қуртни эшакка тенглаштирма, — деди генерал, — эшак одамнинг оғирини енгиб қилади. Гитлерчилар ҳар қандай жирканч махлуқдан ҳам паст туради.

Адҳам ака уни маъқуллаб, энди хангомани бошлаганида генералнинг ёрдамчиларидан бири кириб, СС формасидаги сотқин қўлга тушганини айтди. Генерал:

— Олиб келинсин! — деб буйруқ берди. У сотқинни кўриб, ўрнидан бенхитёр туриб:

— Икром! — деб яқинлашди, аммо қўл узатмади.

— Собир! — деб сотқиннинг ҳам қалтираган овози эшитилди. Генерал ёнидагиларга рухсат берди. Собир Раҳимов, Адҳам ака ва сотқин уччалалари қолишди. Адҳам ака худди хаёлида туш кўраётганга ўхшарди. Уччалалари ҳам ҳамон тик туришибди. Жимжитлик. Аммо жуда ваҳимали жимжитлик эди.

— Бу йигитга ҳам жавоб бериб юбор, — деди хиёл дадилланган сотқин.

— Йўқ, у шу ерда бўлади, ундан яширадиган сирим йўқ. Нима демоқчисан?

— Мени ҳимоянга ол!

— Гапинг шуми?

— Ҳа!

— Адҳам! — деди генерал лабларини тишлаб-тишлаб гапириб. — Ўз қўлинг билан бир палов қилмайсанми?

— Хўп! — деб Адҳам ака ўчоққа уринди. Генерал сотқин билан Тошкентдаги таниш-билишлари, тенгдошлари ҳақида гаплашиб ўтиришди.

— Мени нима қиласан? — деб сўради сотқин илтижо ва аллақандай умид билан қараб, — бирга ўсганмиз, кўп ахшиликларимни кўргансан.

— Бу ҳақда кейин гаплашамиз, — деди генерал, — фронт ҳақида сўзлашни ман қиламан.

Сўхбат яна урушгача бўлган воқеаларга кўчди. Адҳам аканинг оёқлари ҳам, кўллари ҳам қалтирарди. Генерал нега у билан гаплашяпти! Нима қилмоқчи? Палов еб бўлингандан кейин уччалалари ташқарига чиқишди. Фронт штаби атрофидаги ҳамма жангчиларни, сотқинни ушлаб келган ҳалиги солдатларни йиғиб:

— Бу махлуқ билан ёшлигимиз бирга кечган. Муҳтожлик пайтимда олдимга дастурхон ёзиб, ош қилиб берган эди. Мени кечиринглар, ҳозир ўша ошни узиб қўйдим деди генерал. Кейин ёнидаги полковникка қараб, — уни ҳарбий трибуналга топширинглар, — деб изига шаҳд билан қайтди.

— Мени буларинг отиб ташлайди-ку, Собир, мени кутқар! — деб генералнинг орқасидан талпинган сотқинни соқиллар ушлади.

— Сени отишнинг ўзи кам. Қани, сени ўзим бўғизлаб ўлдирсам, аммо ҳарбий трибунальсиз қўл уролмайман! — деди генерал орқасига нафрат билан қайрилиб қараб, — хон!

Генерал шиддатли қадам билан ичкарига кириб кетди. Адҳам ака орқасидан кирганда:

— Бу махлуқ қаердан ҳам рўбарў бўлди? — деди ғижиниб, — одамларни билб бўлмас экан-да, Адҳам. Ана шу ватанпурušнинг минбарни муштраб, она-Ватанни севиш ҳақида қанчалар бақириб, қасам-ёд қилиб, кўкрагига уриб, гапирганларини эшитганман. Уни беҳос кўриб, душман ичиди иш олиб бораётган разведкачилардан деб ўйлабман. Эҳ, уни қўлим билан ўлдирсам шунда аламини босилармиди!

Собир Раҳимов шундай асабий эдики, Адҳам ака унинг кўнглини овлашни жуда-жуда истагани билан бирор сўз айтишга ботинмади. У эрталаб редакцияга қайтди. У билан бир ҳафтадан кейин учрашди. Газетанинг янги сонини тайёрлашга ўзбек редакцияси ходимларини фронт штабига шошилишча чақирди. Фронт штабига келганларнинг кўпчилиги ўзбеклар эди. Улар орасида гвардиячи генерал майор Собир Раҳимов ҳам бор эди. Фронт кўмондони, Совет Иттифоқи маршали К.К.Рокоссовский буқланган қоғозни баланд кўтариб:

— Усмон Юсуповдан телеграмма келди, — деди, — улуг дўстимиз бизни Ўзбекистоннинг 20 йиллик тўйига таклиф этибди. Ўзбекистоннинг фронтга кўрсатаётган беқиёс ёрдамини, Усмон Юсуповнинг сидқидил хизматини бутун совет кишилари билади. Шу баҳонада жангчиларимиз номидан ўзбек халқига табрик хати йўлласак! Бу хатни фронтимиз вакиллари Тошкентга олиб боришас!

Таклиф қувонч билан кутиб олинди. Редакция ходимлари Шариф Булотов, Адҳам Ҳамдам, Назармат ва Ваҳобжон Ашуровлар биргалашиб ёзган хат бошқармада кўриб чиқилгандан кейин фронтма-фронт юриб, жангчиларга ўқиб берилди. 3715 солдат-офицернинг имзоси қўйилди. Мактубга биринчи бўлиб имзо чеккан гвардиячи генерал-майор Собир Раҳимов:

Давоми 21-бетда

# ЧИРОЙЛИ КИЙИМЛАР НЕГА КАМ

Магазинларимизда кўйлак кўп. Шу қадар кўпки, ҳатто баъзилари осилиб тураверганидан кирлаб ҳам кетган. Харидор эса магазинма магазин сарсон-саргардон. Республика модалар уйида ташкил этилган кўйлаklar салониға кириб шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Эрақ ва аёл бир кўйлак устида савдолашишарди.

— Нимаси ёқмаяпти? Матоси яхши бўлса, фасони ҳам ёқяпти. Яна нима керак. Оёқда ҳол қолмади-ку, қидиравериб, — дерди эрақ жигибийрон бўлиб.

— Чокларини кўполлигини каранг, — дерди куюнчақлик билан аёл. — Битта ювгандан кейин киришиб кетади. Шунча пулга кўйлак олгандан кейин...

— Сенга шу, импортни кўйлак бўлса-ю, уларни 250—300нинг юзига қарамай ҳам олаверсанг-а!..

— Шунақа дейсизу, импортний олганингга арзийди-да. Бежирим. Ювб-ювб кияверасан.

Улар йўл-йўлакай баҳслашиб, ҳеч нарса харид қилмай, магазиндан чиқиб кетишди. Ким билади, балки яна қўлларини силкиб чайқов бозорига йўл олишгандир.

Нега шундай бўляпти? Қачонгача қўлдан кўйлак сотиб олишга қурби етганининг ошиғи олчи-ю, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» тикилган кўйлаklarни кийишга мажбур бўлганларнинг «қолига маймун йиғлар» экан. Мени бу қизиқш Тошкент Тўқимачилик институти енгил саноат факультетининг студент модалар уйига бошлади. Назаримда муаммонинг илдиэларидан бири шу ерда эди.

Ҳаёлимга биринчи келган фикр шу бўлди: магазиндан қуруқ чиқиб кетаётган харидорлар бу модалар уйи талабалари тиккан кўйлак, плаш, костюм-шимларни кўрганларидан, эҳтимол хорижнинг кўйлаklarидан воз кечиб юборармидилар. Бежирим, замонавий бичимдаги кийимларни томоша қилиб, бу даргоҳда ана шундай конструктор-модельерлар тарбияланаётганидан хурсанд бўласан киши. Лекин бу моделларни ҳамма ҳам кўришга муяссар бўлолмайди. Ҳатто тўқимачилар институти студентларининг ўзи ҳам. Нега шундай?

— Бизда пландан ташқари кўрғазмали чиқишлар жуда кўп, — дейди студент модалар уйи раҳбари Холида Комилова. — Шошинч хабар келади. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети уюштирадиган кечага бир-икки модель билан қатнашиш зарур бўлиб қолади. Ўзимиз алоҳида кўрғазма ўтказишимиз учун имконият йўқ.

Студентлар ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда таҳсил олишлари зарур. Вунинг учун бизга бичиш столлари, кийимлар сақлаш учун хона, кўрғазма зали керак. Мана, яқинда республика модалар уйида филиал ташкил этилди. У ерда шу нарсалар мавжуд. Ҳатто модалар уйининг ўзида ишловчилардан олтитаси ўқитувчилари қилишяпти. Лекин студентлар у ерга фақат ахён-ахёнда бориб туришлари мумкин.

Эрақ эмаски, студент бир-икки кўриб ёки бир юмалаб мутахассисга айланиб қолса. Пештахталарда саргайиб ётган кийимлар ҳам ана шундай юзакчиликнинг маҳсули эмасмикин?!

Мисол учун, Тошкентдаги магазинларнинг

ўзини олиб кўрайлик. Дидсиз тикилган кўйлаklar йил бўйи осилиб тураверади. Ранги униқиб, бир аҳвол бўлиб қолганидан кейингина нархи пасайтирилади. У ерда ҳам анча муддат ётади. Ана шу кўйлаklarга қанча меҳнат, қанча маблағ сарфланган-а... Керак-сиз бу молларнинг давлатга зиёни озмунчамини?! Наҳотки, бу муаммонинг ечими бўлмасми? Бор экан. Ечимини Венгрия Халқ республикасида топишибди-ку! У ерда ҳар мавсум охирида барча магазинлардаги кийимларнинг нархи пасайтирилган экан. Бу давлат бюджетига зарар ҳам келтирмайди, шунингдек сўнгги талабдаги кийимлар ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Лекин бизда бу тажрибани жорий қилиш учун аввал моделларимизнинг харидори бўлиши керак. Афсуски, кўпинча, расмиятчилик қўл-оёқларимизни боғлаб қўйяпти. Шунингдек, ҳамон миқдор кетидан қувиб, планни ортиги билан бажаришга интиляпмиз. Лекин ҳал бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ.

Мен «талабаларга ёрдам беришнинг иложи борми?» деб республика модалар уйи директори М. С. Майзлердан сўрадим.

— Менга бу ҳақда ҳеч ким гапиргани йўқ. Мурожаат қилишсин, мен икки эшикни эмас, бирварақайига тўрт эшикни очиб кутиб оламан, — деди у.

— Демак, уларга шароит яратиб бера оласиз-а?

— Шароит ҳозир ҳам яратиб қўйганмиз. Мана, филиал очдик...

— Мен студентларнинг мунтазам келиб туришларини назарда тутаяпман.

— Улар ўз моделларини жорий қилишса, менга ҳам яхши. Лекин мен бундай тартиб-сизликка йўл қўя олмайман. Менда план бор. Кейин мен савдогарман ва албатта, фойдани кўзлаб иш тутаман. Келишсин — фақат йилда бир-икки марта.

Директорни тушунса бўлади. Планни бажариши ҳам, фойда олиши ҳам керак. Лекин талаба ўқишини битириб, албатта, ана шу корхоналарга йўл олади. Нўноқ мутахассис бирор ишнинг бошидан тутиб олиши учун эса яна йиллар керак бўлади.

— Яқинда «Красная Заря» бирлашмаси Франциядан бошқарувни автоматлаштириш системасини сотиб олди, — деб давом эттиради Х. Комилова. — Келажакда бундай ускуналар республикамиздаги барча корхоналарда ўрнатилади. Яқинда, Болгарияга борган эдик. У ерда ҳар бир конструктор-модельер шахсий компьютерда ишлар экан. Биз учун эса бу янгилик. Студентларимиз, умуман бу компьютерлардан фойдалана олмайдилар. «Красная Заря» сотиб олган ўша системада ишлаш учун ҳам мутахассис йўқ. Биз студентларни ишлаб чиқариш билан боғламоқчи бўлганлигимизнинг асл боиси ҳам шу.

Бу ишлар ҳозирок амалга ошсин, деб талаб қилмайман. Модалар маркази қуриляпти, деб эшитган эдик. Енгил саноат министрлиги ана шу лойиҳадан бизга ҳам жой ажратса яхши бўларди.

— Йўқ. Йўқ. Сизга нотўғри ахборот беришибди. Модалар маркази қурилиши ҳақида ҳеч қандай гап йўқ, — деди қатъий оҳангда кадрлар бўйича республика енгил саноат министри ўринбосари З. Болтаева.

— Балки «Красная Заря» сотиб олган ус-

куналар ҳақида гапириб берарсиз. Ҳозирдан талабалар ўрганиб боришса...

У саволимни тугатишимни ҳам кутмай: — «Красная Заря» ҳеч қандай ускуна сотиб олгани йўқ. Сизга нотўғри ахборот беришибди, — дея жиринглаётган телефонни кўтаргани хонасига кириб кетди.

«Красная Заря» хўжалик ҳисобига ўтган бирлашма. Балки ўз чўнтагидан тўлаб, министрликнинг аралашувисиз сотиб олгандир, деган ўйга ишонар-ишонмай бирлашма директори Расул Содиқовга учрашдим.

Директорнинг доим вақти тигиз бўлиши табиий. Балки шунинг учун менинг саволларимга жавоб бериш унга хуш келмагандир. Шундай бўлса-да, мен бу савол-жавобни айнан келтирдим.

— Сотиб олганмиз. Министрликнинг ҳам бундан хабари бор. Лекин ҳали ишга тушгани йўқ. Монтаж ишлари кетяпти.

— Унда ишлайдиган мутахассислар борми?

— Аввал французлар иш олиб боришади. Ҳозирнинг ўзида улар ҳисоблаш марказларидан ходимлар таклиф этишяпти. Ана ўшаларга бошқариш йўлларини ўргатадилар. — Студентлар орасидан ана шундай ходимлар тайёрланса-чи?

— Йўқ. Студентлар бу ишни эплашолмайди.

...Тайёрлаб келган бошқа саволларимни бериб ўтирмадим.

Франциядан бу ускуналар валютага сотиб олинади. Ахир, давлатимизнинг ҳам компьютерлар соҳасида мавқеи баланд бўлса, шунингдек қанчадан-қанча мутахассислар бу ишга жалб қилинган. Лекин, ҳамон биз «ўзимизникидан» кўра, ё Япония, ё Франция, ё яна бирон-бир чет мамлакат ишлаб чиқарган нарсалардан фойдаланишни хуш кўраимиз. Чунки йўлаб бош қотиргандан кўра, чўнтак қовлаштириш осонроқ-да! Мана, ҳозир дунёга донғи кетган Вячеслав Зайцевнинг моделларини телевизор орқали кўриб қувониб ўтирамиз. Яқинда, у кўпгина кўйлак моделларини Францияга сотибди. Газеталарда, буни, «катта ютуқ» деб эълон қилишди. Менимча, уларни ўзимизда ҳам жорий қилинса нур устига аъло нур бўларди.

Масалан, Беларуссия ишлаб чиқараётган кўйлаklarни олайлик. Сифати яхши, замонавий, чидамли. Энг муҳими уларга талаб катта. Бизнинг республикамизда ҳам бу ишни ривожлантириб юбориш учун барча имкониятлар мавжуд. Меҳнат ҳам қияпмиз. Лекин ҳаракат етишмаяпти, юрак қўри билан қилинган ҳаракат. Лоқайдликни йиғиштириб қўйиб, ҳали ишлатилмаган имкониятларга эътибор бериб қаралса, қилинаётган меҳнат ҳам унумли, сифатли бўлади. Айниқса, студент ёшлар масаласига.

Студент беш йил таҳсил олади. Назария билан яхши қуролланганига қарамай институти битириб корхоналарга борганида ўқишдан сўнг ўқиш йиллари бошланади. Бу орада қанчадан-қанча керак-сиз маҳсулотлар магазин, омборхоналарни тўлдириб тураверади. Бу ҳол давом этавермаслиги учун ёшларга ҳозирдан эътиборни кучайтирайлик, ёшларга ишонайлик, бу масалада уларга шароит яратиб берайлик...

Феруза ИУЛДОШЕВА

# ЯНГИ ЛИБОСЛАР МУАЛЛИФИ—СТУДЕНТЛАР



Я

нги либослар уйнинг аъзолари: 5-курс студенти Николай Храмов, катта лаборант Елена Простихина ва 3-курс студентлари Зулфия Маҳкамова, Наташа Коганлар.

А. КУДРЯШОВ фотолари.

БОҒ  
ВА  
ПОЛИЗДАН  
ТЎҒРИ  
БОЗОРГА!





**М**

арғилондаги педагогика билим юрти студентлари шаҳарликларни ширин-шакар мева ва сабзавотлар билан таъминлаш мақсадида махсус отряд туздилар. Улар ҳам унумли меҳнат қилдилар, ҳам мазмунли дам олдилар.

А. Кудряшов фотолари.





Раҳмон ШОДИЕВ асари.  
«Ургут манзаралари»

«Чорвада қирқим мавсуми»



# ОНИЙ ҲАЙРАТ МАНЗАРАЛАРИ

Мусавирнинг устахонасига кирсангиз бирдан байрам кайфиятига чулганасиз. Бўёқлар жилоси кайфиятингизга ажиб бир кўтаринки руҳ ато этади, туйғуларингизни олий мақомлар сари парвоз эттиради.

«Ургут тамакишунослари» деб аталган асар. Мовий осмон, уфқда чўзилиб кетган тоғ тизмаси, гўж бўлиб қад ростлаган дарахтлар, ёрқин ранглар таратган либосдаги кишилар — буларнинг бари рассомнинг оний ҳайратидан туғилган манзарага ўхшайди. Оддий нарсаларда мужассам топган юксак уйғунлик таронасидек таъсир қолдиради Раҳмон Шодиевнинг ушбу асари.

Одатда ижодий имкониятларни намоён этиш узоқ машаққатларни тақозо қилади. Раҳмоннинг ижодий тажрибаси ҳам бундан мустасно эмас. Унинг қисқа босиб ўтган ҳаётининг йўли ўз тенгқурлариникидан кўпда фарқланмайди: Беньков номидаги рассомлик билим юрти, Театр-рассомлик институти ва ҳарбий хизмат йиллари, холос. Олий ўқув юртида таълим олиш кезлари, шунингдек СССР Вадий академияси устахонасидаги таълим-тарбия, маҳорат тўплашдан сўнггина ижодий етуклик палласи етиб келди.

Раҳмон Шодиев ижодида оддий меҳнаткаш халқ ҳаёти, инсоннинг она заминга муҳаббати мавзуси бўртиб кўринади. Ана шу мавзуга муҳаббат уни ўзи севган Сурхондарё

воҳаси бўйлаб саёҳатга ундади. Еш мўйқалам соҳибининг ижодий сафари сермахсул бўлди. Хусусан, «Сукунат», «Ез», «Келинчак уйи», «Оқшом» деб номланган полотноларда рассом ижодининг янги, ўзига хос қирралари кўзга ташланди. Рассом қузатишларининг нозиклашгани аққол сезилди.

«Келинчак уйи» асарини қаранг! Бўлажак қайлиқ қўллари билан тикилган — зар ипак жилоларга бурканган деворлар, тахлоғлиқ кўрпага ёпилган сўзаналар. Норгул ўғил, бешикдаги чақалоқ бу хонадонга келин ташриф буюрганига анча бўлганидан далолат берса-да, аёл меҳнатининг маҳсули гўё бу хонадан тўй таровати аримаганини куйлаётганга ўхшайди.

Раҳмон танлаган қахрамонлар оддий кишилар эканлиги билан диққатни тартади, уларни томоша қила туриб эзгулик ва фахрланиш туйғулари кўнгилларга ором беради. Ана шундай ором туйғули рассом тасвиридаги замондошларимиз — рўзгор юмушлари билан машғул бекалар, далада тер тўкаётган деҳқонлар, тамаки қуритаётган ёки жун қирқаётганларга илиқ бир меҳр билан термиласиз. Шу боис «Она замининг», «Тонг», «Саратон», «Туш пайти», «Тўй» асарларидаги кундалик, оддий воқеалар тасвиридаги умумлашма рамзийликни илғашга интиласиз.

Рассом табиат манзараларини тасвирлаганда бамисоли бўёқларини ўлкамиз қуёшида тоблаб олгандек кўринади — танлаган ранглари ярақлаб туради. У рангларни қуюқлаштиришдан қочмайди, шакл-шамойилни умумлаштиради ва булар натижасида қизил — замин ва ҳаёт, мовий — само ва сув тимсолига айланади. Унинг асарларида воқеа — сюжет йўналиши асосий роль ўйнамайди, бинобарин ташқи узвийлик кўздан йўқолади ҳамда тасвирий қамров, бўёқлар оҳанги кучаяди — шу йўл билан лаҳзалик манзара абадийлаштирилади. Раҳмон абадийлаштирган лаҳзаларда эса миллий руҳ, миллий характер замонавий маънавий муаммолар асносида томошабин ҳукмига ҳавола этилади.

...Олис-олида қишлоқ ястаниб ётибди — пастак уйларнинг қалашиб кетган томлари, эгри-бугри кўчалар, сой ирмоғи, элас-элас кўринаётган қишлоқ одамлари — уларга термилиб тек қотган шаҳарлик киши. У қишлоққа разм солади, кўнглининг аллақерлариди олисдаги қишлоққа маъюс, армонли ва соғинчларга тўлиб-тошган илиқ бир яқинлик туюди. Рассом мўйқаламининг сеҳридан далолат беради бу.

Нигора АҲМЕДОВА,  
санъатшунос.

## ТОСИРО

...Ниҳоят яқинда «Етти самурай» фильмининг томоша қилишга муяссар бўлдим. Бундай деярликнинг боиси фильмининг кўргунга қадар, унинг режиссёри Акира Курасава, асосий қахрамонлардан бири қандай бўлмасин самурайларга қўшилиб олиш учун ўзини ўққа-чўққа уришга ҳам тайёр деҳқон фарзанди ролининг уйнаган ёш, лекин машҳур актёр Тосиро Мифунэ ижоди ҳақида ҳамда бу икки санъаткорнинг ўзаро ҳамкорликда яратган «Рашемон» (1950), «О, Хара исмли фоҳишанинг бошидан кечирганлари» (1952), «Дзюдо даҳоси» (1962), «Қизил соқолли» (1964) каби фильмларнинг шухрати ҳақида талайгина мақолалар ўқиб, фильмининг деярли кўргандек бўлгандим.

Бироқ, гап бу ҳақда эмас, гап... хуллас, фильм ниҳоясида қароқчилар тўдаси ёлланган етти нафар самурай бошчилигида тор-мор қилинган, томошабинлар бирин-кетин ўрниларидан туриб, эшикка қараб юрдилар. Бу тушунарли. Томошабинлар фильмининг эмас, балки диққинафас кинотеатр залини тезроқ ташлаб чиқиш истагида эдилар.

Бироқ шу пайт томошабинларнинг олдинги сафидагилар эшикни очётган чоғида бирдан тўхтаб, экрандан кўзларини узолмай қолишди. Улар худди фильмининг энг шиддатли, кескин воқеалар давом этаётган қисмини томоша қилаётгандек дуч келган ўриндиқларга жойлаша бошладилар. Кимдир, секинроқ, деб кўйдди. Залга сув қуйгандек жимлик чўкди.

Мана, чинкакам санъат асари нималарга қодир!

Мен ўрни бўлмаса ҳам «Етти самурай» фильмининг пурҳикмат якуни ҳақида тўхталмай ўтолмайман.

Тўрт нафар шеригидан айрилган уч Самурай тузилган шартномага мувофиқ қароқчилар тўдаси яқсон қилинган, қишлоқни ташлаб кета бошладилар. Қуни-кеча самурайларга ялиниб-ёлвор-

ган деҳқонлар, гўё ишлари битиб эшаги лойдан ўтгандек уларни унутдилар. Аммо бу унуттишда ёки бу унуттиш замирида улардан юз ўгириш эмас, балки бошқа Самурайлардан кўра қудратлироқ ва мангу ҳаёт даъватига бўйсунмиш ҳисси ҳукмрон эди...

Уларнинг бу абадий қўшиқларини эшитган шижоатли ва қўрқмас самурайлар бош эгадилар. Агар мана шу якуни бўлмаганида фильм кўп нарса йўқотарди.

Фильм ижодкорлари одамзод табиатан урушдан нафратланади, у жанг қилгани, қурашгани эмас, алал оқибат дунёга яшаш учун келади, деган ғояни

## МИФУНЭ

ниҳоятда зукколик билан фильм маъзига сингдириб юборишганига қойил қоласан киши.

Бу қойил қолишнинг қадри қарсақ чалиб юбориш билан эмас, балки юракнинг гумириб кетиши ва одамнинг шахсий кашфиётлари билан ўлчанади.

Менинг ниятим «Етти самурай» фильмидан олган таассуротларни ўртоқлашиш эмасди, шу фильмдаги асосий роллардан бирини ижро этган актёр Тосиро Мифунэ ҳақида ҳикоя қилиш эди.

Тосиро Мифунэни 1951 йили халқаро Венеция кинофестивалида намойиш этилган «Рашемон» номли фильмдаги қароқчи Тадземару роли дунёга танитди.

Айтишларича, шу пайтгача япон киноси ҳақида мутлақо тасаввурга эга бўлмаган томошабинлар қароқчи Тадземарунинг жисмидан ёғилиб турган бемисл куч-ғайратни, унинг ваҳшиёна забткорлигини кўриб, у ҳар наъра торганда ўрниларидан туриб кетишаркан.

Уша кинофестивалда режиссёр Аки-

ра Курасаванинг шу фильми бош соврин — Авлиё Маркнинг олтин арслони билан бирга халқаро кинотанқидчилар уюшмасининг юксак мукофотига сазовор бўлганди. Шубҳасиз, фильмининг бундай улкан ютуғида Тосиро Мифунэнинг ҳиссаси катта эди.

Ушбу асар орқали япон киносанъати жаҳондаги АҚШ, Англия, Италия ва Франция сингари кино санъати ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олди. Акира Курасава билан Тосиро Мифунэларнинг довуғи дунёга ёйилди.

Тосиро Мифунэнинг мардонавор қиёфасини кўз олдингизга келтириш учун биргина япон танқидчиси Ивасакиннинг таърифи кифоя: «Рашемон» фильми учун декорация тайёр бўлишини кутиб ўтирганимизда Африкага бағишланган ҳужжатли фильм томоша қилаётган эдик, — деб ёзганди Ивасаки, — экранда йўлбарс пайдо бўлиши ҳамона Акира Курасава: Мифунэ, қара, бу сенинг қароқчининг Тадземарунинг ўзгинаси-ку! — дея қичқириб юборганди.



рази унинг ранг-баранг образлар ярата оладиган беҳад имкониятга эга актёр эканини исбот қилди. Уша йили Европа кинотанқидчилиги яқдиллик билан бу ажойиб санъаткорнинг юксак истеъдодини эътироф этгани бежиз эмас.

Ушандан кейин актёр 50 дан зиёд катта ва кичик роллар ижро этди. Буларнинг орасида, айниқса, Достоевскийнинг «Телба» романи, Горькийнинг «Тубанликда» пьесаси асосида яратилган фильмлардаги Рогожин, Васёка Пепель, Шекспирнинг «Макбет» идаги Макбет образлари ҳаққонийлиги ва Мифунэнинг актёрлик даҳосига муносиблиги билан аҳамиятга эга эди.

1958 йили Венеция кинофестивалида Авлиё Маркнинг олтин арслони мукофотига сазовор бўлган «Одам рикша» фильмидаги аравакаш Мицумора ролининг ижроси учун у йилнинг энг яхши актёрига таъсис этилган Оскар мукофотига сазовор бўлди.

Тосиро Мифунэ қатнашган ҳар бир фильм одамнинг эсида қолади. Сермаъно кўзлари, вужудидан ёғилиб турган ғайрат, ҳаётга ташналик, унинг қаҳрамонлари қиёфасига бетакрорлик бахш этади. Агар қиёслаш жоиз бўлса, мен бу актёр темпераментини буюк ўзбек актёри Шукр Бурхоновга ўхшатган бўлардим. Чунки экранда Тосиро Мифунэ кескин ҳаракатлар, ғазаб ва нафратларини ошқор қилишдан ўзини тийиб турган лаҳзаларида у бамисли бўрон арафасидаги денгизни эслатади.

Мифунэ кучли шахслар, темир иродали одамлар образини юксак маҳорат билан ярата олган актёрдир. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, нигоҳи, айниқса, кулгулари асов, ғалаёнли қалбнинг мавжлари каби томошабин қалбига кириб боради.

Тосиро Мифунэ халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиси сифатида республикамизда меҳмон бўлган эди.



Афсуски, биз рус ижодий зиёлиларига ўхшаб ўз юртимизга келган улкан санъаткорлар, шоирлар, актёрлар, режиссёрлар, рассомлар билан қизиқишга одатланмаганмиз. Шунинг учун бирор санъаткор ҳақидаги ҳикоямиз қашшоқ, зерикарли бўлади. Ҳолбуки, Тошкентга турли йилларда Тосиро Мифунэдан ташқари япониялик Комаки Курихара, ҳиндистонлик Наргис, Мринал Сен, туркиялик Туркан Шорой, Фотима Гирик, мисрлик Магда Камол, перулик Армондо Роблес Годой каби жаҳонга машҳур санъаткорлар ташриф буюришган эди. Тосиро Мифунэ ижро этган жиддий

роллardan яна бири «Қизил соқолли» фильмидаги Нида исмли врач образидир. Мазкур фильм 60-йилларнинг охирида ида, 70 йилларнинг бошларида Иттифоқимизда катта муваффақият билан намойиш этилган эди.

Японияда актёрларнинг аҳволи аянчли, дейишади. Айтишларича у ерда қандай истеъдодга эга бўлишдан қатъий назар актёр сотиб юборилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлган кишидир. «Кино юлдузлари товарлардир» деб ёзган эди Мифунэнинг ижодий дўсти, режиссёр Акира Курасава.

Лекин Мифунэ бундай кўйга тушгани

йўқ. У кўнглига ёққан, ўзи ихлос қўйган ролларнигина ижро этиш пайида бўлади.

Мана шунинг учун қолаверса, ўз ижоди орқали япон актёрлик санъатининг ўтмиш аънаалари билан бугунги куннинг безовта, исёнкор руҳини омукта қилиб, унутилмас образлар галереясини яратган санъаткор номини миллионлаб кино мухлислари ҳурмат билан эслайдилар.

Олим ОТАХОНОВ







## Тасаввур

Эгнида биргина кийими бор — Эрк,  
Жуда-жуда эски, жуда-жуда туски,  
Ииллар ва асрлар,  
сўзлар ва ҳукмлар нўҳси урган,  
аччиқ тамаки ҳиди ўтирган кийими;  
болалигида  
тўйган қўзичоқ қарашли,  
қўй нигоҳли гўдак бўлган,  
кейин — шубҳа ила қаттиқ боқувчи  
кимсалар таъқибидан илма-тешик,  
адо бўлган либоси —  
қачонлардир жанда аталган, эҳтимол,  
қачондир яқтак аталган, балки,  
ва номи кўҳна китоблар ила  
йўқ бўлиб кетган  
шу бир парча мато эгнида;  
қаҳратон совуқда ҳам,  
жазирама иссиқда ҳам, —  
ёзин-қишин —  
мўъжазгина жуссасининг ёпинчиги эрур  
Утли кўзларида бир лаҳзагина  
қалбининг сирлилиги акс этган,  
шундоққина ёнимдан ўтиб,  
оломонга қўшилиб кетаётган  
тасаввуримдаги номаълум одамнинг кийими.

## Оддий шеър

Саводсиз юлдузларга қараб  
Уларни кўпроқ тушунаман.

Ўйлаб қоламан Ойнинг доғини:  
Биздек одамлар бормикан?..

Югураман эртадан то кечгача  
Худди бир жойда депсинаётгандек.

Осмонга жавдирайман, тўхтаганда:  
Шовқинларни қувиб улгуролмайман.

Жимгина гуллаётган дарахтнинг  
Олдидан ўтгани уяламан.

Кечқурун қайтаман яна ўзлимга,  
Ўйлайман тагин Ойнинг доғини...

## Шеърят

Мана, ўйлаяпман ўйламаслик ҳақида  
Оёқ остида сочилиб ётган,  
тўкилиб ётган,  
босма ҳарфли,  
қофияси ТУЙҒУни ўлдираётган  
(«Жонон»га «ҳайрон» каби!),  
Сарбонсиз карвон сингари чўзилган  
ғаразли ва ғаразсиз тизмалар ҳақида,  
ИНТИЛИШ сўзининг маъноси ҳақида,  
ТОЛЕ сўзининг,  
ЕР сўзининг,  
ХУДА ва БЕХУДА сўзининг  
маъноси ҳақида ўйлаяпман.  
Сўзларнинг жимжимадорлиги,  
силлиқлиги ва ХИССИЗлиги,  
Ут қўйса ҳам ёнамаслиги ҳақида,  
ЕЛҒОН ҳақида,  
НАФРАТ ҳақида,  
ОҒРИҚ ҳақида,  
исёнкорнинг мулоҳазакор бўлиб қолгани  
ҳақида

ЎЙЛАЯПМАН, ўйламасам ҳам.

## Қирмизи гуллар

Чин шоир Чўлпонга

1.

Кўнгулда бир қадар  
Кеч ўйғондингиз  
Қўшиқнинг шафақи —  
Қирмизи гуллар.  
Яна бугун оқшом,  
Яна бугун тонгмиз,  
Қирмизи гулларим,  
қирмизи кунлар.

2.

Ишқимнинг кунлари  
ёганда яна,  
Булутлар ўзидан  
тонганда яна,  
Қайгулар кўнгилдан  
кетганда яна,  
Хур овунчларга  
етганда яна  
Билмайман-да ман ўзимни  
Қайга отмишман,  
Сочмишманми оғзим тўла  
дур севинчларни.

3.

Живир-живир манзаралар,  
Самовий ранглар  
Кўзларимда тўлқинлана  
бошлайдир шунда,  
Ўзимни дафъатан  
англаган кунда  
Севгининг кўзлари  
бир мани танлар.

4.

Тўлқинлардан тўлқинларга  
ўтиб борганда

Манзаралар энтиктириб  
қўяр ўзимни,  
Эшитмасдан бир ғалати  
айтган сўзимни,  
Сўзлар мани тарк этганча  
кетиб борганда...

5.

Бир шамол-исёндай  
кечабераман  
Борлигимнинг гўзал  
қўшиғидан маст,  
Ҳали кўрилмаган,  
Равону баланд-паст,  
Утмаган йўллардан  
ўтабераман...

6.

Тўсатдан ўйғониш  
бошланар манда —  
Қудратга тўладир  
енгил парвозим,  
Баралла янграйдир  
кўнгил овозим  
Оловлар кўмилган  
бу олов танда.

7.

Дунёнинг рангларин  
кўриб тураман  
Ўзимнинг ҳолимдан  
ўзим бохабар,  
кўзларим билан-да  
лаблар баробар  
Миллион бўсалар  
олиб тураман...

8.

Оловлар танимда  
Куйиб кул бўлди,

бехабар осмонда  
шафақлар қалқар,  
Кўзимнинг ўнгида  
чақинлар чақнар,  
Севинчим ёшлари  
кулиб гул бўлди.

9.

Айтарман шунда ман  
қирмиз гулимга:  
Ишқимнинг чечаги  
фасли ўзингсан,  
Бу ажиб ҳолатнинг  
асли ўзингсан! —  
Сочилган чечаклар  
ойдин йўлимга  
Айтарман шунда ман:  
қайрсинлар яна  
Ошиқ бу кўнгулнинг  
зўр фароғати,  
Бутун борлигимнинг  
асли ҳолати —  
Ичимни ёритиб  
порлаган манда...

11.

Ишқимнинг кунлари  
қайд этилгуси,  
Чаманлар қўйқидан  
Утилгуси-да,  
Дур севинчларимга  
етилгуси-да,  
Кўнгулда ўт билан  
хур кетилгуси!..

12.

Баҳорги чақинлар  
бир наъра тортиб,  
Бир ёниб ўчар-ў,  
тонар у кунлар,  
Биз мангу оқшоммиз,  
биз мангу тонгмиз,  
Сўлмас чечакларим,  
Қирмизи гуллар.



Б. ТҶУХТАБОВЕВ расми.

# „Болачақ ўлмаслиги мумкин эди...“



Бу воқеанинг юз берганига уч йил бўлди. Уч йилдирки, Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги 14-болалар касалхонасида оламдан ўтган 2 ёшли Диманинг онаси Тамара Безрукова жойларга шикоят ёзади, елиб-югуради. «Биламан, — дейди у, — ўғлим энди қайтиб келмайди. Лекин ўғлимни даволашга бефарқлик билан қараган шифокорларнинг яна оқ халатда юришига шайда олмайман. Мана, яна фарзандлик бўлдим, улар ҳалигача оқ халатда юрар эканлар мен боламни ҳеч бир шифокорга ишонмайман».

Димани 1985 йил 31 октябрда касалхонага олиб келишди. 16 ноябрда эса у операцияга ётқизилди ва реанимация хонасида операциядан сўнг вафот этди. Бола ичак касаллиги билан оғриган эди. Мени бир нарса Т. Безрукованинг шикоятига қўшилишга ундайди: 15 ноябрда Димани медицинанинг шу соҳаси бўйича етук мутахассис профессор А. С. Сулаймонов кўради ва шундан сўнг эртасигаёқ операцияга ётқизилади. Мен касалхона бош врачлари ўринбосари Валентина Федоровна Вишегородцева, хирургия бўлими мудири Ҳожимурот Баҳромжонов, уни даволаган врачлардан Лев Злоткевич, М. Мираҳмедовлардан бундан олдин операцияга ётқизиш мумкин эмасми, деб сўрадим. Улар мумкин эмаслигини, шу вақтгача операциягача бўлган жараён бехато олиб борилганлигини медицина тили билан тушунтиришди. Ҳужжатлар ҳам улар тарафда, чунки уни уларнинг ўзлари воқеа бўлиб ўтган тайёрлашган.

Т. Безрукованинг боламга етарли эътибор билан қарашмади, менга қўпол муносабатда бўлишди, Дима ўлмаслиги мумкин эди, деган гаплари учун уни сал демаса жиннига чиқариб қўйишди. Ҳа, Ҳ. Баҳромжонов, Л. Злоткевичлар бир неча марта боламга онани ақлан соғломлигига гумон билан қараётганлигини айтишди. Фарзанд доғида куйган онани шикоят қилганлиги учун ақлан соғломлигига шубҳа билан қараш мумкинми ахир? Мен Л. Злоткевич билан илк бор учраганимдаёқ унинг гаплари, характери Т. Безрукованинг шикоятидаги «қўпол муомалада бўлади», деган гапни далиллаб турди. Тўғриси, шу топдаги унинг бир гапидан сўнг

менинг кўз ўнгимда ҳам унинг оқ халати хират тортаётгандай бўлди. «Улим ҳали бор, биз ўлимни батамом тўхтата олганимиз йўқ», деди у. Ҳа, бу рост сўз, лекин... Бу сўзни баралла айтиб турган шифокорга ким ўз фарзанди тақдирини топширади? Шифокор оламдан ўтиши муқаррар бўлган бемор олдида ҳам фақат «Мен уни сақлаб қолишим керак, у яшаши керак» деган ўй билан кириши керак. Минг афсуски, биргина Л. Злоткевич эмас, кўпга шифокорларимиз бу сўзни такрорлашади ва бу билан ўзларини овутадилар.

Айни дамда 14-касалхона коллективи Т. Безруковани ўзларига ашаддий душман ҳисоблайдилар. Негаки, уч йилдан буён уларга тинчлик бермади. Ҳозир шу борадаги касалхонанинг ўзида тўпланган қоғозлар билан бир-икки кунда танишиб улгуриш қийин. Қизиғи шундаки, бу қоғозларнинг кўпчилиги Т. Безрукованинг айбини топишга, унинг ўзини қоралашга қаратилган. Ҳатто Диманинг ўлими муқарар эди, деган сўзни далиллаш учун, яъни шу йўл билан ўзларини оқлаш учун нафақат Диманинг касаллик тарихи, унинг онасининг саломатлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам эринмай тўпланган ва қоғозларда — ўнлаб жойларда таъкидланган. Ҳўш, Диманинг соғлиғига онадан шу қадар салбий таъсир ўтган экан, бундай текширувлар нега олдинроқ, яъни Димани даволаш учун қўлланилмади. Қоғозлар орасида турли текширув органларига Т. Безрукова ва Куйбишев район прокуратураси ходимларидан нолиб ёзилган шикоятлар ҳам анчагина.

Район прокуратурасида «Безрукова иши» деб ном олган иш жиноят состави йўқлиги учун тўхтатилди. Жиноят состави йўқлиги ростдир, балки. Лекин бу шифокорларни бутунлай айбдан соқит деб билишга асос эмас. Ахир, жиноят даражасига етмаган хато-чи, эътиборсизликчи? Минг афсуски, вақт ўтиши билан шифокорлар буни ҳам тан олишмайди. Вақт ўтиши билан дейишимизнинг боиси бор. Негаки, коллектив дастлаб баъзи хато ва айбларини тан олган ва касалхона бош врачлари Т. У. Темирпўлатова имзолаган 1986 йил, 11 февралдаги буйруққа кўра, бўлим мудири Ҳ. Баҳромжонов, врачлар С. Саъдуллаев, Л. Злоткевич, В. Медведевлар жазоланганлар. Мана, шу буйруққа асос бўлган муҳокама протоколи. Масала коллективнинг ўзида кўрилган. Протоколнинг ўзидаёқ беморга етарлича эътибор берилмаганлиги муҳокама давомида баъзи берилган саволлардан, баъзи мулоҳазалардан сезилиб қолади. Шу ўринда бўлим мудири Ҳ. Баҳромжонов болани текшириб кўриш чўзилиб кетганлигида, диагноз ўз вақтидан кечикиб қўйилганлигида ўзини ҳам айбдор деб ҳисоблайди. Бўлим мудирининг ўзи саволга жавоб бериб яна шундай дейди: «Гарчанд 4 ноябрда боланинг аҳволи оғир деб ҳисобланса-да, навбатчи врачнинг фақат 14 ноябрда текширилганлиги кўрсатилган. Байрам кунлари — 7 ва 8 ноябрда эса ҳеч қандай ёзув йўқ».

Муҳокамада бош врач Т. У. Темирпўлатова қуйидаги хулосага келган: «...болага қараган ҳар бир врач (врачлар тез-тез алмашиб турган) унга етарли эътибор билан қарамаган ва уни палатага тез-тез кириб назорат қилишмаган, боланинг онаси билан етарли даражада суҳбатлашмаган». Ҳатто, шу йиғилишда кимдир нархоз нотўғри берилган, деган хулосага борса, кимдир нархоз тўғри берилган, лекин у нархоз картасига нотўғри ёзилган дейди. Онанинг шикоятида ҳам нархоз нотўғри берилган, деган гумон бор. Протоколда даволовчи врач С. Саъдуллаев «Касаллик тарихи»ни ўзгартирилганлигида айбланади. Афсуски, унда қачон ва нима сабабдан ўзгарганлиги айтилмайди. Лекин ўшанда ҳам (ҳозир эса умуман) агар болага етарлича эътибор билан қаралганда у омон қолиши мумкин эди, деган хулосага келинмади. Ушанда ҳам Л. Злоткевич заррача ҳам айбни ўзига олмади.

Булар касалхона коллективининг ўз хулосаси. Ҳўш, бошқаларнинг хулосаси қандай? Т. Безруковага УзССР Соғлиқни сақлаш министрлигидан келган жавоб хатида қуйидагича хулоса бор:

«... Врачлар томонидан медицина ёрдами кўрсатиш давомида беморнинг оғир аҳволи тўғри баҳоланмаган, лаборатория тадқиқотлари тўлиқ ўтказилмаган, ўз вақтида малакали

## Бир хат изидан



мутахассислардан консултация уюштирилмаган. Даволаш давомида хатоларга йўл қўйилган ва бу касалликни оғирлаштирган. Бундан ташқари, аниқлик ва диққат билан иш олиб борилмаган, медицина этикаси ва деонтология қоидаларини бузиш ҳоллари юз берган...»

Ҳўш, прокуратура ходимларининг хулосаси қандай? Иш тўхтатилмасдан олдин — охири марта бу иш билан Куйбишев район прокуратураси бош терговчиси Мирзоҳид Қосимов шуғулланаётган эди. Ҳатто касалхона маъмурияти томонидан турли жойларга ёзилган хатларга унинг иш юритишидан норозилик кайфияти ҳам сингдирилган.

Прокуратура талаби билан уч марта суд-медицина экспертизаси ўтказилди. Дастлаб Тошкент шаҳар суд-медицина экспертиза бюроси ходимлари врачларни айбдор деб топмади. Иккинчи марта шаҳар суд-медицина экспертизаси комиссияси составида кўриб чиқди бу ишни. Унинг хулосасида болага туғма касаллик бўлганлиги аниқланди. Лекин шу билан бир қаторда врачларнинг камчиликлари аниқланди ва боланинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлиги айтилади. Бу икки хил хулосага аниқлик кириши учун республика соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги суд-медицина экспертизасининг комиссияси состави текширади ва болага етарлича медицина ёрдами кўрсатилмаган деган хулосани тўғри деб топади. Шу асосда М. Қосимов иш олиб бораётган бир пайда эса бу «иш»ни республика прокуратураси ўрганиш учун талаб қилиб олади. (Менимча, касалхона коллективи номидан республика прокуратурасига ёзилган шикоят таъсирида). Шундан сўнг шаҳар прокуратурасидан жиноят состави йўқлиги учун «иш»ни тўхтатиш ҳақида кўрсатма келади. Т. Безруковага жиноий ишнинг тўхтатилиши эмас, врачларнинг ўзларини айбсиз деб ҳисоблаши алам қилади. Тўғриси, менга ҳам. Негаки, мен улар даврасида бўлиб, ўз коллектив муҳокамаси протоколлари, республика соғлиқни сақлаш министрлиги текшириши якунлари, якуний суд-медицина экспертизаси хулосасидан келиб чиқиб, уларнинг гарчи жиноят даражасида бўлмаса-да, айблари борлигига иқдор қила олмадим. Улар кўпга хатоларини тан олмаслиги мумкин. Лекин битта хатосини ҳеч бир қоғоз билан беркита олмайдилар. Улар онанинг, ўша Диманинг онаси Тамара Безрукованинг қалбида ўзларига бўлган ишонччи дастлабки кундаёқ йўқотган эди. Улар ёш онани боланинг аҳволи билан таништириш ўрнига, турли гаплар билан унинг кўнглини қолдирган. Ҳозир ҳам унинг ўз боласига ва бундан кейин бошқа болалар тақдирига ачинишини ўзларича нотўғри баҳолашмоқда.

Т. Безрукова турли жойларга шикоят ёзди. Лекин у ёзмаганида-чи? Бу иш шу даражада кўрилармиди? Йўқ! Бу одатдаги ўлим сифатида қайд қилиниб қўйилверарди. Ахир, гарчи кўнглида врачларга нисбатан гумони бўлиб шикоят қилмаётганлар қанча, шикоятдан энди ўзига оворагарчиликдан бошқа ҳеч нарса келмаслигини билганлар қанча? Яна бу воқеа Тошкент шаҳрида юз берапти. Қишлоқда-чи? Биласизми, Тамара Безрукова ўзича ҳақиқат деб ўйлаган гапни албатта гапирди. Шунинг учун ҳам унга врачларнинг ақлан носоғлом деган гумони бор. Аслида эса унинг гаплари кишини ўйлатиб қўяди. Жумладан, у шундай гапларни кўп такрорлайди: «Нега врачлар оз бўлганда, ўлим ҳам оз эди?», «Агар врачлар бўлмаганда эди, тақдиримизга тан берардик, лекин улар бўлиб, ёрдам бермагач, норозилигини ошириб борадида». Аччиқ, лекин ҳақ гаплар.

Бунга республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг раҳбарлари нима дейишаркин?

Чори ЛАТИПОВ,  
СССР Журналистлар союзи аъзоси

# РУС ТИЛИ САБОҚЛАРИ

## 8-машғулот

Қадрли журналхонлар, «до», «после», «для» кўмакчилари ҳам кишилик олмошларининг иккинчи шакли, яъни «меня», «тебя», «него», «неё», «нас», «вас», «них» лар билан ишлатилиши мумкин.

Масалан:

ДО

до меня (дамина) — менгача (менга қадар)  
до тебя (датиба) — сенгача (сенга қадар)  
до него (даниву) — унгача (унга қадар)  
до неё (данийу) — унгача (унга қадар)  
до нас (данас) — бизгача (бизга қадар)  
до вас (давас) — сизгача (сизга қадар)  
до них (даних) — уларгача (уларга қадар)

Мисоллар: До меня (до тебя, до него, до неё, до нас, до вас, до них) доносились звуки карная. — Менгача (сенгача, унгача, бизгача, сизгача, уларгача) карная овози эшитилиб турар эди.

До них (до меня, до тебя, до него, до неё, до нас, до вас) было ещё очень далеко. — Уларгача (менгача, сенгача, унгача, бизгача, сизгача) ҳали жуда олис эди.

До нас (до меня, до тебя, до него, до неё, до вас, до них) дошли слухи о таинственном исчезновении посла. — Элчининг сирли равишда ғойиб бўлганлиги ҳақидаги миш-мишлар бизгача (менгача, сенгача, унгача, сизгача, уларгача) етиб келди.

## ПОСЛЕ

после меня (послимина) — мендан кейин (сўнг)  
после тебя (послитиб) — сендан кейин (сўнг)  
после него (послинив) — ундан кейин (сўнг)  
после неё (послиний) — ундан кейин (сўнг)  
после нас (послинас) — биздан кейин (сўнг)  
после вас (посливас) — сиздан кейин (сўнг)  
после них (послиних) — улардан кейин (сўнг)

Мисоллар: Он выступил после меня (после тебя, после него, после неё, после нас, после вас, после них). — У мендан кейин (сендан кейин, ундан кейин, биздан кейин, сиздан кейин, улардан кейин) сўзга чиқди.

После тебя (после меня, после него, после неё, после нас, после вас, после них) все разошлись по домам. — Сендан кейин (мендан кейин, ундан кейин, биздан кейин, сиздан кейин, улардан кейин) ҳамма уй-уйига тарқалди.

После вас (после меня, после тебя, после него, после неё, после нас, после них) продемонстрировали интересную кинокомедию. — Сиздан кейин (мендан кейин, сендан кейин, ундан кейин, биздан кейин, улардан кейин) қизиқарли кинокомедия намойиш қилинди.

Демак, «до» кўмакчиси кишилик олмошларининг иккинчи шакли билан қўлланиб «—гача», «қадар» маъносини билдирса, «после» кўмакчиси «кейин», «сўнг» маъноларини ифода қилади.

«Для» кўмакчиси ҳам кишилик олмошларининг иккинчи шакли билан қўлланиб «—га», «учун» каби маъноларни билдиради.

## ДЛЯ

для меня — менга (мен учун)  
для тебя — сенга (сен учун)

для него — унга (унинг учун)  
для неё — унга (унинг учун)  
для нас — бизга (биз учун)  
для вас — сизга (сиз учун)  
для них — уларга (улар учун)

Мисоллар: Мама для меня (для тебя, для него, для неё, для нас, для вас, для них) купила красивую рубашку. — Она менга (сенга, унга, бизга, сизга, уларга) чиройли кўйлак сотиб олди.

Поэт сочинил это стихотворение для неё (для меня, для тебя, для него, для нас, для вас, для них). — Шоир бу шеърни унга (менга, сенга, бизга, сизга, уларга) ёзди.

Райисполком для нас (для вас, для них) начал выделять земельные участки. — Райижроком бизга (сизга, уларга) ер участкаси ажрата бошлади.

Шундай қилиб, рус тилидаги кўмакчилар кишилик олмошлари билан қўлланиб, турли хил маъноларни ифодалаш учун хизмат қиладди.

Журналимизнинг азиз ўқувчилари! Назарий билимни амалда мустаҳкамлаш учун қуйидаги топшириқларни ёзма равишда бажаришни таклиф қиламиз.

## 1-топшириқ

«Я», «ты», «он», «она», «мы», «вы», «они» кишилик олмошларининг керакли шаклини қўллаб, саволларга жавоб қайтаринг.

1. Кто читал произведение Н. Островского «Как закалялась сталь»? 2. У кого отличная оценка по русскому языку? 3. Кому выдали премию за хорошую работу на сборе хлопка? 4. Кого вызвал преподаватель к доске? 5. С кем разговаривал профессор? 6. О ком говорили на комсомольском собрании?

Энди, ҳурматли ўқувчилар, сартарошхонадаги сўзлашувга эътиборингизни қаратамиз.

### Эркалар сартароши ҳузурнда:

Мен соқолимни олдирмоқчиман  
Илтимос, сочимни олиб қўйинг  
Илтимос, ... жуда калта бўлмасин  
узунроқ-калтароқ бўлсин  
Модала причёска қилиб қўйинг  
Унгдан (чапдан) фарқ очиб қўйинг

Илтимос, мўйловимни (соқолимни) қайчилаб тузатиб қўйинг  
Менга атир сепиб қўйинг

### Аёллар сартароши ҳузурнда:

Мен кимёвий завивка ва укладка қилдирмоқчиман  
Мен причёскамни ўзгартирмоқчи эдим  
Маниюр (педикюр) ... қилдирмоқчиман  
Мен сочимни (қошимни) қорага бўятмоқчиман  
Сочингизни локлайми?

### У мужского мастера:

Я хочу (хотел бы) побриться  
Постригите меня, пожалуйста  
Прошу Вас... не очень коротко  
подлиннее-покороче  
Сделайте мне модную причёску  
Сделайте мне пробор справа (слева)  
Подправьте мне, пожалуйста, усы (бороду)  
Освежите меня одеколоном.

### У дамского мастера:


Я хочу сделать химическую завивку и укладку  
Я хотела бы изменить причёску  
Мне нужно сделать... маникюр (педикюр)  
Я хочу покрасить волосы (брови) в тёмный цвет.  
Покройте (волосы) лаком?

Журналимизнинг азиз мухлислари! Топшириқларнинг жавоби ёзилган, «Рус тили сабоқлари» ҳақида билдирилган таклиф ва мулоҳаза

заларингиз баён қилинган мактубларингизни сабрсизлик билан кутамиз!

Сабоқчи С. АБДУЛЛАЕВ

## ШИНАВАНДАЛАРИГА



Сахнада «Ньюанс».

«Московский комсомолец» да бир хабар босилиб чиқди. Москвани рок-музыка билан тўйдириб юборганликларини пойтахтдаги рок-концертларда залларнинг ярми томошабин билан банд бўлаётганлигидан ҳам билса бўлади. Шунгами, бу хабарни ўқиганимдан кейин билет топа олишимга ишончим комил эди. Қолаверса, мендан олдин Москвада бўлган «Комсомолец Узбекистана» мухбири ҳам буни тасдиқлаган эди. Унинг айтишича, москвалик рокерлар агар ўзларини лиқ тўла томошабин заллари кутаётганлигини билишса, биринчи таклифда — эртагаёқ Тошкентга учиб келишга тайёр эканлар.

«Лиқ тўла томошабин заллари» масаласига келсак шуни айтмоқ жоизки пойтахт «Звуки Му» ансамбли Тошкентдаги концертларида бор-йўғи 200—300 томошабини жалб қила олди холос. Лекин ҳозир ортиқча билет топиш учун Москвадаги танишларимга мурожаат қилишга эҳтиёж йўқлиги мени жуда қувонтирди. Шунинг учун «Машина времени» ва унинг «Дунё бўйлаб» номли янги программасини ташкил қилиш қийинчилик туғдирмаслигини олдиндан билганим учун концерт бошланишидан ярим соат олдин «Россия» концерт залининг кассасига ишонч билан яқинлашдим. У ерда мендан ташқари яна беш-олти киши куймаланишарди. Ҳа, ҳақиқатда одамлар рок музыкага тўйиб кетишибди, ўйладим мен. Лекин ўйлаганим нотўғри чиқди — кассирнинг айтиши бўйича кундузги концертлар планлаштирилмаган экан. Бу — биринчидан. Иккинчидан ҳамма билетлар бир ҳафта олдин сотилиб бўлинган эмиш. Ҳаммаси мен ўйлаганчалик осон эмас экан... Бир неча соатдан кейин Соколники хиёбонидаги Яшил театрға кираверишда ҳам одам кўп эмас эди. Лекин бу ерда ҳартугул билетлар бор экан. Кечада «металл» деб эълон қилинган «Кронер» ва «Мафия» группалари иштирок этиб, унга 500 га яқин томошабин йиғилди. Пойтахт учун бу ажабланишли ҳол. Лекин сахнада ҳам ҳали ишлатилмаган тажриба-лаборатория ишлари кўрсатилди. Очигини айтганда, «Кронер»нинг бўғиқ ўкириши кўнгилга урарлик даражада эди.

Москвадаги рок-лаборатория ўзининг фаолиятини 1985 йил октябрда бошлаганди. Пойтахт шаҳар ижроқўми маданият бошқармаси умумий илмий-методик маркази директори Нина Николаевна Базерова шундай деди:

— Мен рок-музыка мухлиси эмасман. Лекин идеология ходими сифатида рокерлар билан ишлаш зарурлигини жуда яхши тушунаман. Бу қандай бошлангани ҳам эсимда. Уз кабинетимга кетатуриб эшик олдида бир тутам сочи юзини тўсган ажабтовур кийимда ўтирган галати жонзотни кўрдим. Ўзимни

тутиб туролмай: «Бу қандай мўъжизасиз-мўъжиза» деб юбордим. Топиб айтган эканман. Сочларининг аллақаридан «мўъжизасиз-мўъжиза» группасидан сизга саломлар» деган овоз эшитилди.

Маданият масъул ходимида қизиқиш уйғотган «Мўъжизасиз-мўъжиза» ансамбли ҳали ҳам мавжуд. «Рок-лаборатория» эшиги олдида рокерлар муаммолари баён қилган эълонлар орасида уларнинг варақаси ҳам бор эди.

Аввал асосий қийинчиликлар Ольга Опрятая бошчилик қилган, уч кишидан иборат ташаббускор группага тушди. Вазият мушкул эди. «Тепеда» ўз фикрини ўтказиш камлик қиларди. «Қуйдан» келадиган қаршиликларни ҳам энгиш зарур эди. Рок-лабораториянинг бунёдкорлари ҳаваскор рок-группаларга таъсири кучли бўлган яширин менаджерлар қаршилигига дуч келишди. Чунки ҳали расмий ташкилотлар рокни тан олишмасди, яширин рок билармонлар мўмайгина процентга ётоқхоналар, кафе, ҳатто уйларда концертлар уюштиришар эди. Масалан, «Аквариум»нинг концертига ўртача уч хонали Москвадаги квартирага 200 га яқин киши йиғилди.

Рок-лаборатория пайдо бўлиши билан ҳаваскор рок-командалар бирин-кетин яширин ташкилотлардан кета бошладилар. «Дохийлар» муридларсиз, нотиклар тингловчиларсиз қолишди» деб ёзди ўшанда «Комсомольская правда» газетаси.

Рок-музыканинг яширин савдоси учига чиқа бошладик (битта билетнинг баҳоси ўн сўм бўлиб қолди-да) «гадонинг душмани гадо бўлади» деганларидек бу фойдахўр лабораторияни тарқатиб юборишга астойдил уринувчилар ҳам топилди-қолди. Улар юқори маҳкамаларга ҳар хил шикоятлар, арзлар, хуфия хатлар уюштиришар, концертларда жанжал чиқаришар, буям етмагандек музикачиларни тутиб олиб уришга ҳаракат ҳам қилиб кўришарди.

...1986—87 йилги якуний концертлари билан бу ансамбль тажриба босқичдан ўтганлигини тасдиқлаб олди. Ҳаваскор ижодий уюшмалар давлат ташкилоти сифатида расман рўйхатдан ўтдилар.

1987 йил бошида рок-лаборатория таркибига 75 коллектив кирган бўлса, улардан 14 таси аттестациядан ўтди холос. Ярим йил ўтгач якунловчи фестивалда 32 команда иштирок этди.

Рок-лаборатория директори шундай ҳикоя қилади:

Ҳозир бизда 86 коллектив бўлиб, улардан 64 таси халқ олдида концерт ўтказиш ҳуқуқига эга. Қолганлар ҳозирча халқ олдида чиқишни машқ қилиб ётишибди. Томошабин-

лар ҳузурига чиқишдан олдин уларни биз тинглаб кўрамиз ва баҳо белгилаймиз. Кўшиқ текстларини ҳам ўзимиз кўриб берамиз.

— Маданият бошқармаси назорати кўмагидами?..

— Йўқ. Биз кўшиқ мазмуни учун биринчи ва охириги ягона жавобгарлармиз.

— Агар адашсаларинг-чи?..

— Ҳозирча адашганимиз йўқ. Ошкоралик замони ҳозир. Кўшиқчилар доим ҳақиқатни куйлаб келишган. Газеталарда ҳам ҳақиқат бор бўй-баста билан кўриняпти-ку.

— Яхши. Баҳо олгандан кейин коллектив аъзолари қанчадан маош олишади?

— Ҳар бир концертга 11 сўмдан 20 сўмга қадар. Масалан, Кранер — 11, «Ньюанс» — 20 сўмдан.

— Рақобат қилувчи яна бир система — дам олиш кооперативлари мавжудлигига нима дейсиз?

— Ҳа, бу жиддий рақобатчимиз ҳисобланади. Уларда кўп пул тўлаганлиги учунгина эмас. Бироқ бир нозик жиҳат бор. Кооперативчилар учун муҳими — коммерция, сифат масаласи уларда иккинчи даражали ҳисобланади. Агар улар шу таҳлит фақат фойда кетидангина қуваверсалар тез орада томошабинга зор бўлиб қолишади.

— Лекин уларда техника, аппаратураларнинг ноёблари борлигини унутманг...

— Хулоса чиқаришга шовилманг. Уларда баъзан шундай шалоғи чиққан аппаратлар ишлатиладики, қулоқ-миянгиш шанғиллаб кетади.

— Ўзларингизда бу жиҳатдан аҳвол қандай?..

— Емон эмас.

— Шаҳар рок-клублари билан муносабатларингиз қандай кечяпти, уларга тақлид қилмаяпсизларми ишқилиб?..

— Бизнинг вазифамиз — ҳаваскор рокерларнинг мусиқа тафаккурини шакллантиришдир. Рок-клубда эса ўз ишининг билагонлари йиғилган: «Машина времени», «Рок-ателье»...

— Демак, сизлар ҳаваскорларни рок-клубларга учирма қилиш билан шуғулланаркансизлар-да...

— Улар ҳорижга боришади. Рок музыкага қизиқувчилар учун «Олга силжиш» журна-



«Хушмуомала раддия» («Вежливый отказ») группасининг етакчиси Роман Суслев



«Ньюанс» рок-группасининг ижрочиларидан бири Андрей Шмигов концертдан олдин ўй ўйлаб турибди.

лимиздаги мана бу хабарларни ўқиб кўринг-а:

«Альянс» Берлинга бориб кўпчиликка манзур бўлди».

«Ньюанс» Прагада бўлганида «88-йил Рок фестивали» томошабинларини ҳайратга солди.

«Звуки Му» ансамбли Будапештда американинг «Пер Бу» группаси билан бирга биринчи ўринни эгаллаб, Варшавадаги фестивалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. «Ва Банк» шуҳрати уларникидан ҳам ўтиб тушади. Бу ансамбль инглизча пластинка чиқаришга муваффақ бўлди. Яқин орада «88-йил рок манзараси» мусобақалари бошланади. Биз рок-клуб ҳамкорлигида уни ташкил қилишга бел боғлаганмиз.

Ҳа, Москвада катта ишга бел боғланганлиги рости. Рок-музыкага Свердловск шаҳар комсомол комитети ҳам катта эътибор бермоқда. Натижа ёмон бўлмапти. «Найтилиус Пом-



Орохонадаги Павел Титовец ҳам «Ньюанс»дан.

пилиус» мамлакат рок группалари орасида пешқадам коллективлардан бири саналади. Ростов-Дон, Новосибирск, Фрунзеда ҳам рок клублар фаолият кўрсатмоқда. Тўғри, Тошкентда ҳам замонавий музыка лабораторияси, унда эса ансамбль ҳам мавжуд. Бироқ у ҳозирча фақат ягона. У ерда жойсиз юрган рокерларни уюштиришга нима ҳалақит бериши номаълум. Ўзибўларчилик оқибатими бу ёки маъмурий ялқовликнингми? Масала ҳа-

мон ҳал қилинмай ётибди. Эҳтимолки, яқинда ҳукуматимизнинг ВЛКСМ хўжалик фаолиятига ёрдам бериш тўғрисида чиқарган қарори бу муаммони ҳал қилишга ёрдам берар?..

Яқинда Москва рок-лабораторияси пойтахт шаҳар комсомол комитети қошига кўчганлиги маълум бўлди.

М. ГРУШИН фотолари.

А. ПОПОВ

## КРОССВОРДЛОТО

Этиборингизга ҳавола этилаётган кроссвордни ечиш анча қулай. Чунки унинг изоҳлари иккитадан берилган. Маълум рақамга тегишли изоҳлардан бирининг жавобини топасизда, чап томондаги шаклнинг ўша рақамидан бошлаб ёзиб кўясиз. Бордию ҳар иккала изоҳга жавоб топсангиз, иккинчи жавобнинг томондаги шаклдаги ўша рақам каттакларига ёзиб кўяверасиз. Умуман жавобларни қайси томондаги шаклга ёзиш ихтиёри ўзингизда.



Энига: 3. Кўп йиллик субтропик мевали ўсимлик.— Ҳижрий йил ҳисобида ой номи. 6. Ғафур Ғулум шеъри.— Физик ўлчов бирлиги. 7. Чингиз Айтматовнинг «Сарвиқомат дилбарим» асаридаги аёл образи.— 12 буржнинг V-юлдуз туркуми. 10. Суриядаги қадимий шаҳар.— Ҳижрий ой номи. 13. Қирғиз халқ эпоси.— Адабий жанрлардан бири. 15. Табиат мўъжизаларидан бири қуёш нурининг уфқда етти хил товланиши.— Ҳашорот. 17. Ширинлик.— Кемалар бекати. 18. Ўқув соати.— Сойлик, тор ва чуқур сойликлар. 19. К. Маркснинг буюк асари.— Ўғит. 20. Жанубий Америкадаги пойтахт шаҳар.— Италия пул бирлиги. 22. Темир моддасига бой бўлган мевали ўсимлик.— Халқ, эл... 23. Волга бўйидаги порт-шаҳар.— Езнинг энг авжи. 25. Отнинг маҳаллий зотларидан бири.— Уй-рўзғор буюми, чинни, сопол, тунукадан ишланади. 26. Литва Совет шоираси, СССР Давлат мукофоти лауреати (1904—1945),— Прогрессив турк ҳажвчиси. 29. Халқаро спорт федерацияларидан бири.— Тиниш белги. 30. Сайёра.— СССР Марказий қисмидаги тоғ. 31. Уй жиҳози.— Нодир металл.

Бўйига: 1. Географик ўқув қуроли.— «Оқ олтин». 2. Яқин Шарқдаги араб давлатларидан бири.— Заргарликда ўлчов бирлиги.

4. Мевалардаги ёғочли қобиқли қисми.— Тоҳир Маликнинг фантастик қиссаси. 5. Хабар.— Каштачилик намунаси. 8. Немис классик философиясининг асосчиларидан бири.— Ой номи. 9. Кавказда пайдо бўлган, ҳозир кенг тарқалган, шашка доналари ёрдамида ўйналадиган ўйин.— «Фарғона келини» романининг муаллифи, араб адиби. 11. Пионер атрибути.— Машина ва аппаратларнинг цилиндр шаклидаги ичи қавак деталли. 12. Митти давлат.— Ҳарбий унвон. 13. Енгил атлетикада энг узоқ масофага югуриш.— Яримфабрикат озиқ-овқат маҳсулоти. 14. XIV аср форс

шоири, у ғазал жанрини юксак поғонага кўтарган.— Исм. 16. Театр жанри.— Оғирлик ўлчов бирлиги. 21. Қадимий ўзбек куйи.— Арабистон ярим оролидаги давлат. 22. Қозоқларда халқ шоирлари ва бахшиларига нисбатан ҳурмат ифодаси.— «Утрор» асарининг муаллифи. 23. Газлама.— Кимёвий модда. 24. Белоруссиядаги дарё.— Ҳиндистонга кўшни давлат. 27. 1644—1721 йилларда Ҳиндистонда яшаб ижод этган шоир ва мутафаккир — Металл. 28. Метерологик ҳодиса.— Газ.

О. Одилхонов тузган.



# ХАВОЙИ МАЙЛГА АЛДАНМАНГ!



Ҳозирги ошкоралик даврида ҳар қандай мавзуда очиқ-ойдин гапиришимиз, ёзишимиз мумкин. Лекин шундай ҳоллар бўладики, бехосдан «Шошмайликчи, қандай бўларкин?» деб мулоҳазага бориб қолсан, киши. Хусусан, гап қизларимиз ифати, ор-номусига бориб тақалса етмиш ўлчаб бир кесишга тўғри келади.

Тасаввур қилинг, 16 ёшли қиз оғир руҳий азобда қолган. У ўзини азоблаётган дардни ҳеч кимга оғиз очиб айтолмаган, ўйлаб-ўйлаб сўнги илинж сифатида редакцияга мактуб йўлла-

ган. Башарти редакциядан жавоб бўлмаса ўз жонига қасд қилишни дилига тугиб қўйган. Хўш, бундай пайтда нима қилмоқ керак?

Жавоб бермоқ, адашган қизга, кеч бўлса-да, йўл-йўруқ кўрсатмоқ керак. Шу мақсадда биз медицина фанлари кандидати Владимир Фридкинга мурожаат қилдик.

Қишлоқ мактабининг бирида 9-синфда ўқувчи А. исмли қиз ҳомиладор бўлиб қолган. Дунё кўзига қоронғи, юрагига қил сиймайди, уят, номус унинг вужудини кун

сайин, соат сайин емирмоқда. Нима қилсин? Бошини қаёққа урсин? Уқитувчисига айтадими, онасигами? Дугоналаридан бирортасига дил ёрадимми?.. У ҳолда ким деган одам бўлади?! Отаси, акаси, қариндош-уруғи, қўни-қўшни ё синфдошлари хабар топса ким деган одам бўлади?! Айниқса қишлоқ жойларда бундай гаплар қанот қоқиб учади — қулоқдан қулоққа, оғиздан оғизга кўчиб шундайига ҳам тикон босиб ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтирган қизни шарманда шармисор қилади.

## АЙТИНГ, АЙТИНГ, ИШОНЧ ЙЎҚОЛМАСИН

Инспектор Лариса Петровна бир неча йилдирки тарбияси оғир болалар билан шуғулланиб келади. Яқингача унинг рўйхатида аксарият ўғил болалар бўларди. Энди улар ёнига қизлар ҳам қўшилаётгани она, тарбиячи сифати уни оғир ўйларга толдиради. Ҳар бирига «дело» очилган, ҳар бири инспектор назоратида. Шулардан бирини варақлаймиз. Сабабларини ахтарамиз. Инна исмли қиз шундай деб тушунтириш хати ёзибди:

...«1987 йил 20 июнда уйимиздан чиқиб кетдим. Сабаби — уйда ҳар кунни жанжал, тинчлик йўқ. Чиқиб кетгач Сергей билан бирга юрдим. Кундуз кунлари боғларда сайр қилдик. Кечкурун дискотекага кирдик. Ундан кейин Қўйликда турадиган дугонам Анжеланикига бориб ётдик. Кунимиз ундан, бундан олинган аримас қаралар билан ўтарди. Емишимиз қуруқ нон, баъзан Анжеланикида дурустроқ овқатланардик. Шиша териб топиришдан ҳам тоймасдик. Спиртли ичимликни, мен уйдан чиқиб кетгач бир ҳафтадан кейин тотиндим. У шампан виноси эди. Наша, қорадорига ўхшаган нарсаларни татиб кўрмадим. Мен танишган болаларда бундай нарсалар борлигини сезмадим. Катта опам мени инспектор билан излашган. Ниҳоят тутиб олишди. Энди нима қилмоқчиман: 1. Уйдан кетиб қолмайман. 2. Спиртли ичимликлар ичмайман. 3. Уйга вақтида келаман. 4. Опамнинг айтганларини қиламан. 5. 8-синфни тамомлаб техникумга ўқишга кираман. 6. 8-синфда дарслардан прогул қилмайман».

Хўш, Иннанинг саргузаштлари қачондан бошланган эди? Лариса Петровна Инна ўқийдиган мактабда бўлган, болалар ва қизлар билан бир эмас, бир неча марта суҳбатлар уюштирган. Минг афсуски... Уша кунни Инна дугонаси Света билан дискотекага боради. Барга киришади. У ердан кеч чиқшади-да машина тўхтатишади. Шу машинада у ўз номусидан ажралади. Шу воқеадан кейинги на у Сергей билан танишади ва уйдан кетиб қолади. Бошқа болалар билан учрашади, Сергейнинг дўстлари Иннада яхши таассурот қолдиришгани кизиқ. Уларни фақат «яхши» деган сўз билан эсга олади Инна. Булар орасида ўғирлик ва йўлтўсарликда айбланиб, жазо муддатларини ўтаб чиққан К. ва А. исмли болалар бўлган. Улар яна автомашина ўғрилаб қайта қамоққа тушишди. Кўрдингизми, Иннанинг ҳаёти кимлар даврасида тубанлаша бошлаган. Энди Иннанинг Света исмли дугонаси ҳақида.

Светаларнинг уйи тўрт хоналик эди. Аммо уйдагиларнинг бир-бирлари билан келишмаслигидан кенг хоналар ҳам тор кўринарди. Онаси бошқа эрга тегиш тарадудига тушиб қолган, уйда фақат квартирадан ажраб қолмаслик учунгина яшарди. Уй-жой деб судлашганлари судлашган эди. Света уйдан аллақачон безган, баъзан дугонасиникида ётиб қолар, у билан на ота ва на она қизиқарди. Светанинг бўш вақти кўпроқ Анҳор бўйида кечарди. Ўртоқлари Лена, Шоҳиста, Лелалар билан чўмиларди, ишқилиб кун ўтарди-да. Бир кун онаси уни тўсатдан узокдан кўриб қолди. Номини айтиб чақирди. Қиз бўлса ўз онасига интилмади, ҳа заррача ҳам талпинмади. Қайтага ура қочди. Онаси орқасидан югурди. Шунда Света йиқилиб оёғини чиқарди. Ҳа, Инна билан Светани бир хилдаги уйдан бешиш топиштирган эди.

Яқинда инспекторнинг столида Жения исмли қизнинг ёзув хати пайдо бўлиб қолди. Ун беш ёшли Жения уйдан чиқиб кетганлигини ёзган эди.

— Хатни ўқишим билан кўз олдимга Света билан Инна келди, — дейди алам билан Лариса Петровна.

Инспектор Женининг уйига борган, онаси билан гаплашган. Маълум бўлишича Жения уйдан чиқиб кетгунгача уларникида Света бўлган. Аммо Света уйдагиларга ёқмаган. Натижада уни ҳайдаб чиқаргудек қилишган. Кейин Жения йўқолиб қолган. Жения тўрт кундан кейин уйига қайтди. Қаерларда, кимлар билан бўлди, бу ҳақда лом-мим демади.

Яна бир гап Шоҳиста ҳақида. У ҳам шу қизлар тўдасидан. Аммо Шоҳиста уйдан кетиб қолгани йўқ. Бир неча кун сурункасига мактабга келмади. Сабаби уйда кўнгилсиз воқеа юз берди. Уларникига ўғри тушиб, жуда катта суммадаги нарсаларни олиб кетишди. Текширув давом этяпти...

Юқоридаги воқеалардан кейин номлари келтирилган қизлар ўқийдиган мактабда муҳокама бўлиб ўтди. (Ҳозир Света билан Лела кечки мактабда ўқишяпти. Иннани Самарқанддаги СПТУга юборишмоқчи эди, нимагадир бу қарорларидан қайтишди.)

Келинг, шу ўринда қизлар ўқийдиган мактабга бир оз тўхталайлик. «Ажойиб мактаб-а». Сиртдан қараганда бу даргоҳ ҳақида фақат шундай дейиш мумкин. Чиндан ҳам у Тошкентдаги намунавий мактаблардан саналади ва мартабали меҳмонларга кўз-кўз қилинади. Шаҳар марказида

бўлгани учун ҳам унинг ўқувчилари юриш-туришда мана-ман деб кўзга ташланиб туриши керак. Лекин қай аллозда? Ҳаётга эндигина кириб келатган қизларнинг қадам олишини ўзингиз кузатдингиз-ку. Визга нима керак. Тарбиями, дабадами?

Лариса Петровнанинг хонасида ўтириб шуларни ўйлар эканман эшик тақиллади. Хонага қаҳрамонларимиз Света билан Лела кириб келишди. Света 15 ёшда, Лела 14 да! Кийинишлари, бўянишлари ҳаддан зиёд. Тортиниш, уялиш йўқ.

— Бу қанақаси, — деди инспектор қизлардан гина қилиб, — камнамо бўлиб қолдинглар. Икки марта излаб бордим.

Света: — Лариса Петровна! — Қиз жаҳл қилгандек гапирарди, — биласизку, мен кейинги пайтда яхши қиз бўлиб қолганман. Бизнинг кечки мактабда экзаменлар бошланган. Кеча геометриядан беш олдим. Бугун сизнинг чақирувингизни деб дачага дам олгани боролмадим.

Лела: — Нега бувимга телефон қилиб безовта қилдингиз. Биласиз-ку, уйдагилар мендан юрак олдириб қўйишган. Сиздан телефон бўлди ми ёниб кетишади. Айниқса бувимлар.

Лариса Петровна: — Ахир бувинг ҳам сени қардалигингни айтиб беролмади.

Лела: — Энди бувимлар менинг тарбиям билан шуғулланмайдилар. Мен шунга қарор қилдим. Уларга телефон қилманг.

Света: — Биз икковимиз ҳам кечки мактабда анча кўзга кўриниб қолдик. Уч баҳосиз ўқиёмиз. Сиз бўлса у ёққаям телефон қилибсиз. Ахир биз жиноятчи эмасмиз-ку. Ҳадеб таъқиб қилаверасизми? Қайтага ўз ҳолимизга қўйинглар. Умуман уйдан чиқмай қўйдим. Бу кетишда мен эмас, уйдагилар бешиб чиқиб кетсалар керак.

— Нимага энди, уйдан кимдир бешиши керак, бирга-бирга яшаганга нима етсин, — гап қўшамиз.

Лела: — Мен шунақа оилалар борлигини тасаввур қилолмайман.

Света: — Мен ҳам.

— Қизиқ, сизлар ҳам улғаясизлар, оила қура-сизлар, фарзанд кўрасизлар, фарзандларингиз билан бирга-бирга яшашни ўйламайсизларми?

Лела: — Фарзанд дейсизми. Бўлмайди. Ўзимга ўхшаб азобланишларини истамайман.

Света: — У қизининг ўзидан ҳам батарроқ бў-

Афсуски, бўлар иш бўлган, шунинг учун тезроқ конкрет йўл-йўриқ кўрсатиш керак, чунки ҳар қанча пушаймон ҳам ривож ола бошлаган ҳомилани ўсишдан тўхтатолмайди.

Ҳа, жинсий яқинлик ҳийла ёшларда ҳам учрамоқда. Бу қизлар учун фақат бартараф этилмайдиган ташвишлар келтирмоқда. «Ёш куч»га хат йўллаган А. исмли қизимиз ҳам шундайлардан бири.

Одатда бундай пайтларда аввало онага ёки опага бор гапни айтиш маъқулроқ. Аксари ҳолларда қизлар катталардан ёғилажак маломат тошидан чўчидилар. Тўғри, ҳар қандай она учун қизини келинлик либосида кўриш, муносиб жойдан куёв қилиш олий орзу. Шундай экан, бундай хабар ҳар қандай онаизорни беҳад азобларга қўйиши муқаррар. Фақат шунини унутмаслик керакки, онанинг қаҳри қанчалик қаттиқ бўлмасин, унинг остида меҳр-шафқат ҳам кўринади. Шу боис у ўз қизига керакли маслаҳат беради.

Такрорлайман: ўз яқинларингизга сирни ошкор қилишни сира кечиктирманг, негаки, келгусида кўриладиган тадбирлар ҳаммаси нечоғли барвақт адо этилиши жуда муҳимдир.

15—16 ёшли қизлар организми табиатан фарзанд кўришга тайёр эмас, шундай бўлган тақдирда туғиш оғир асоратлар қолдириши, боланинг нобуд бўлиши ҳеч гап эмас. Шифокорлар одатда ҳомилани олиб ташлашни маъқул кўрадилар. Бироқ, ҳомилани, хусусан биринчи ҳомилани олдириш, яъни аборт қилдириш хавфли. Шунга қарамай икки йўлдан бирини танлашга тўғри келади. Шунини ҳам унутмаслик керакки, вояга етмаганлар ҳомиласини ота-онаси ёки бирон яқин кишининг розилиги билан фақат медицина муассасида аборт қилдириши мумкин.

Айтаётганларимни асосан А. сингари адашганлар учун бўлса-да, бундай қизларнинг оналарига ҳам мурожаат қилмоқчи эдим.

Муҳтарам оналар! Қизингизнинг номаъқул қўйган қадамидан хабар топганда оғирроқ бўлинг, қаттиққўл тарбия воситаларини кўришга ошиқманг, зеро, таълим-тарбияни, айниқса жинсий тарбияни сиз анча илгари бошламоғингиз зарур эди. Энди эса, ғишт қолипдан кўчган, фарзандингиз — ҳа я, ўз болангиз — қийин аҳволда қолган. Шундай экан унга маслаҳат беришда, уни қўллаб-қувватлашда саботли бўлинг.

Шу ўринда ўз тажрибамда учраган бир воқеа эсга тушди. Кунларнинг бирида ҳузуримга 14 ёшли Тая исмли қиз кириб келди. Узук-юлуқ гапириб воқеани тушунтирди ва она бўлиш истаги йўқлигини айтди. Қизалоқнинг организми ҳам ҳали фарзанд кўришга мутлақо тайёр эмасди. «Онангни чақириб кел» дедим. Тая аввалига бунга рози бўлмади, сўнг кўнди. Қизнинг онаси воқеани эшитиб қанчалик боши қотганлиги унинг кўзларидан сезилиб турарди, лекин у вазминлик қилди, менинг маслаҳатимни тўғри ҳисоблаб абортга рухсат берди. Таяни шу қўйга солган йигит «ҳомила мендан эмас» деган даъво билан қочиб юрди. Гўё у жазодан қочиб қутулмоқчи эди. Ваҳоланки, ҳомиланинг кимдан эканлигини аниқлаш жудаям осон. Биз шифокор сифатида кўпроқ Таяни саломатлигини сақлаш устида қайғурдик.

Орадан икки ой ўтиб Таяни учратдим. У анча соғайган эди, лекин аччиқ пушаймонларини яширмади, бевошлик қилганини, ўткинчи майлга учиб ҳаётини хавф остида қолдирганини айтди...

Мазкур мисолда муаммо нисбатан енгил ҳал

бўлгани кўриниб турибди. Лекин унга йўл қўймаслик мумкин эди-ку... Уғил-қизларимизнинг жинсий тарбияси ҳақида кўпда қайғурмаймиз, бу мавзуда суҳбат қурмаймиз. Ҳар бир бола ва ҳар бир қиз кўнглига йўл топиш мураккаблигини етарли ҳис этмаймиз.

Айрим ёшларда жинсий яқинликка мойиллик эрта бошланади ва шу майлни қондиришни тўғри деб ҳисоблайдилар. Бироқ ҳар бир жойда, ҳар бир халқнинг бу борада ўз тажрибаси, анъаналари борки, унга риоя қилиш оқибати чакки эмас. Мисол учун Америкада аҳвол ўзгача. У ерда бола 16 ёшга тўлганда ота-онадан мустақил яшай бошлайди. Шу ёшда у ўзи учун ўткинчи жуфтни топади. Эҳтимол, бунга ҳаваси келадиганлар бизда ҳам топилар. Лекин америкалик ёшлар орасида тирноққа зор оилалар, таносил касалликлари, СПИД га йўлиққанлар кўплигини ҳам унутмаслик керак.

Катталарнинг иштирокисиз топишиб олган йигит-қизлар иттифоқи одатда узоққа бормайди, айниқса қонуний никоҳсиз оила аксарият бузилади, пароканда бўлади. Шундай экан қизим А.га, қизалоғим Таяга ўхшаш покиза-беғубор ёшдаги сингилларим қулоғига шипшийдиган бирдан-бир маслаҳатим шу: ўта замонавийлашиб кетиш ҳаёлида эс-ҳушингизни йўқотиб қўйманг, ҳушёр бўлинг, тақдирингизни болалик ўткинчи майллар қурбонига айланторманг! Ақл-идрокни пешлайдиган, жисмоний чиниқтирадиган машғулотлар танланг, меҳнатдан қочманг. Ана шунда ҳаёт беҳад гўзал, беҳад тароватли бўлади — ҳадемай қуражак оилангиз Сиз учун умрбод мустаҳкам истеҳкомга, бахт-иқбол чашмасига айланади.

Б. ГЕРШГОРИН ёзиб олди.

либ қолишидан қўрқади. Қасосли дунё қайтса борми?!

Мен ҳар иккала қиздан кўз узмайман. Юзларида кезаётган ифодаларни ўзимча тушунмоқчи бўламан. Нимага улар бунчалик ўзларини ёмонга чиқариб қўйишяпти.

— Бирон бир йигитни севиб қоласизлар, шунда фарзанд кўриш туйғуси уйғонмайди деб сизларга ким айтди. Севгига ишонасизларми ўзи? — сўроққа тутаман уларни.

Лела: — Йўқ.

Света — Йўқ.

Лела «йўқ» дейиш билан қаноатлана олмайди, ички бир дард фикрини мустаҳкамлашга ундайди:

— Биз ҳеч нарсага ишонмаймиз. Ҳамма одамлар бир хил, фақат ўзини ўйлайди, ўзим бўлсам дейди. Йигитлар бўлса қизлар билан бир мартагина учрашишади...

— Сизлар ҳали жудаям ёшсизлар, бундай хулосага келишингизга ҳали эрта.

— Эрта эмас, жа билгингиз келса айтиб қўя қолай, икковимизниям яхши кўрганамиз бор. Қолаверса улар ҳам яхши кўришади. Фақат қамоқда ўтиришибди-да.

— Фавқулодда шундай бўлиб қолди, — гап қўшди Света, — истамаганлари ҳолда машина ўғирлашди...

Биз уларни кутамиз. Бир йили ўтди, уч йили қолди. Хат ёзишиб турибмиз. Қутилиб келишганда биз ўн саккиз, айни никоҳ ёшида бўламиз, — деди Лела.

Ҳа, қизларнинг ўзлари ҳам, сўзлари ҳам турланиб турарди. Ҳаёт ҳақида уларнинг қатъий бир фикрлари йўқ эди. 13—14 ёшда адашиб мумкин? Улар охири севги деган сўзни тан олишди, ҳатто йигитларини садоқат билан кута жакларини ҳам айтишди. Балки бирдан-бир илинж шудир. Лекин йигитларчи, у ёқдан қай таҳлитда қайтишаркин, ҳамма гап шунда...





Биз қизлар билан биргаликда ташқарига чиқамиз. Оқшом тушибди. Лариса Петровнани тўрт ёшли ўғли Ромка кутяпти. Қизларни эса уйдагилар. Кеч қолишса «қаёқда эдинг?» деган зардали саволдан бир қадар юрак олдириб қўйишган. Ахир шу ёшда ишончли йўқотиш осонми? Уни тиклаш учун неча ойлари йиллар керак бўлар экан ҳали. Айтинг, айтинг, ҳеч ким ишончини йўқотмасин экан. Эҳ менинг замондош сингилларим: Света, Лела, Инна, Жена, Шоҳиста, барбод бўлган ишончларини тиклаб, ўзларингизни оқлаб олармикансизлар? Ахир сизлар бешовингиз, бешта оиланинг бекаси, бўлажак онасизлар. Қанийди ҳаётнинг сиз бошлаган нотекис йўллари шу эзгуликка олиб борса. Аслида бу ораунинг калити ўзингизнинг қўлингизда. Сиздаги ор ва номус, виждон, ирода кучининг чинакам тантанасида.

Лайло ШОХНАЗАРОВА

## ЙЎЛ БОШИДА АДАШГАНЛАР



# «МИТТИ МОТОЦИКЛЛАР»



Япон техникасининг доврўғи оламга машхур. Яқинда «Хонда» фирмаси ёш ҳаваскор мотоциклчиларга ажойиб совға тайёрлади.

Келинг, уларнинг модели билан танишиб кўрайлик.

АТК-70: болалар ва ўсмирлар учун трицикл — вездеход. Унинг тузилиши жуда оддий. Двигателининг ҳажми 72 см<sup>3</sup> бўлган тўрт тактли бу мотоцикл ҳайдашга жуда қулай бўлиб, катта тортиш кучига эга. Тўрт босқичли узатмалар қутчаси уни паст-баланд турли (ҳаттоки қумли ва лой йўллarda ҳам) кўнгилдагидай бошқаришга катта имкон яратади... Ҳаракатлантирувчи қисми «Т» симон тузилишда бўлганлиги учун жуда қатъий, эмин-эркин юришга имкон беради. Босими паст бўлган кенг профилли шиналари анчайин қийин йўллари писанд қилмайди.

Бу митти мотоциклнинг оғирлиги 77 килограмм, ранги ва ёруғлик қайтаргичлари жуда тиниқлиги уни йўллarda кўриниши кичик бўлса ҳам яхши пайқашга имкон туғдиради. Бундай трициклларда 12—14 ёшли ўсмирлар учун мотоспорт бўйича мусобақалар уюштирилади. Қолаверса уларда саёҳатларга чиқиш мумкин. «Урал» мотоцикли қишлоқ йўллари учун қанчалик қулай бўлса, бу трицикл ҳам қишлоқ ёшлари учун шундай қулай транспортдир.

Иккинчи модель — КР 50 эса 10—12 ёшли болалар учун мўлжалланган. Унинг оғирлиги бор-йўғи 35 килограмм, лекин мусобақаларда ҳақиқий мотоцикллик фазилатларини бор бўй-басти билан намойиш қила олади. 50 см<sup>3</sup> ҳажмли икки тактли двигатели, бир узатмалиги бу мотоциклни бол кайлар осон ўрганиб олишларига имкон беради.

Минимотоцикл Зет 50 Р эса ундан сал оғирроқ — 50 кг, табиийки, бақувватроқ ҳам. Унинг двигателининг ҳажми ҳам 50 см<sup>3</sup> бўлсада, лекин тўрт тактли, уч босқичли узатма қутиси бу мотоциклнинг бақувватлигини таъминлайди.

Уни 10—14 ёшли болаларга тавсия қилиш мумкин. Ҳозир тузилишини таърифлайдиганимиз — минимотоцикллар юқоридаги уч транспортдан конструкциясининг мураккаблиги, кўриниши ва оғирлиги билан фарқланади.

МВ-50 — катта йўллarda саёҳат қилиш учун мўлжалланган икки ўринли мопед.

Двигателининг ҳажми — 50 см<sup>3</sup>, 6 босқичли узатма. Ҳаракатлантирувчи қисми юқори тезликда юришга имкон беради. Филдираклари дюралюминдан қўйилганлигидан кўриниши жуда чиройли.

МТ-50 ҳам икки ўринли мопед бўлиб бу кўпроқ мусобақаларга мўлжалланган. Бу иккала

мопеднинг оғирлиги бир хил — 78 кг. Улар кечаси юриш учун ҳам махсус чироқлар билан жиҳозланган бўлиб, 14—16 ёшли, шаҳарда ва шаҳар типидagi жойларда юриш қондасини беш қўлдай биладиган, транспорт ҳайдашни яхши ўрганиб олган ўсмирларга мўлжалланган.

Ниҳоят энг охириги модель — НК 50 М, нифти энгил моторолёр. У 12—15 ёшли ўсмирлар учун шаҳарда юришга жуда қулай. Двигатели 50 см<sup>3</sup> ҳажмли, икки тактли.

Бундай митти мотоцикллар болаларни эрта ёшдан мустақил юришга, транспортни бошқариш маҳоратини шакллантиришга, улардаги техник ижодкорликни ўстиришга, спортни севишга ўргатиши билан қимматлидир.

Фикримча, бу мотоциклчалар болалар учун яхши маънода эрмак, бўш вақтни қизиқарли ўтказишнинг гарови ҳам ҳисобланади. Минг афсуски, бизнинг болаларимиз бу мотоциклларни сотиб олишларига имкон йўқ. Саноатимиз ишлаб чиқараётган «Дельта» ва «Мини» мопедларини таърифлаганимиз — япон мўжаз мотоцикллари билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Трицикл ва минимоторолёрлар мамлакатимизда умуман ишлаб чиқарилмайди, ҳориждан ҳам сотиб олинмайди. Биз ривожланган мамлакатлардан авто — ва мото техника сотиб олмайдиган ягона мамлакат ҳисобланамиз. Кейинги 15 йил ичида мопедларнинг нархи 142 сўмдан (Рига-4, 1974 йилдан чиқа бошлаган), 275 сўмгача («Дельта» ёки «Мини») қимматлашиб кетди. Бу эса отонанинг биргаликда емай-ичмай бир ой йиққан маоши билан баробардирки, эҳтимол шунинг учун ҳам бизда мопедларни ўсмирлар эмас, ёши катта кишилар миннншса керак.

Болаларни ёшлиқдан мотоспортга қизиқтира олмаётганлигимиз яна бир жиҳатдан панд бермоқда. Совет спортчилари — В. Арбеков, Г. Моисеев ва В. Кавиновлар мотокросс бўйича тўрт марта жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритганлар. Бунга ҳам ўн йилдан зиёд вақт ўтибди. Шундай кейин бизнинг халқаро спорт мусобақаларидаги мавқеимиз пасайиб кетди. Кейинги йилларда кучли ўнликка илашиб-илашмай юрибмиз.

Баъзи турдаги мусобақаларда эса спортчиларимиз умуман иштирок этишмаяпти.

Бизнинг сабабини эса оддий — болалигимизда биз митти мотоциклларни билмай ўтганлигимиздан, ўтаётганлигидан қидириш керак. Яна қанча болалар митти мотоциклсиз улғайишди — бу ҳам номаълум.

Қаҳрамон МАЪРУПОВ

## Сизлар нима дейсизлар?

Хурматли редакция!

Бу мактубни Сизнинг кўп минг сонли мухлисларингиздан бири ёзмақда.

...Мақтаб партасида ўқиб юрган кезларимда қишлоқда яшайдиган бир қизга кўнгил қўйдим. У билан бир неча бор суҳбатлашдик ҳам. У ҳам, мен ҳам бир-биримизнинг ўзаро муносабатимизни сезардик. Аммо мен бирон маротаба ҳам унга бўлган муносабатимни очиқ айтмаганман. «Билади-ю, айтишим шартми?» деб ўйлар эдим. «Учрашувимиз» салом-алик, икки оғиз гапдан нарига ўтмас эди. Армия сафига чақирилганимда у мактабни тугатди. Ҳарбий хизматга энди кўника бошлаганимда қизнинг турмушга чиқётганини эшитдим. Бу мен учун ҳаётнинг биринчи зарбаси эди. Ҳаётим ўша кўндан бош-

лаб издан чиқди: сал нарасага асабийлашадиган, арзимас гап учун ўртоқларимдан ранжийдиган, меҳр-муҳаббат, ошиқлик тўғрисида гап очилгудек бўлса шартта ўрнимдан туриб кетадиган одат чиқардим. Бу ҳол ҳозирги кунгача давом этмоқда. Балки буларнинг барчаси менинг иродасизлигим туфайлидир?



Мен бу борада қизни заррача ҳам айболомайман. Зотан у...!

Унинг бахтли бўлишини эса жуда ҳам истайман, унга бўлган муносабатим ўзгаргани йўқ. Хизматдан келганимга ҳам бир неча ой бўлди. Ўртоқларим ҳам бирин-кетин уйланишяпти. Ота-онам «уйлангин» деб чарчашди. Мен эса бошқа қизга кўнгил қўйишга ожизман. Ахир бе меҳр қурилган турмушнинг келажаги маълум-ку! Аммо ҳаётдан тоқ ўғиб бўлармикан?!

Хурматли журналхонлар, мен шўнчалик изтироб чекаётган нарсани муҳаббат деб аташ мумкинми? Бу ҳолни инсон асрлар давомида эъзозлаб келган буюк туйғу — муҳаббат номи билан аташ мумкинми? Бу йўлдаги менинг хатти-ҳаракатим ўринлими?! Сизлар нима дейсизлар?!

Хурмат билан


Азиз К.  
Самарқанд шахри



# ТЎҚИШ ДАРСИ


Қадрли журналхонлар! Мана куз ҳам келди. Езги юмушлардан қўлингиз анча бўшади. Сиз билан яна тўқиш машғулоти мизни давом эттиришимиз мумкин. Чунки фаслнинг совуқ кунларида иссиқ кийим изламай, ўз қўлинг билан дидингга мос қилиб тўқиб кийинганга нима етсин. Дастлаб ишни асосий петляларнинг тури ва уларнинг нақш раппортидаги номи билан танишишни якунлашдан бошлаймиз.

## ПЕТЛЯНИ УНГА ТОМОН ҚИЯЛАТИБ УРНИНИ УЗГАРТИРИБ ТЎҚИШ (РАСМ 1.)




Нақшни тўқишдан олдин дастлаб иккинчи петля ўнг (ёки терс) петля этиб тўқилади. Чап спицадаги тўқилган петляни ташлаб юбормай туриб, биринчи петля ўнг этиб тўқилади. Сўнг бу петляни чап спицадан ташлаб юборилади.

## БИР НЕЧА ПЕТЛЯНИ ЧАПГА ТОМОН ҚИЯЛАТИБ УРНИНИ УЗГАРТИРИБ ПЕТЛЯ ТЎҚИШ (2-РАСМ.)



Бунда уларнинг тўқилиш тартиби бирмунча ўзгаради. Керакли миқдордаги петлялар қўшимча спицага ўтказилади ва тўқилган нақш олдида қолдирилади. Сўнг бир неча петля одатдагидек тўқилиб, ундан кейингина қўшимча спицадаги петляларга ўтилади. Нақш раппортида аташ тартиби: 2—3 петляларни нақш олдида қўшимча спицага кўчириш.


## БИР НЕЧА ПЕТЛЯНИ УНГА ТОМОН ҚИЯЛАТИБ УРНИНИ УЗГАРТИРИБ ТЎҚИШ (3-РАСМ)



Урни ўзгартирилиши лозим бўлган петлялар қўшимча спицага олдиндан ўтказилади ва уни тўқилаётган нақшнинг ортида қолдирилади. Чап спицадаги керакли петлялар тўқилгачгина, қўшимча спицадаги петляларга ўтилади.

Нақш раппортида аташ тартиби: 2 петляни нақш ортидан қўшимча спицага кўчириш.

## УЗАЙТИРИЛГАН ПЕТЛЯ (4-РАСМ)




Агар тўқилмаган петляларни чап спицадан ўнг спицага олдиндан кўчирмоқчи бўлсангиз, уни баландлигига нисбатан икки ҳисса узайтирасиз: агар бу петляни кейинги қаторда ҳам тўқимай қолдириш керак бўлса, уни яна чўзиш керак. Асосий ип нақш турига кўра узайтирилган петлянинг олди ёки орқа томонидан олиб ўтилади.

Нақш раппортида аташ тартиби: 1 петля олдиндан кўчирилган, асосий ип нақш ортида (4-расм)



ёки 1 петля олдиндан кўчирилган, асосий ип нақш олдида. (5-расм).

Агар бир неча қаторда бир неча петля олдиндан бирваракайига кўчириладиган бўлса, матонинг сиртини безаш лозим бўлган ипни қиркишга тўғри келади. Бунда олдинги қатордан бир петля қирқилган




ип остидан тўқилади. (6-расм). Нақш раппортида аташ тартиби: ўнг (терс) қирқилган ип остидан.

## ХОМАКИ ПЕТЛЯЛИК ЧЎЗИЛГАН ПЕТЛЯ


Хомаки петля олинади, сўнг тўқилмаган петля чап спицадан ўнг спицага олдиндан кўчирилади.

Асосий ип кўчирилган петля билан бирга туради. Нақш раппортида аташ тартиби: хомаки петля 1 петляни олдиндан кўчириш. (7-расм).

Кейинги қаторларда нақш турига кўра накид ва петляни олдиндан кўчириш. (7-расм).




Кейинги қаторларда нақш турига кўра накид ва петляни олдиндан хомаки петля олган ҳолда тўқимай кўчириш мумкин. Нақш раппортида аташ тартиби: 1 хомаки петля, хомаки петля ва петляни олдиндан кўчириш. (8-расм).



Кейинги қаторларда хомаки петля ва петля тўқилади.

Нақш раппортида аташ тартиби: хомаки петлялик 1 ўнг петля (9-расм).




## ЧИРМОВ ПЕТЛЯ (10-РАСМ)



Унг спица чап спицадаги петлялар (масалан 3—4-қатордаги) орасидан сиқиб асосий ипни олдан орта томон илиб ўтказилади ва узун петля ҳосил қилинади. Нақш турига кўра шу қаторнинг ўзида ёки кейинги қаторда навбатдаги петля этиб тўқилади. Олинган петлялар сони сақлаб қолинади.

Нақш раппортида аташ тартиби: 3 ва 4 оралик петлялар орасидан узайтирилган петляни ҳосил қилиш.

## ОРТТИРИЛГАН ПЕТЛЯЛАР (11-РАСМ)



Нақш турига кўра.

Унг спицани соат стрелкаси йўналиши бўйича айлантриб икки ёки ундан ҳам кўпроқ хомаки петля ҳосил қилинади, сўнг петля тортиб чиқарилади. Кейинги қаторда унинг ҳисобига петлялар сони ортагач хомаки петлялар ташлаб юборилади.

## БАҲЯ ПЕТЛЯ (12-РАСМ)



Баҳянинг қиялигига кўра керакли петля ўнг ёки чап спицага ўтказилиб, (нақшга кўра петлялар орттирилган ёки узайтирилган бўлиши мумкин). Қаторда жойлашган навбатдаги петля у орқали тортиб чиқарилади ва спицадан петляга ташланади. Ана шу ташланган петля баҳя ҳосил қилади. Нақш раппортида аташ тартиби: иккита нақш таърифида кўпинча олдинги қатордан тўқиш деган ибора тез-тез такрорланади. Нақш раппортида бу: расмга қараб тўқиш деб юритилади. Бу дегани нақшни айнан таъриф бўйича тўқиш эмас, балки кўришини яъни петляларнинг ўнг, терс ҳолатларини ҳам аниқ ҳисобга олиб тўқиш демакдир. Агар хомаки петляга дуч келинса, хоҳишга кўра ўнг ёки терс қилиб тўқилаверади. Чунки унинг аниқ тўқимаси хусусида кўрсатма бериш қийин.

## ОХИРГИ ПЕТЛЯ

Охирги петля олдин айтилганидек нақш раппортида учрамайди.

Нақш учун санаб олинган петлялар ҳисоб-китобини қилгач уларнинг сони яна икки петляга орттирилади. Бу фақат якун ҳосил қилиш учунгина олинади. Мато охирини тўғри ёки тугунчалик қилиб тўқиш мумкин.

## ТУҒРИ ЯКУН

1-усул. Қаторни тўқишдан олдин четки петля тўқимай кўчирилади. Бунда асосий ип спица олдида туради. Қатор сўнггидаги охирги петля ўнг этиб тўқилади.

2-усул. Қаторни тўқишдан олдин четки петля тўқимай кўчирилади. Асосий ип спица ортида туради. Қатор сўнггидаги петля терс этиб тўқилади.

## ТУГУНЧАКЛИК ЯКУН

Қаторни тўқишдан олдин четки петля тўқимай кўчирилади. Асосий ип спица ортида туради. Қатор сўнггидаги петля ўнг этиб тўқилади.

# УЧИНЧИ ТУР ТОПШИРИҚЛАРИ

## МАТЕМАТИКА:

1. Икки хонали соннинг бирлар хонасидаги рақами ўнлар хонасидаги рақамдан 5 та ортиқ, изланаётган сон билан унинг рақамлари йиғиндиси кўпайтмаси 243 га тенг бўлса, у ҳолда икки хонали сонни топинг.

2. Тўғри бурчакли учбурчак ўткир бурчакларининг медианалари узунликлари 20 см ва 30 см. Учбурчакнинг юзини топинг.

3. Илдизлари квадратларининг йиғиндиси 61 га тенг бўлган қуйидаги квадрат тенгламани ечинг:

$$x^2 + px + 30 = 0$$

4. Кубнинг қарама-қарши учларида пашшалар ўтирибди. Бир пашшадан иккинчисигача бўлган энг қисқа масофани топинг.

5.  $m^2 + 8m = 85$  сони 101 га бўлинадиган барча уч хонали натурал сонларини топинг.

## ФИЗИКА:

1. Узунлиги бир метр бўлган тахта устида баландлиги асосининг диаметридан 4 марта катта бўлган цилиндр турибди. Тахтанинг бир учини ҳали цилиндр қулаб тушмайдиган максимал кўтариш баландлиги қандай бўлади?

2. Температураси 300 К, массаси 0,16 кг бўлган кислород ҳажми изобарик қиздирилганда икки марта ортади. Газнинг кенгайиш иши, қиздиришга сарфланган иссиқлик миқдори, ички энергиянинг ўзгариши топилин.

3. Сифими 20 л бўлган баллондаги ҳавони қуритиш учун кальций хлорид бўлаги солинганда у 0,26 г сувни ютди. Агар баллондаги ҳавонинг температураси 20°C га тенг бўлса, баллондаги ҳавонинг нисбий намлиги қандай бўлган?

4. Агар электролиз 10 В кучланишда ва қурилманинг ФИК 75 процент бўлганда олиб борилаётган бўлса, 50°C температурада ва 200 кПа босимда 2,5 л водород олиш учун қанча энергия сарф бўлади?

5. Утказгичга тегмасдан ва зарядни ўзгартирмасдан унинг потенциалини ўзгартириш мумкинми? Буни амалга ошириш тажрибасини баён қилинг.

Жавобларни жўнатишнинг охириг муддати 15 январь.

## ХИМИЯ:

1. А, Б ва В оддий моддалар (уларнинг молекуляр массалари ўзаро 6:7:8 нисбатида бўлган) элементлар Д, И, Менделеевнинг даврий системасида иккита қўшни даврларда жойлашган. Уларнинг водород билан реакциялари натижасида Г, Д ва Е моддалар ҳосил бўлади, чунончи Д ва Е моддалар шу элементларнинг биттасидан ҳосил бўлади. А, Б ва В элементлар ўзаро бирикиб АВ, А<sub>2</sub>Б, БВ<sub>2</sub> ва АВВ<sub>3</sub> бирикмалар ҳосил қилади. А модда Х гази (унинг 1 литрининг оғирлиги 1,96 г га тенг) билан реакцияга киришади, чунончи унинг маҳсулотларидан бири АВ бўлади. Ҳамма эслатилган элементлар ва моддаларни аниқланг, ҳамда барча реакциялар тенгламаларини ёзинг.

2. Нима сабабга кўра водород хлоридни ош тузига концентранган сульфат кислота таъсир қилиб олиш мумкин, лекин водород иодидни олишда худди ўша кислотани натрий иодидга таъсир қилишда мақсадга эришиб бўлмайди?

3. Мис фақат қиздирилган концентранган сульфат кислотаси билан реакцияга киришади. Шундай бўлса ҳам, суюлтирилган сульфат кислота билан мис орасидаги реакция ҳаво иштирокида олиб борилганда мис купоросини ҳосил қилиш мумкин. Бу процесс жуда ҳам секин содир бўлади, лекин эритмага оз миқдорда темир купороси қўшилса асосий реакция тезлиги кескин ортади. Мис купоросининг эритмада темир тузи йўқ бўлган ва бор бўлган ҳолда ҳосил бўлиш имкониятини тушунтиринг.

4. Тўрт пробиркада қуйидаги моддалар эритмалари берилган: магний нитрат, ортофосфат кислота, глаубер тузи ва барийли сув. Ҳар бир моддани аниқлаш учун анализ планини тузинг. Имконияти борича бошқа реактивлардан фойдаланманг.

5. Углеводород ёндирилганда 1,12 л СО<sub>2</sub> ва 0,72 г сув ҳосил бўлган. Шу модданинг ҳамма назарий мумкин бўлган изомерларининг формулаларини ёзинг, уларни халқаро номенклатура асосида номланг.




## Жавобларингизни текширинг

Бу гал журналнинг 5-сонида берилган «Аниқ фанлар академияси» II тур топшириқларининг ечимларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.


## ХИМИЯ:

1. а) Биринчи газ водород бўлиб, у руҳ билан хлорид кислота орасидаги реакция натижасида ҳосил бўлади:



Реакция тенгламасидан кўриниб турибдики, 1 моль руҳ реакцияга киришганда 1 моль водород ҳосил бўлади. 21,45 г руҳ 21,45:65 = 0,33 молга тўғри келади, демак, 0,33 моль водород ажралиб чиққан, бу эса 0,33 · 22,4 л = 7,392 л бўлади.

б) Иккинчи газ, кислород-калий перманганатнинг парчаланшидан ҳосил бўлади.




Реакция тенгламасидан кўринишича 2 моль КМпО<sub>4</sub> парчаланса 1 моль — 22,4 л кислород ҳосил бўлади. 47,412 г (0,3 моль) КМпО<sub>4</sub> дан неча литр кислород чиқиши қуйидаги пропорциядан топилади.

$$2 \text{ моль } (2 \cdot 158 \text{ г}) \text{ ———— } \text{ моль } (22,4 \text{ л})$$

$$0,3 \text{ моль } (47,412 \text{ г}) \text{ ———— } x$$

$$x = 0,15 \text{ моль } (3,36 \text{ г})$$


в) Учинчи газ хлор бўлиб, у 0,03 мольни ташкил этади, чунки:



$$1 \text{ моль } (87 \text{ г}) \text{ ———— } 1 \text{ моль } (22,4 \text{ л})$$

$$0,03 \text{ моль } (2,661 \text{ г}) \text{ ———— } 0,03 \text{ моль } (3,36 \text{ л})$$

Водород, кислород ва хлорлар портлатилганда сув ва водород хлорид қуйидаги миқдорларда ҳосил бўлади:



$$2 \text{ моль } \text{ ———— } 1 \text{ моль } \text{ ———— } 2 \text{ моль}$$

$$0,3 \text{ моль } \text{ ———— } 0,15 \text{ моль } \text{ ———— } 0,3 \text{ моль (яъни 5,4 г)}$$



$$1 \text{ моль } \text{ ———— } 1 \text{ моль } \text{ ———— } 2 \text{ моль}$$

$$0,3 \text{ моль } \text{ ———— } 0,03 \text{ моль } \text{ ———— } 0,06 \text{ моль (яъни 0,06 \cdot 36,5 = 2,19 г HCl)}$$

Эритманинг массаси сувнинг массаси билан водород хлориднинг массалари йиғиндиси га тенг: м<sub>эритма</sub> = 2,19 + 5,4 = 7,59 г Шу эритмадаги кислотанинг % концентрацияси қуйидаги пропорциядан топилади:

$$7,59 \text{ ———— } 2,19 \quad x = \frac{2,19 \cdot 100}{7,59} = 28,8 \text{ (масс\%)}$$

$$100 \text{ ———— } x$$

Жавоб: HCl нинг концентрацияси масса бўйича 28,8 процентга тенг.

2. Сувсиз магний сульфатнинг 80°C даги эрувчанлиги 64,2 г, яъни 100 г сувда 80°C да

# САНЛАР

кўпи билан 64,2 г шу туз эрийди. Эритманинг оғирлиги эса 100 г (сув) + 64,2 г (туз) = 164,2 г га тенг. Шу температурда 1642 г эритмада қанча MgSO<sub>4</sub> эритганини қуйидагича топамиз: 164,2 г (эритма) — 64,2 г (туз) ва 100 г (сув) 1642 г (эритма) — 642 г (туз) ва 1000 г (сув)

Эритмани совитилганда MgSO<sub>4</sub> · 6H<sub>2</sub>O кристаллогидрати чўкмага тушгани учун эритмадаги сув миқдори камаяди. Тузининг гексагидрати формуласидан ва туз формуласидан фойдаланиб, гексагидрат таркибидаги сув миқдорини топамиз.

1 моль — 288 г MgSO<sub>4</sub> · 6H<sub>2</sub>O таркибида 120 г MgSO<sub>4</sub> — ва 108 г сув бор. Эритмадан чўкмага тушувчи кристаллогидратнинг миқдорини X орқали белгиласак, бу сувсиз магний сульфатнинг миқдори

га камаяди. Ортиб қолган сув 1000 —

, ажралиб чиққан туз миқдори 642 — га тенг бўлади.

20°C да 100 г сувда 44,5 г MgSO<sub>4</sub> эришини назарда тутиб, қуйидаги пропорцияни тузамиз:






$$100 \text{ г } \quad 44,5 \text{ г}$$

$$(1000 - \frac{108X}{288}) \text{ ———— } (642 - \frac{120X}{288})$$






бу ердан X = 625,40 г

Жавоб: 1642 г тўйинган эритма 20°C гача совитилганда 625,40 г кристаллогидрат олиш мумкин.




3. Бу реакцияларни тўғри ёзиш учун иштирок этаётган моддаларнинг стандарт электрод потенциаллари (E°) қийматини келтириш керак. Улар қуйидагича:





Уларни таққослаш шуни кўрсатадики, F<sup>-</sup> ионининг оксидланиши учун FeO<sub>2</sub> — ионининг оксидловчилик хоссаси етарли эмас. SO<sub>4</sub><sup>2-</sup> — иони эса фақат оксидловчи бўлиши мумкин, шунинг учун FeO<sub>2</sub> — иони сувдаги кислород анионини оксидлаб кислород газини ҳосил қилади. Қолган ион Cl<sup>-</sup>, I<sup>-</sup> лар эса эркин галогенларгача оксидланади. Реакция натижасида қизғиш — бинафша рангли FeO<sub>4</sub><sup>2-</sup> — иони оч сарик рангли Fe<sup>3+</sup> ионигача қайтарилади (H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>, KH ва HCl); эритмада HJ бўлганда реакциядан кейинги эритманинг ранги эркин иод ранги (қора-қўнғир)га ўтади. Лекин ҳосил бўлган Fe<sup>3+</sup> — иони J<sub>2</sub> билан реакцияга киришган тақдирда эритма рангсиз бўлиши мумкин. (HJ миқдори кам бўлган ҳолда).




4. Масала шартига кўра номаълум углеводород таркибида 7 та углерод атоми ва иккита кўш боғ мавжуд. Кўш боғ тутувчи углеводородлар оксидловчилар, масалан, KMnO<sub>4</sub> нинг суви эритмаси таъсирида осон оксидланади ва бунда молекула кўш боғ жойлашган жойидан узилиб ёки кетонлар ҳосил қилади. Реакция шароитида альдегидлар яна оксидланиб карбон кислотасигача айланади. Шунга кўра номаълум углеводороднинг тузилиши қуйидагича бўлади:



Икки атом бром бирикиши реакцияси тенгламаси:







5. Таркибига кўра углеводород этилен ёки циклик қаторга мансуб. Этилен қаторида қуйидаги изомерларни ёзиш мумкин:







# АКАДЕМИЯСИ

2)  $\text{CH}_3-\text{CH}_2-\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_3$  Пентен — 2 ёки  $\nu$ -метил —  $\beta$ -этилен




Циклопарафинлар қаторида эса  $\text{C}_5\text{H}_{10}$  углеводороди қуйидаги изомерлар шаклида бўлиши мумкин:



- 1-ЦИКЛОПЕНТАН
- 2-МЕТИЛЦИКЛОБУТАН
- 3-ЭТИЛЦИКЛОПРОПАН
- 4-ДИМЕТИЛЦИКЛОПРОПАН

## ФИЗИКА:

1-масала.  
Берилган:  $m=60$  кг;  $L=2,5$  м;  $l=1,5$  м  
Топиш керак:  $M$  — ?  
Ечилиши: Балиқчи ўнгдан чап томонга ҳаракатланишида ҳаракат миқдорининг сақланишига асосан қайиқ балиқчига нисбатан қарама-қарши томонга ҳаракатланади (расмга қаранг)



Балиқчининг шу ҳаракат вақтидаги тезлиги  $e/l$  тенг. Балиқчининг қирғоққа нисбатан тезлиги эса, қуйидагига тенгдир.  
Ҳаракат миқдорининг сақланиш қонунига асосан

$$m \frac{l}{t} = m \frac{l-l}{t}$$

$$M = m \frac{l-l}{l}$$

У ҳолда  $M = 60 \frac{2,5-1,5}{1,5} \text{ кг} = 40 \text{ кг}$ .

2. масала.  
Ечилиши: Зичлиги сувнинг зичлигидан кичик бўлган жисм зичлигини аниқлаш учун қўшимча тарзда сувнинг зичлигидан катта бўлган жисмдан фойдаланилади.

Гидростатик тортиш усули билан мана шу жисмнинг  $D_1$  зичлиги ва  $P_1$  оғирлиги, сўнгра иккала жисмнинг биргаликдаги  $P^1$  оғирлиги сувда аниқланади. Архимед қонунига асосан ўша жисмларнинг умумий ҳажми қуйидагига тенг бўлади.

$$V = \frac{P_1 + P_2 - P^1}{D}$$

Бу ерда  $P_2$  зичлиги аниқланадиган жисмнинг оғирлиги.

$D$  — сувнинг зичлиги.  
У ҳолда текширилатган жисмнинг ҳажми қуйидагича бўлади:

$$V_2 = V - V_1$$

бу ерда  $V_1$  — қўшимча қуйилган қаттиқ жисмнинг ҳажми бўлиб, у

$$V_1 = \frac{P_1}{D_1}$$

бу ерда  $D_1$  — қаттиқ жисмнинг зичлиги. У ҳолда текширилатган жисмнинг зичлиги қуйидагича аниқланади:

$$D_2 = \frac{P_2}{V_2} = \frac{P_2}{V - \frac{P_1}{D_1}} = \frac{P_2 D_1}{D_1 V - P_1} = \frac{P_2 D_1}{(P_1 + P_2 - P^1) D_1 - P_1} = \frac{P_2 D_1 D}{(P_1 + P_2 - P^1) D_1 - P_1}$$

Жавоб:

$$D_2 = \frac{P_2 D_1 D}{(P_1 + P_2 - P^1) D_1 - P_1}$$

3. масала.  
Ечилиши: Маълумки, музга  $0^\circ\text{C}$  да  $Q_1 = \lambda m$  қўшимча иссиқлик миқдори берилса, муз эрий бошлайди. Бу ерда  $\lambda$  — музнинг солиштира эриш иссиқлиги (80 кал/г тенг).


Агар  $0^\circ\text{C}$  температурадаги сувдан  $Q_2 = C m (t_1 - t_2)$  иссиқлик миқдорини олиб турадиган жисм мавжуд бўлса, бу сув музлай бошлайди. Бу ерда  $t_1 = 0^\circ\text{C}$ ,  $t_2 < 0^\circ\text{C}$ .

Агар стакан изоляцияланган бўлса, у ҳолда сув музлай бошлайди, муз парчаси эса, сувда эримайди.

Бу аралашмада узоқ вақт термодинамик мувозанат сақланиб туради.

4-масала:  
Берилган:  $C/2$ ,  $C$ ,  $E$ .  
Топиш керак:  $U$  — ?

Ечилиши: Масала шартига кўра, ҳар бир конденсаторни алоҳида батареякага улаб потенциал фарқи  $E$  га тенг бўлгунча зарядлаймиз. Зарядланган конденсаторлардан фойдаланиб, қуйидаги электр занжирини ҳосил қиламиз (расмга қаранг).



$$q = \frac{C}{2} E, q'' = C E$$

Занжир ураниши билан заряд тақсимоли юз беради ва умумий заряд миқдори  $q_1$  ва  $q_2$  заряд миқдорларининг йиғиндисига тенг бўлади.

$$q_1 + q_2 = \frac{3}{2} C E \quad (1)$$

Занжирдаги умумий кучланиш қуйидаги тенгликни қаноатлантиради:

$$E + U_1 - U_2 = 0 \quad (2)$$

(1) ва (2) тенгламаларни биргаликда ечиб, ҳар бир конденсатордаги кучланишни аниқлаймиз.

$$U_2 = \frac{q_2}{C} = \frac{3}{2} E - U_1, \quad U_1 = \frac{1}{4} E, \quad U_2 = \frac{5}{4} E \quad (3)$$

$$E + U_1 - U_2 = 0,$$

Занжирдаги элементларни ажратиб, 1-чи конденсаторни потенциаллар фарқи  $E$  га ча зарядлаймиз. Сўнгра занжирни қайта йиғамиз. У ҳолда конденсаторлардаги умумий заряд миқдори қуйидагича тенг бўлади.

$$q = \frac{C}{2} E + \frac{5}{4} C E = \frac{7}{4} C E$$


Конденсаторлардаги заряд миқдорининг тақсимотидан сўнг ҳар бир конденсатордаги кучланиш қуйидагича бўлади:

$$U_1 = \frac{3}{8} E, U_2 = \frac{11}{8} E \quad (4)$$

Иккала конденсаторни шу усул билан қайта-қайта зарядлаб,  $3/2 E$  кучланишга ча зарядлаш мумкин.

Ток манбаини, ҳамда  $E$  ва  $3/2 E$  кучланишга ча зарядланган бу конденсаторларни кетма-кет улаб, занжирда тахминан  $3,5 E$  га тенг бўлган кучланишга эришиш мумкин.

5. масала.  
Ечилиши: Масала шартига кўра, предмет тасвирини ясаймиз.



$$A = \sqrt{B' B''}$$

тенгликни исботлаш керак, бу ерда  $B'$  — предметнинг кичрайган ҳақиқий тасвири  $B''$  — предметнинг катталаштирилган ҳақиқий тасвири Чизмада  $LN = a_1$ ,  $NK = b_1$ ,  $LM = a_2$ ,  $MK = b_2$  белгилашларни киритамиз.

Геометрик тасавурларга асосан (чизмадаги учбурчакларнинг ўхшашлигидан)

$$\frac{A}{B'} = \frac{a_1}{b_1} \text{ ва } \frac{A}{B''} = \frac{a_2}{b_2}$$

бўлади.

$$A^2 = B' B'' \frac{a_1 a_2}{b_1 b_2} \quad (1)$$

У ҳолда

Линза формуласидан фойдаланиб қуйидаги тенгликни ёзиш мумкин.

ёки  $\frac{1}{a_1} + \frac{1}{b_1} = \frac{1}{F}$  ва  $\frac{1}{a_2} + \frac{1}{b_2} = \frac{1}{F}$  ёки  $\frac{1}{a_1} + \frac{1}{b_1} = \frac{1}{a_2} + \frac{1}{b_2}$

Масала шартига биноан  $a_1 + b_1 = a_2 + b_2$ . Юқоридаги (2) тенглик  $a_1 = b_2$  ва  $a_2 = b_1$ , шартлардагина бажарилади. Бу шартлардан фойдаланилса, (1) тенгламадан изланаётган


$$A = \sqrt{B' B''}$$

жавоб келиб чиқади.

## ДАРСЛИГИНГИЗГА ҚЎШИМЧА

### Абу Райҳон Беруний

Утган сонда босилган «Абу Райҳон Беруний» номли мақолада ер айланаси узунлигини топиш усулининг баёни билан танишган эдингиз. Қуйида ўша усулни математик баёни билан танишасиз.



$$\frac{R}{R+H} = \cos \alpha$$

$$R = R \cdot \cos \alpha + H \cdot \cos \alpha$$


$$R = \frac{H \cdot \cos \alpha}{1 - \cos \alpha}$$

$$\alpha = 2 \cdot \frac{22}{7} \cdot \frac{H \cdot \cos \alpha}{1 - \cos \alpha}$$

$$\alpha = 2 \pi \cdot R$$


Эслатиб ўтамиз. Берунийнинг ўлчаш натижалари ҳозирги маълумотлар билан таққослаганда фарқи 31,5 км бўлиб, бир градус ёйнинг узунлигидан фарқи атиги 252 метрни ташкил қилади.

Б. УСМОНОВ



Б. Блюменфельд куйидаги тўртинчи лекциясини 1934 йил 29 июлда ўқиган.

Тейхман-Дуз-Хотимирский  
Прага, 1908 йил



Юриш қоралардан. Оқларнинг фарзини боғланиб қолган: узоқлашса С:g2х бўлади. Бинобарин, у зарба бериш кучидан маҳрум. Дуз-Хотимирский 1... Лf4 ўйнар экан, рухини зарба остига қўяди, бироқ уни олиб бўлмайди: d1 даги рух биринчи горизонтални мотдан ҳимоялашга боғланиб қолган (2. Л:d5? ярамайди, чунки 2... Лf1х).

2. f6 g6 3. Cd2 (3... С:a2 га 4. Ф:f4 ўйнаш учун) 3... Лf2 4. С:d5 Ф:d5 ва қоралар ютиб чиқди. (Дуз-Хотимирский 1931 йили Ўзбекистон чемпиони бўлган эди — М. М.)

1906 йили Нюрнбергда ўйналган Маршалл-Вольф партиясида шундай позиция юзага келган:

Оқлар: Кр g1, Фе2 Лс1, Лf1, Сb1, Сb2, Кg5 пп. а3, b4, e3, f2, g2, h2 (13);

Қоралар: Крг8, Фс7, Лd8, Лf8, Са8, Cd6, КС6, Кd5, пп. а6, b5, e6, f7, g6 (13).

Юриш оқлардан. Бир сипоҳи кам оқларнинг ихтиёрида дарров ўйинни ютадиган юриш бор:

1. Фh5! Қораларнинг g6 даги пиёдаси ҳимояга боғланиб қолган: у жойидан қимирлай олмайди. Акс ҳолда b1—h7 диагонали очилиб кетади ва қоралар мот бўлади. 1... f6 (бўлмаса мот) 2. С:b6 ва оқлар ютади.

1911 йили Карлсбадда ўйналган Ротлева—Тейхман партиясида куйидаги позиция содир бўлган:


Оқлар: Кра1, Фb2, Лd1, Лd3, Ке4, пп. a2, b3, f3 g2, h2 (10);

Қоралар: Крг8, Фа5, Лс6, Лс8, Ка3, пп. a7, b4, f7, g7, h7 (10).

Юриш оқлардан. 1. Лd7. Шу ерда Тейхман зўр юришни топади — 1... Фе5! Оқларнинг фарзини c1 хонасини ҳимоялаб турибди: у шунга боғланиб қолган. Агар оқлар фарзини олса, уч юришда мот бўлади.

2. Лd8+Л:d8 3. Л:d8+Крh7. Лd1 Ф:b2+ 5. Кр:b2 Лс2+ 6. Кра1 Л: g2 ва қоралар ютиб чиқди.


Слоним — Рюмин  
Москва, 1931 йил




Юриш қоралардан. Ушбу вазиятда Рюмин 1... Са3 ўйнади. Оқлар нима қилиши керак? Агар 2. Ф:e7 бўлса, 2... С: b2+ 3. Крb1 С:c3+ 4. Крс1 Сb2+ 5. Крb1 Са3+ 6. Сb4 С: b4 7. Фе2 С: d2+ 8. Сb5 Л: b5+ 9. Ф: b5 cb ва қоралар комбинация оқибаотида бир рух эвазига икки сипоҳга эга бўлади. Слоним 2. Ка4 жавобини бергач ўйин шундай давом этган эди: 2... С:b2+ 3. К: b2 Фа3 4. Фе5 Ле8 5. Фd4 c5 6. Фс3 Ф:a2 7. Се1.

Юзага келган вазият ҳаддан зиёд қизиқарли ва ибратлидир. Оқлар охири юриши билан шохига «дарча» очиб қўйди. Фарзин билан а1 дан кишт бериш қўрқинчли эмас — шох d2 га ўтиб кетади. Рюминда d2 хонасини назоратга олиш фикри туғилгани табиий. У, d3 даги фил е4 хонасини ҳимоялашга боғланиб қолганини сезиб, чалғитувчи 7. Ле2! юришини қилади ва 7... С:e2 дан кейин 8... Ке4 ўйнаб, d2 пунктини зарба остига олади. Слоним-таслим бўлди, зеро мот мажбурий.

Навбатдаги топшириқлар



Юриш оқлардан.



Юриш қоралардан. Иккала позиция ҳам зўр шахматчилар амалиётида учраган. Хўш, Сиз қандай ўйнадингиз? Билимингизни ишга солинг, азиз дўстлар!

Муқовамизда: Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Булбулча» ансамбли.

Т. СТЕПАНОВА ва В. ЖИРНОВ  
фотоси.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Ёш куч Молодая смена



Ижтимоий-сиёсий, адабий бадий  
безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 11 (29) ноябрь, 1988.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти.

**Бош редактор**  
Худойберди ТУХТАБОВ  
**Редколлегия**  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Владимир ВОЛОТКО  
(бош редактор ўринбосари)  
Евгений ГРЕВЦОВ  
Хуршид ДУСТМУХАММАД  
Мирза КЕНЖАБОВ  
Эркин МАЛИКОВ  
(масъул секретарь)  
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ  
Латиф МАҲМУДОВ  
Мирвосил ОДИЛОВ  
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ  
Йўлдошали ТОЖИБОВ  
Александр ФАЙНБЕРГ  
Александр ФРОЛОВ  
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ  
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Техредактор Файзулла БАРИМОВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежемесячный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке  
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.  
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,  
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена» 11, ноябрь, 1988

© «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди 14.09.88 й. Босишга рухсат этилди 25.10.88 й. Офсет усулида чоп этилди. Р—14178. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Қоғоз ҳажми — 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 187512 нусха. Буюртма № 4311. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

# Тоғларга қор тушмоқда...

Р. ЯРУЛЛИН ФОТОСИ.





Шоир Абдулла ОРИПОВ

Раҳмон ШОДИЕВ асари.

[Рассом ижоди билан журналнинг 17-саҳифасида танишасиз]